Бинобарин, агар биз фарзандларимизни соғлом ва баркамол, Ватанга содиқ инсонлар этиб вояга етказиш ниятида эканмиз, аввало хотин-қизлар учун илм-фан ва касб-ҳунар йўлларини кенг очиб беришимиз керак.

Агар биз бўлғуси хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, бухорийлар, улуғбеклар, навоийларни тарбияламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ҳар томонлама соғлом, юксак билимли ва маънавиятли оналарни тарбиялашимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
Халқаро хотин-қизлар кунига
бағишланган тантанали
маросимдаги нутқидан.

МУНДАРИЖА

4. Қутлов

Ўзбекистон халқига Наврўз табриги

5. Муҳаррир минбари

“Бир-бирни неча куни ғанимат тутингиз!”

7. Халқаро анжуман

Зокиржон МАШРАБОВ.
Россия Федерациясининг пойтахти – Москва шаҳрида бўлиб ўтган «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий мероси ва ҳозирги замон» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясидаги нутқ



12. Фиқҳ илми

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ.
Бобур давлатининг ҳуқуқий кодекси

17. Янги тадқиқот

Ситора ТОЖИДДИНОВА.
Мирзо Бобурнинг сўзда сурат чизиш маҳорати

22. Тадқиқот

Азизжон ШАРИПОВ.
Тангаларда намоён тарих



27. Хазина

Буробия РАЖАБОВА.
“Бобурнома”да мураббий ва муқаввийлик талқини



33. Тарих кўзгуси

Замирахон ИСОҚОВА.
Кўнгилга нур каби қуйилган сўзлар

37. Суҳбат

Сйед Нақи АББОС.
“Маҳоратли шоҳ ва дилбар шоирга бўлган меҳрим мени Ўзбекистонга етаклайди”



41. Эҳтиром

Жавоҳирхон СОБИРОВ.
Буюк алломалар замини

43. Сарчашма

(Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ).
“Иста ато йўлиға жон фидо қилмоқ”


43.



46. Матншунослик

Низомиддин ИБРОҲИМОВ.
Маҳмуд Замахшарийнинг
“Атвоқу-з-заҳаб” асарининг таҳлили

46.



51. Фазилат

Али Муҳаммад ПЎЛОДИЙ.
Ибратли феъл-атвор соҳиби

53. Адабий таҳлил

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА.
“Ўз ичига беркинган одам” образи:
Абсурд вазият ва абсурд қаҳрамон

60. Эътироф

Азизуллоҳ АРРАЛ.
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг
Афғонистон тарихида тутган ўрни

64. Долзарб мавзу

Ширинай ҒАНИЕВА.
Тил — миллат ғурури

69. Маънавият сарҳадларида

Зуҳал РЎЗИЕВА.
“Эмасдур ҳеч нимарса беирода”

69.



72. Мулоҳаза

Яшнар МЎМИНОВА.
Зиёрат одобини биласизми?

74. Тадбир

Нигора ТУРДИҚУЛОВА.
Бобур подшоҳ ижоди болажонлар
тилида

76. Мерос

Лобар МИРЗО.
Худоёрхон муҳри.

77. Мутолаа

Анвар БАХРАНОВ.
Навоийнинг умр ҳақидаги қарашлари

78. Қизиқ

Мирзоҳид МУЗАФФАР.
Туркияда Усмонлилар даври соати

79. Латиф лутфлар

Азизбек САЛИМ ўғли.
“Орзу қилиш ҳам ...”

Ўзбекистон халқига Наврўз табриги

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, мунис опа-сингиллар, қадрли ака-укалар!

Халқимизнинг келажаги, ишончи ва таянчи бўлган навқирон ёшлар!

Аввалambор, барчангизни, кўп миллатли бутун халқимизни жонажон Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий табриклаб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаммамиз яхши биламиз, **Наврўз тинчликни, сиҳат-саломатликни қадрлаб, асраб-авайлаб яшашга даъват этади.**

Тинчлик ва соғлиқни асрасак, қолган нарсаларга албатта эришамиз. Лекин ҳозирги глобал дунёда бу жуда мураккаб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

“Йил йилга ўхшамайди”, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳаёт ҳеч қачон бир текис кечмайди. Ҳаёт бор экан, синов бор, қийинчилик бор.

Бу ҳақиқатни шу кунларда янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Бугун коронавирус инфекцияси деган жиддий бир хавфга дуч келдик. Давлатимиз, ҳукуматимиз бу хатарни тезроқ бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.

Гўзал диёримизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз янада жипслашиб, ҳар томонлама тартиб-интизомни сақлаган ҳолда, юксак онглилик ва масъулият кўрсатиб, мўътабар кексаларимизнинг дуои фотиҳалари билан бу синовдан эсон-омон ўтамиз, деб ишонаман.

Вужудга келган мураккаб шароитни ҳисобга олиб, бу йилги Наврўз байрамида оммавий тадбирлар ўтказишни тўхтатдик.

Фурсатдан фойдаланиб, вазиятни тўғри тушуниб, кўрилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаётгани учун халқимизга яна бир бор раҳмат айтаман.

Насиб этса, тез орада бу ташвишли кунлар ортда қолади. Бундай сайил-томошаларни, тўю тантаналарни эл-юртимиз билан биргаликда ҳали кўп-кўп ўтказамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мавжуд қийинчилик ва синовларга қарамасдан, ҳаёт давом этади. Бу йил Наврўз айёми хонадонларда, оилавий давраларда кенг нишонланмоқда.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта умид билан ерга уруғ қадамоқда. Ҳудуд ва минтақаларимизда **“Дарахт экиб, боғ яратамиз, юртимизни янада обод қиламиз”,** деган эзгу мақсадда миллионлаб кўчатлар экилмоқда.

Мана шу хосиятли кунда барчамиз йилимиз қутлуғ келсин, деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб ният қиламиз.

Узоқ-яқиндаги мамлакатлар халқларини, Ўзбекистоннинг барча хорижий дўст ва ҳамкорларини шарқона янги йил – Наврўз айёми билан қутлаб, уларга самимий истакларимизни изҳор этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Илоҳим, дилимиздаги барча олижаноб орзу-интилишларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

“Бир-бирни неча куни ғанимат тутунгиз!”



Халқимизда шундай ажойиб нақл бор: “Бу кунлар ҳам ўткинчи!” Энг қизиғи, бу сўзлар инсоннинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам ас қотади. Аслида бу дунёда ҳаммаси фоний: тўйу байрамлар ҳам, тушкун кунлар ҳам. Одамзотдан қоладигани инсонийликдир. Инсонийлиги барҳаётлар эса умрбоқийликка дахлдордирлар. Ҳазрат Бобурнинг қуйидаги рубоийларини ўқий туриб мана шундай ичкин туйғулар кўнгилдан ўтади:

Жисмимда иситма тобидин оташдур,
Жонимға балою ғусса бебаркашдур.
Кўп дард ила ғамдин манга нохушлуқ эди,
Сен сўрғали, эй ҳабиб, кўнглум хушдур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек шижоату мардоналикда бетимсол зот ҳам вужуд дардидан азият чекканида ҳол сўровчилардан “кўнгли хуш” бўлга-

нини ёзади. Чиндан ҳам, бу дунёда одамийликдан ҳам гўзалроқ сифат йўқ.

Шоҳ ва шоир аждодимиз нафақат саркардалик жасоратию шоирлик маҳорати билан, балки инсоний фазилатлари билан ҳам ҳар биримизга ўрнак. Унинг энг қийин даврларда ҳам элу юртига ғамхўрлиги, йўқсилларга мурувватн, қариндош-уруғ, ватандошларга беғараз меҳри манбаларда қайд этилган. Шу боисдан ҳам у асрлар оша дунё халқларининг муҳаббатига сазовор зот ҳисобланади.

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз!
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз!
Чун гардиши чарх будурур, Тенгри учун,
Бир-бирни неча куни ғанимат тутунгиз!

Бу йил ҳам анъанага мувофиқ шоҳ ва шоирнинг 537 йиллиги таваллуд айёми муносабати билан юртимиз бўйлаб кенг миқёсда тадбирлар бўлиб ўтганидан хабардорсиз, албатта. Шундай тантанали тадбир ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман Бобур мирзо таваллуд топган сана — 14 февраль куни Андижон шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан ўтказилган тадбирда ўндан ошиқ мамлакатлардан илм ва адабиёт вакиллари ташриф буюришди. Қизғин суҳбатлар, дўстона муносабатлар руҳида ўтган тадбирда Бобур номидаги халқаро мукофотнинг янги соҳиблари тақдирланди, янги илмий тадқиқотлар, рисолалар, бадиий асарлар таҳлил қилинди. Илмий мунозара ва мушоиралар самимий руҳда давом этди.

Анжуман якунида йиғилганлар халқимизга Аллоҳ ёр бўлишини тилаб, янги фикр ва ғоялар қуршовида дўстона хайрлашишди.

Ҳазрат Бобур таваллуд санаси муносабати билан йиғилган илму адабиёт аҳлининг суҳбатларидан баҳраманд бўларканмиз, шоҳ ва шоирнинг шу сатрлари ёдимизга келди:

Ҳижрон аро ёд этиб, мени шод эттинг,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод эттинг.
Не лутф эди, дей, ҳури паризод эттинг,
Гўёки бузуқ Каъбани обод эттинг!

Суратда: З.М.Бобур таваллудининг 537 йиллиги муносабати билан Андижонда ўтказилган илмий конференциядан лавҳа.

Шу йил 28 февраль куни Россия Федерациясининг пойтахти – Москва шаҳрида «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий мероси ва ҳозирги замон» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг кўплаб давлатларидан бобуршунос олимлар, адабиёт ва тарих фидоийлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ёш тадқиқотчилар иштирок этишди. Конференция ишида юртимиздан Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов асосий маърузачилардан бири сифатида иштирок қилди ва нутқ сўзлади. У халқаро анжуман иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб, муносиб эътироф этилди. Ушбу маърузани сиз — азиз муштарийларимиз эътиборига асл ҳолича, яъни анжуманда сўзланган забон — рус тилида ҳавола қиляпмиз.

Таҳририят.

(8-11-бетларда). ➔



Выступление председателя Международного общественного фонда имени Бабура Закирджана Машрабова на форуме, посвященном изучению интеллектуального наследия великого предка узбекского народа Захириддина Мухаммада Бабура в г. Москва Российской Федерации

(28 февраля, 2020 года).

Уважаемые участники конференции!

Дамы и господа!

Прежде всего разрешите от имени правления Международного общественного фонда имени Бабура выразить признательность за предоставленную возможность выступить на столь представительном форуме, посвященном изучению интеллектуального наследия великого предка узбекского народа Захириддина Мухаммада Бабура.

Действительно, человеческий интеллект всегда, в любом обществе и в любой период истории, был и остается уникальным ключом к решению важнейших задач – и во времена великих правителей Бабура и Ивана Грозного, которые стремились к установлению дипломатических отношений, и сегодня, когда мир сталкивается с новыми, не известными ранее вызовами.


Интеллектуальное наследие Навои и Пушкина, Бабура и Шекспира, Тагора и Айтматова является уникальным гуманитарным мостом, укрепляющим связи между государствами и народами. Настоящая конференция, посвященная изучению богатого творческого наследия Бабура, – хороший пример такой интеграции.

Отношение к истории формирует восприятие настоящего и определяет перспективы будущего. В связи с этим я и мои коллеги – ученые-историки Узбекистана – утверждаем, что название династии Бабуридов «Великие Моголы» не соответствует исторической действительности.

Во-первых, Бабур – прямой потомок Амира Темура, создавшего великое государство Туран со столицей в Самарканде.

Как вы знаете, генеалогическое древо Бабура выглядит так: Амир Темур – Мираншах – Султан Мухаммад – Султан Абу Сейид – Умаршейх Мирза. Последний был отцом Бабура и правителем Ферганы. Мне могут возразить, что Бабур все-таки был потомком Чингисхана, – но, я подчеркиваю, в двенадцатом колене! Его дед по материнской линии Юнусхан был правителем Ташкента.

Само имя Юнусхана свидетельствует о том, что он далеко отошел от своих предков-кочевников. Он был высокоинтеллектуальным представителем исламской культуры, любил литературу и искусство.



Во-вторых, известный ученый и исследователь Флора Анна Стил – автор романа «Венценосный дервиш» признает, что Бабура называют «Великим Моголом» ошибочно. И таких авторитетных ученых немало.

В-третьих, в своем фундаментальном труде «Бабур-намэ», который фактически является его автобиографией, Бабур ни разу не назвал себя «моголом», всегда причисляя себя к тюркскому роду, династии Темуридов.

В последние годы в результате многочисленных исследований ученые-бабуроведы из разных стран пришли к однозначному выводу, что наименование «Великие Моголы» не соответствует историческим фактам, и с научной точки зрения правильным будет – «Государство Великих Бабуридов».

В частности, такое решение было закреплено резолюцией международной научной конференции бабуроведов в 2013 году в Ташкенте с участием ученых из более чем 30 стран.

Уважаемые участники конференции!

Несмотря на отдельные трудности, в советском Узбекистане занимались изучением жизни и творческого наследия Бабура. За минувшие четверть века в нашей стране бабуроведение приобрело статус отдельного научного направления.

Особенно активизировались эти исследования в последние годы благодаря огромному вниманию и поддержке, которые оказывает Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев развитию культурно-гуманитарной сферы.

Следует отметить, что при поддержке правительства Узбекистана на Родине Бабура – в Андижане Международным общественным фондом имени Бабура создан мемориальный комплекс, который включает в себя символический мавзолей и памятник великому поэту, музей «Бабур и мировая культура», а также прекрасный парк площадью 300 гектаров.

Наш Фонд проводит большую работу по изучению богатого научного и литературного наследия не только самого Бабура, но и его современников, других выдающихся мыслителей Центральной Азии, внесших огромный вклад в развитие мировой цивилизации. В выполнении этой задачи особая роль принадлежит международным научным экспедициям Фонда.

С 1992 года организовано свыше 25 экспедиций, в ходе которых мы побывали в более чем 40 странах.

Наши маршруты пролегали от Африканского континента до полуострова Индостан, от Европы до Америки. На автомобилях и частично на воздушных судах преодолено свыше 370 тысяч километров. Нам удалось обнаружить и вернуть в Узбекистан оригиналы, а также копии уникальных рукописей, научных трудов, хранившихся в зарубежных музеях и библиотеках. Часть из них переведена на современный узбекский язык и введена в научный оборот.

В ходе научных экспедиций, в частности, определены и изучены места упокоения целого ряда великих личностей, родившихся и выросших на земле Ма-

верауннахра, подготовлены проекты по благоустройству этих территорий. Несмотря на тяжелую ситуацию в Афганистане, наш Фонд совместно с зарубежными партнерами занимался восстановлением и благоустройством находящихся в этой стране мест захоронения Алишера Навои, Мавлоно Лутфи, Камолиддина Бехзода.

Данная работа получила высокую оценку руководства Узбекистана и Афганистана. Также в результате научных поездок найдены оригиналы и копии около 700 рукописей и книг об Амире Темуре, Бабуре и Бабуридах. На их основе Фонд выпустил более 30 книг.

Это прежде всего четыре издания «Бабурнамэ», в том числе на русском языке, «Энциклопедия Бабура», «История Рашиди», «Хабиб-ус-Сияр» и другие. Учрежден журнал «Бобур ва дунё» («Бабур и мир»).

Совместно с Институтом тюркологии Академии наук Российской Федерации издан фундаментальный научный труд «Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография».

В настоящее время наш сотрудник Шокирхон Рустамходжаев под руководством члена-корреспондента АН Российской Федерации профессора Анны Владимировны Дыбо подготовил и издал первую часть этой книги. Остальные три части выйдут в свет до 2022 года.

Пользуясь случаем, выражаю благодарность за содействие в реализации этого масштабного проекта уважаемой Анне Владимировне и Российскому благотворительному фонду «Искусство, наука и спорт».

В сотрудничестве с известными учеными Узбекистана и других стран Фонд Бабура осуществил два издания «Энциклопедии Захириддина Мухаммада Бабура». Готовятся к печати третье издание энциклопедии, а также ее переводы на русский и английский языки. Кроме того, мы запланировали выпустить в 2020 году полное собрание сочинений Бабура «Куллиёти Бобур».

Изданы такие ценные письменные памятники, как: хайдарабадская копия рукописи «Бабурнамэ» из музея Саларджанга; Коран, написанный на Хатти Бобурий (алфавит, составленный Бабуром); копия находящегося в Иране полного собрания сочинений поэта. В ходе научных экспедиций нам удалось собрать своеобразную библиотеку переводов «Бабурнамэ», изданных в разных странах мира более чем на 20 языках. Эти книги переданы в музей «Бабур и мировая культура». В его экспозиции хранится также немало трудов ученых Института стран Азии и Африки МГУ имени Ломоносова. В общей сложности по материалам научных экспедиций при спонсорской поддержке Фонда выпущено более 40 книг, снято 27 документальных фильмов.

Стало традицией в день рождения Бабура – 14 февраля в Андижане ежегодно проводить республиканские, а один раз в пять лет – международные научные конференции бабуроведов, посвященные изучению жизни и многогранного наследия этой великой личности – поэта, государственного деятеля, историка, мемуариста, географа, ботаника, этнографа.

Фондом учреждена Международная премия имени Бабура. Наряду с учеными и деятелями культуры Узбекистана ее лауреатами стали Анна Дыбо из России, Эйжи Мано из Японии, Клаус Шонинг из Германии, Магда Махлуф из Египта, Камар Раис из Индии и другие.

В нынешнем году 14 февраля состоялась очередная научно-практическая конференция, приуроченная к 537 – летию со дня рождения Бабура. Нас радует, что в ней приняли участие также исследователи из России, США, Индии, Ирана, Афганистана, Азербайджана, Казахстана, Кыргызстана и других стран.

Еще одним важнейшим направлением деятельности нашего Фонда является всестороннее изучение истории города Андижана, особенно периода, когда им правил Бабур. В результате 20 летних археологических изысканий и исторических исследований собраны и обоснованы научные данные, позволяющие устано-

вить возраст города Андижана – 2 тысячи лет.

При Фонде создана постоянно действующая экспозиция «Эпоха Бабура, история и культура градостроительства Андижана».

Дорогие коллеги!

Известно, что в «Бабур-намэ» описаны события с 1494-го по 1530 год. К сожалению, до нас дошла лишь половина этого гениального произведения. Остальная часть утеряна.

Нам неизвестна судьба и таких его произведений, как «Военное дело», «Секреты музыки», «Рифма». Нет последней главы книги «Хумоюннома», написанной Гулбаданбегим – дочерью Бабура. Возможно, что они хранятся в частных коллекциях,небольших библиотеках или музеях. Поиск этих произведений – одна из главных задач Международного общественного фонда имени Бабура, всех нас с вами – востоковедов и бабуроведов. Думаю, что сегодняшняя научно-практическая конференция также будет способствовать выполнению этой благородной миссии.

Как сказал выдающийся государственный деятель XX столетия, первый Премьер-министр Индии Джавахарлал Неру, «Бабур был обаятельной личностью, типичным государем эпохи Возрождения, смелым, предприимчивым человеком, он любил искусство, литературу, любил наслаждаться жизнью».

Захириддин Мухаммад Бабур обладал еще одним уникальным качеством – во имя великой цели он умел объединять людей разных национальностей и разной веры, был толерантным человеком в истинном смысле этого слова.

Наш нынешний международный форум, объединивший поклонников бессмертного творчества Бабура из десятков стран – яркое тому подтверждение.

Позвольте выразить благодарность всем его организаторам и участникам. Мы будем рады видеть вас в Узбекистане, в Андижане – на Родине великого Бабура.

Спасибо за внимание.



Темурийлар давлати ва унинг давомчиси бўлмиш Бобурийлар ҳукмронлигининг беш асрга яқин узоқ муддатли даврида, фан ва маданият гуллаб-яшнади ва кенг кўламда ривожланди. Лекин бу порлоқ давр, жаҳон миқёсида ислом ҳуқуқи ривожи жараёнида "мужтаҳидлар" ва "мухарриҳлар" даврларидан кейин тушкунликка юз тутган "муқаллидлар" ёки "тақлид" даври деб аталган олтинчи босқичга тўғри келди.

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ,
ҳуқуқ фанлари доктори, профессор.

Бобур давлатининг ҳуқуқий кодекси

ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЙ КОДЕКС БОБУРИДСКОГО ГОСУДАРСТВА
LEGISLATIVE CODE OF THE BABURID STATE

Мақолада Бобурийлар салтанатидаги қонунчилик тизими илмий тадқиқ этилган. Маълумки, Аврангзеб Оламгир кўрсатмалари асосида "Фатавои Оламгирий" номли йирик ҳуқуқий мажмуа ёзилган. Ҳиндистондан ташқарида "ал-Фатаво ал-Ҳиндия" номи билан шуҳрат қозонган мазкур ҳуқуқий кодексга Низомиддин Бурҳонпурий раҳбарлигида 24 олимдан таркиб топган илмий ҳайъат томонидан тартиб берилган. Мақолада шу мажмуа ва бошқа манбалар ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: *Темурийлар, Бобурийлар, "Мубаййин", Аврангзеб Оламгир, Низомиддин Бурҳонпурий, ислом ҳуқуқи.*

В статье исследуется правовая система в империи Бабуридов. Как известно, крупный правовой комплекс «Фатавойи Оламгири» написан по поручению Аврангзеба Оламгира. За пределами Индии этот правовой кодекс, известный как «Аль-Фатава аль-Хиндия», составлен научной группой из 24 ученых под руководством Низомиддина Бурханпури. В статье приведены сведения об этом наборе и других источниках.

Ключевые слова: *Темуриды, Бабуриды, «Мубаин», Аврангзеб Оламгир, Низомиддин Бурханпури, исламская права.*

The article explores the legal system in the Baburid Empire. As you know, the large legal complex "Fatavoi Olamgiri" was written on behalf of Avrangzeb Olamgir. Outside of India, this legal code, known as Al-Fatawa al-Hindia, is compiled by a 24-member scientific team led by Nizomiddin Burhanpuri. The article provides information about this set and other sources.

Keywords: *Temurids, Baburids, Mubain, Avrangzeb Olamgir, Nizomiddin Burhanpuri, Islamic law.*



Тақлид даврининг хусусияти шундан иборат эдики, фиқҳ илми соҳасида, эркин фикр юритиб, ижтиҳод қилиш ва шахсий райъ асосида янги илмий асар яратиш имконияти чекланиб қолган эди. Шу сабабли фақиҳлар, яъни ҳуқуқшунос олимлар, ўша даврда қонун чиқариш идоралари мавжуд бўлмагани учун зарурат топилганда ўтмишда ёзилган машҳур фиқҳий асарлрни текшириб, уларда ёритиб ўтилган минглаб ҳуқуқий масалани бир-бири билан солиштириб, уларни изоҳлаб берардилар. Ҳар бир мазҳаб олимлари ўз имомлари изидан бориб, ўзларини уларга қарши фикр билдириш ҳуқуқига эга эмас, деб билардилар. Шунинг учун тақлид даврида тўртта асосий ҳуқуқий мактаб, яъни ҳанафий, моликий, шофеъий ва ханбалий мазҳаблари доирасидан чиқадиган бутунлай янги асар яратилмади. Ислом дунёсида ҳокимиятга эришган барча туркий сулолалар (сафавийлар ва қожарийлардан ташқари) суннийлик оқимига мансуб эдилар. Улар ҳанафий мазҳабининг жиддий тарафдорлари бўлганликлари учун, ушбу мазҳабни Туркистон, Афғонистон, Туркия ва Ҳиндистонда кенг кўламда ҳимоя остига олиб, унинг ривожи йўлида катта хизматлар қилиб келдилар. Айниқса, Темурийлар ва Бобурийлар сулоласи ушбу хусусиятни ўз фаолиятида кенг кўламда акс эттирган эдилар.

Соҳибқирон Амир Темур ўзи шахсан фиқҳ илми бўйича юксак салоҳиятга эга бўлиб, ёшлигиданоқ Қуръони Каримни мукаммал ёд олган эди. Унинг тузукларини диққат билан ўқиган киши, асосий қонун моҳиятига эга бўлган ушбу ҳуқуқий йўлланмада ислом қоидалари билан халқ орасида сингиб кетган урф – одатлар бир бири билан уйғунлашиб кетганини англайди. Бу тузуклар Соҳибқирон қурган давлатнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этганидан ташқари, амалий ҳаётда нечоғли аҳамият касб этганлигини кўради.

Темурийлар давлати фиқҳ илмига кўрсатган катта эътиборни тушуниш учун бир мисол. Мирзо Улуғбек Шаҳрисабзда қурдирган “Кўк гумбаз” жомъе масжиди ички деворининг тўрт тарафида чиройли услубда катта ҳарфлар билан бир неча мартаба ёзиб қолдирилган қуйидаги ҳадиснинг арабча матни инкор қилиб бўлмайдиган далил ҳисобланади: “Оллоҳ, ҳар кимгаким эзгуликни истаса, дин бўйича уни фақиҳ – ҳуқуқшунос олим қилади”. Ушбу ҳадиснинг такрор ёзилиши фиқҳ илмини ривожлантириш ва умумийлаштириш бўйича Темурийлар давлат сиёсатининг инъикоси бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида жуда кўп фақиҳлар, муфассирлар ва буюк дин олимлари яшаб ўтганлар. Ҳиндистонлик атоқли олим Абдулҳай Лакиновий таъкидлашича, Саййид Шариф Журжоний ва аллома Тафтозоний каби буюк алломалар Амир Темурнинг доимий суҳбатдошлари бўлиб турганлар.

Ўша даврнинг фақиҳларидан қуйидагиларни эслатиш мумкин:

“Фатавои кабирий” муаллифи Кабир ибн Кабир Аддизакий, “Фатавои Шайбоний” ва “ал-Жомул-илимия фи васоиқ- аш-шаръия ва сижиллотиҳилмаръия” муаллифи Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Маҳмуд ал-мухторий алхоразмий ал-кубравий, Ҳусайн Бойқаро номига ёзилган “Мавоҳибул алия” ёки “Тафсири Ҳусайний” ва Навоий номига атаб ёзилган “Жавоҳирут-таф-

сир литуҳфатил-амир” номли тафсирлар муаллифи Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқалар.

Темурийлар ва Бобурийларда фиқҳ илмига қизиқиш шу қадар кучли бўлганки, Алишер Навоий ўзининг бир рубойисида “Ким сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро” деб ҳуқуқшунос олимнинг даражасини кўкка кўтарган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бир қатор фиқҳий масалалар (Аркони хамса) бўйича “Мубаййин” номли манзума ёзган. Унинг авлодлари ҳам шу йўлдан бориб, илм ва фан ҳомийлари сифатида диний илмлар, жумладан, фиқҳ ва калом илмига катта эътибор қаратганлар. Биз бундай қизиқишни, айниқса, бобурийларнинг олтинчи подшоҳи бўлмиш буюк ҳукмдор Абулмузаффар Муҳйиддин Аврангзеб Оламгир давлатида юксак даражада кўришимиз мумкин. Бу олим ва иқтидорли подшоҳ ўзига хос хислатларга эга бўлиб, унинг табиатида айрим камчиликлар мавжуд бўлса ҳам, ижобий томонлари устунроқ турган.

Тарихий манбалардан хулоса чиқарадиган бўлсак, Аврангзеб Оламгир ўз илми, маданиятпарварлиги, дунёқараши ва фиқҳ илми соҳасида бажарган хизматлари билан Бобурий шаҳзодалар орасида ўзига хос ўрин эгаллаб келган. Мисрлик машҳур олим, Қоҳира дорилфунунида ислом тарихи ва маданияти устози бўлмиш Доктор Аҳмад Шалабий ўзининг саккиз жилдлик “Ислом тарихи ва маданияти қомуси” номли китобининг саккизинчи жилдида Аврангзеб ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: “Аврангзеб ўз даврининг юксак олимларидан илм ўрганиб унга амал қилди. Ҳеч қачон ичкилик ичмади, олтин ва кумуш идишларда овқат емади, мусиқада олий истидод эгаси бўлса ҳам, шахсан рақс ва мусиқа базмларида ўлтирмади. Ҳиндистон мусулмонлари уни ушбу илмият ва тақвоси учун авлиёлардан ва Аллоҳ таолонинг солиҳ бандаларидан ҳисоблайдилар. У адолатни таъминлаш мақсадида ҳеч қандай тўсиқ ва пардасиз қабулда ўлтириб, одамлар шикоятларини эшитарди. У саройда барча расмий ташрифотларга чек қўйиб, фақат “Ассаламу алайкум”ни подшоҳ ҳузурида расмий таъзим ва салом сифатида қабул қилди. Унинг даврида масжид ва мадрасалар кўпайиб, етимхоналар, работлар ва қариялар уйлари қурилди. Аврангзеб йирик олим бўлиб, кўп қиррали маълумотларга эга эди. Ислом дунёсида энг буюк масжидлардан бири ҳисобланмиш “Масжиди Шоҳ”ни Лоҳуворда қурдирди”.

Унинг даврида Ҳиндистоннинг машҳур олимларидан бири Чалабий Соҳиб 1660 йил “фаридатуз-замон фи тафсир ояти инно аразно ал-амоната” номли китобини Аврангзеб номига ёзган эди. Ундан бир қўлланма нусха Лондонда сақланмоқда.

Бобурийлар даврида таълим ва тарбияга қизиқиш юқори бўлиб, ҳатто ўрта табақага мансуб аёлларни ҳам илм ва фандан баҳра олишга ундаларди. Сарой малика хонимларидан Гулбадан бегим, Нуржаҳон бегим ва Зебуннисо бегим каби аёллар юксак таълим ва тарбия кўрган олий истеъдодли муаллиф ва шоиралар эдилар.

Аврангзеб шарқ подшоҳлари орасида ўз мамлакатининг барча аҳолисини ўқимишли-саводли қилиш режасини ўйлаб чиқди. Унингча, барча одамлар билимли бўлганда Форобий орзу этган маданиятли жамият “ал Мадинатул-фозила” юзага келиб, ҳеч ким бошқаларга зулм ва ситам қилмайдиган бўлади.

Бобурийлар ҳанафий мазҳабида бўлганликлари учун ўз ҳокимиятлари даврида Ҳиндистон мусулмонларининг расмий мазҳаби бўлмиш ушбу мазҳаб тараққиётига хисса қўшиб келдилар.

Аврангзеб Оламгир кўрсатмалари асосида “Фатавои Оламгирий” номли йирик ҳуқуқий мажмуа ёзилди. Ҳиндистондан ташқарида “ал-Фатаво ал-Ҳиндия” номи билан шуҳрат қозонган мазкур ҳуқуқий кодекс Низомиддин Бурҳонпурий раҳбарлигида 24 олимдан таркиб топган бир илмий ҳайъат

томонидан таълиф этилиб, ундаги фиқҳий ҳукмлар мумтоз услубда тартибга солинган. “Ҳиндистонда исломий тафаккур” китоби муаллифи Азиз Аҳмад фикрича, ушбу фатво ниҳоят мўътабар ва ишонарли бўлиб, ҳанафий мазҳабининг мумтоз фиқҳий манбаларига асосланган. Ушбу китоб урду тилига таржима қилиниб, 1889 йил Лакнаҳуда нашрдан чиққан. Шунингдек, унинг арабча матни икки мартаба Мисрда нашр этилган. Иккинчи нашри ҳижрий 1310 йилда Булоқ босмахонасида амалга оширилган.

Велям Эрскин ёзган “Эрон ва Бобур” номли китобнинг форсча таржимасида “Фатавои Оламгиря” форс тилида ёзилган, деб нотўғри маълумот берилган. Аслан ушбу китоб араб тилида ёзилган бўлиб, кейинроқ урду тилига таржима қилиниб, нашр қилинган. Арабча матни айтиб ўтганимиздек, Мисрда нашрдан чиққан. Шунингдек, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ушбу асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд. Бизнингча, мутаржим китобнинг отига қараб, у форс тилида ёзилган деб таржимада тасарруф қилган бўлиши мумкин.

Муаллиф таъкидлашича, Аврангзеб буйруғига биноан фатвони ёзишда барча исломий фирқаларнинг назарияларини зикр этиш тавсия этилган эди. Ҳар бир раъй ва фикр китобда унинг далили ва фалсафаси билан зикр этиларди. Китобга киритилган барча ҳуқуқий масалалар Аврангзеб назаридан ўтказилиб, тасдиқи олинганидан кейин оққа кўчирилиб, Бобурийлар салтанатининг кутубхонасига қуйилган.

“Фатавои Оламгирий” тўртта жилддан иборат бўлиб, уч ярим минг бетдан кўпроқ хажмга эга. Унинг турли вақтларда турли котиблар томонидан кўчирилган бир неча нусхаси айтиб ўтганимиздек Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кутубхонасида мавжуд. Настаълиқ ёзуви билан кўчирилган биринчи ва иккинчи жилдлар ва насх ёзуви билан кўчирилган учинчи ва тўртинчи жилдлар назардан ўтказилди. Муаллифлар асарни тўплаб ёзишда олтмишдан ортиқ фиқҳий мўътабар манбаларга асосланганлар. Ҳукмларни танлашда замон, макон ва давр талабини назарда тутганлар. Фатавони ёзишда тўғридан-тўғри фойдаланилган манбалар сони кўп бўлса ҳам биз улардан айримларини эслатиб ўтамиз: Бурҳониддин Марғилонийнинг “ал-Ҳидоя” китоби ва унга ёзилган кўп сонли шарҳлардан қуйидаги олтита асар: “ан-Ниҳоя” (ас-Сағноқий Ҳанафий), “ал-Кифоя” (Маҳмуд ибн Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд), “ал-Иноя” (Аҳмад ибн Уструшаний), ва “Фатҳул-қодир” (Ибн Ҳумом ал-Ҳанафий), “ал-Айний” (Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний), “Маорижуд-дироя” (Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ас-Саккокий). Шунингдек, Фахрул-ислом Қозихон ёзган “Фатовои Қозихон”, Абул-Лайс Самарқандий ёзган “Хизонатул-фақиҳ”, “алБаҳру ар-роиқ”, “ат-Таҳовий”, “Шарҳул-мабсут” ва бошқалар.

Мажмуа ислом ҳуқуқининг барча тармоқларини қамраб олган. Абу Ханифа томонидан “илмул-фароиз” деб аталиб, алоҳида бир фан сифатида тартибга солинган мерос масалалари ҳам тўртинчи жилднинг охирида “Китобул-фароиз” унвони остида муфассал суратда берилган. Фатаво 58 китобдан иборат бўлиб, ҳар китоб турли боблар ва фаслларга бўлинган. Боблар сони 700га етади. Ҳар бир бобда муайян соҳага боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалалар ечимлари кўрсатилган.

Ҳиндистонлик олим Азиз Аҳмад “Ҳиндистонда ислом тафаккури тарихи” китобида “Фатавои Оламгирий”ни юксак баҳолаган ҳолда унга қуйидагидек танқидий фикр билдирган: “Ушбу мажмуада барча қонуний даъволарга тегишли бўлган ҳукмлар ва фармонлар суннатий (анъанавий) хусусиятига эга бўлса ҳам, ҳукуматнинг ички ишлари ва жиноятга тегишли бўлган қонунларни текширишда кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлган йўналишлар берилган. Шунингдек, мазҳабий маросимларга тегишли бўлган қонунлар, шахсий ва ижтимоий ҳаётга боғлиқ бўлган масалалар орасидаги чегара

ибҳом пардасига ўралган”.

Лекин шуни унутмаслик керакки, “Фатавои Оламгирий” умумий ҳуқуқий кодекс бўлган ҳолда қози ишларини бажариш, амалиётда даъволарни тартибга солиш борасида ҳам айрим йўлланмалар берган. Унинг яққол мисолларини тўртинчи жилддага “Китобул-маҳозир вас-сижиллат”да кўриш мумкин. Ушбу китобда 15та маҳзар ва сижил, яъни маҳкама қарорларини қайд этиш, турли маълумот бўйича ҳужжатлар, қарз олиш, қарз бериш, ширкат тузиш, даъволарни юритиш бўйича амалий кўрсатмалар ҳуқуқий меъёрларга мослаштириб берилади.

Бизнингча, фатово муаллифлари ўз асарларида назарий томонлардан ташқари, ўша даврдаги Ҳиндистон мусулмонлари жамоасининг ҳаётий зарурат ва талабларидан келиб чиққан ҳолда амалий томонларига ҳам эътибор қаратганлар. Бу эса асарнинг муҳим ва фойдали томонларидан ҳисобланади.

Фатавода “Китобул-хиял” 29 фаслдан иборат бўлиб, унда ҳийлаи шаръия турлари, яъни ўз ечимини топмаган айрим муаммоларни қонуний тадбир орқали қандай қилиб ечиш мумкинлиги ҳақида асосий манбаларга таянган ҳолда сўз юритилади.

Китобнинг насх хати билан ёзилган учинчи жилди нозик ипак қоғозда кўчирилган бўлиб, биринчи ва иккинчи бетлари чиройли гуллар ва каштала билан ишланган. Ҳар икки хат орасида чиройли қилиб зарҳал чизиқлар тортилиб, фасллар ва боблар унвонлари қизил бўёқ билан бўялган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Фатавои Оламгир” ислом ҳуқуқи илмини яхши билган иқтидорли ўзбек ҳукмдорларининг назари остида ёзилган кенг тармоқли ҳуқуқий мажмуа.У Бобурийлар давлатчилиги ривожининг муайян бир босқичида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги турли ҳуқуқий меъёрлар, жамият аъзоларининг ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатларини белгиловчи мезонларни қамраб олган. Шунингдек, фатаво маҳоким(судлар) ишлари, мерос ва васият муаммоларини ечиш борасида катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган. Ушбу қийматли асар кўп сонли фатоволар орасида катта эътибор касб этган. Унинг урду тилига таржима қилиниб, нашр этилгани ҳам шундан далолат беради.

Биз мавзуни америкалик олимлар Мажид Хаддурий ва Ҳарберт Ж. Лебесни тўплаган “Исломда ҳуқуқ” номли китобида ушбу фатово ҳақида билдирилган фикр билан тугатамиз:

“Кўрагоний император Аврангзеб Оламгир даврида (1658-1707) Ҳиндистон бўйича барча исломий қонунларни амалда татбиқ этиш учун қисқа муддатли бўлса ҳам муҳим фаолият бошланди. Буюк император Акбарнинг қисқа муддатли мазҳабий тажрибасидан кейин бу ўринда ҳам Ҳанафий мазҳабининг қоидаларига асосланиб иш олиб борилди ва император ҳукмига биноан қадимий асарларга (ҳуқуқий манбаларга) асосланиб кўп фатволар китоби тўпланиб, унинг номи билан шуҳрат қозонди. Бундай мисол ва намуна, яъни бир шаҳзоданинг расмий мазҳабий ишлар билан қизиқиб, ҳуқуқий асарлар ҳомийси сифатида иш юритиши, тақрибан Оламгирга хос бўлиб, ўз ўрнида беназир (мислсиз) эди. Шариат (ислом қонунчилиги)нинг кучли нуфузи подшоҳ Оламгир бошлаб берганидек Ҳиндистонда инглизлар назорати давригача ҳам амалда давом этиб келди”[1].

Суратда: Аврангзеб Оламгир бобурийлар сулоласининг олтинчи қироли. “Фатовои оламгирий” ҳуқуқий мажмуаси унинг буйруғи билан ўз назорати остида ёзилган.

1 – Мажид Хаддурий ва Ж. Лебисний, Исломда ҳуқуқ, форсча таржамаси, Теҳрон – Франклин нашри, 91-бет.



Неча асрларки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шер юракли саркардаю шеър кўнгилли инсон сифатида авлодларга ўрнак бўлиб келмоқда. Унинг ҳар бир асари мисоли хазина. Бу хазиналар орасида “Бобурнома” ўзининг муҳташамлигию қомусийлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ушбу асар барча замондошларимиз учун бирдай қизиқ, олиму адиблар учун эса такрорланмас тадқиқот манбаидир. “Вақое”ни ўқий туриб, муаллифнинг ёзувчилик маҳоратига таҳсин айтмай илож йўқ. Айниқса, характер ва портрет яратишда Ҳазрат Бобурга яқинлаша оладиган адиблар кам.

Мирзо Бобурнинг сўзда сурат чизиш маҳорати

Ситора ТОЖИДДИНОВА

СПОСОБНОСТЬ БОБУРА РИСОВАТЬ СЛОВАМИ
BABUR’S ABILITY TO DRAW IN WORDS

Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”да тарихий шахслар портретини сўз воситасида маҳорат билан яратиб бергани илмий тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *“Вақое”, Камолиддин Беҳзод, портрет, Умаршайх Мирзо, Султон Ҳусайн, “Бобур энциклопедияси”.*

В этой статье рассказывается, как Захириддин Мухаммед Бабур умело создал портрет исторических личностей в «Бабурнаме».

Ключевые слова: *Вакое, Камолиддин Бехзод, портрет, Умаршайх Мирзо, Султан Хуссейн, «Энциклопедия Бабура».*

This article describes how Zakhiriddin Muhammad Babur skillfully created a portrait of historical figures in “Baburname”.

Keywords: *Vakoe, Kamoliddin Behzod, portrait, Umarshaikh Mirzo, Sultan Hussein, “Babur Encyclopedia”.*

“...Мусаввирлик ишини бисёр нозук қилди. Вале соқолсиз элнинг чеҳрасини ёмон очадур. Фабғаби(бақбақаси)ни кўп улуғ тортадур. Соқоллиқ кишини яхши чеҳрали, кушойлиқ қиладур” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур, “Бобурнома”,нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев, ”Юлдузча” нашриёти, Тошкент , 1989 йил, 164 саҳифа) деб ёзади шоҳ ва шоир. Бу таъриф ўз давридан то ҳануз рассомларнинг устози саналадиган Камолиддин Беҳзод ҳақида. Улуғ мусаввирнинг маҳоратини (“бисёр нозук”) тан олган ҳолда унинг инсон чеҳраси, яъни портрет қисми тасвиридан Мирзо Бобурнинг кўнгли тўлмайди. Бизнингча, нуктадон адиб “соқолсиз эл” деганда хотин-қизларни назарда тутаётган кўринади. Яъни, мусаввир аёлларнинг бақбақасини узун чизиб юборади. Эркакларни эса жуда хушрўй қилади. Мирзо Бобур наздида Камолиддин Беҳзод чизган портретлар жуда ҳам мукаммал эмас.

“Рости шу эдики, ёзилди” дея “Бобурнома”даги фикрларини тасдиқлаганини ҳисобга олсак, Ҳазрат Бобур кўнгли буюргани, юрагидан ўтганини адолату ҳақиқат тарозусига солиб ёзган. Шу ўринда савол туғилади: замонасининг энг истеъдодли рассоми ҳақида таҳлилий фикр билдирган шахснинг ўзи тасвир маҳоратидан нечоғлик бохабар бўлган?

Ҳайратланарлиси, “Вақое”ни ўқиш жараёнида бот-бот амин бўламизки, бу буюк аждодимиз, ҳақиқатан ҳам, нозик қараш, рассомона нигоҳ ва ўткир дидга эга бўлган. Буни “Бобурнома”даги табиат ва унинг неъматлари тасвирида ҳам, кишилар шакл-шамойили таърифида ҳам кузатиш мумкин. У ўзи кўрган одамларнинг портретини сўз воситасида шундай чизиб берадики, беихтиёр кўз олдингизда ўша тарихий қиёфа пайдо бўлади.

Мисолларга ўтишдан олдин портрет жанри ҳақида икки оғиз маълумот:

“Портрет — французча “portrait” сўзидан олинган бўлиб, тасвир деган маънони билдиради. 1. Реал ҳаётда мавжуд бўлган бир ёки бир неча кишининг ёки рассом тасаввуридаги қиёфанинг тасвири ёки фотограф томонидан ишланган сурати. 2. Адабий асарда персонажлар қиёфасининг тавсифи, тасвири (“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. А. Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент 2006 йил).

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да янада тўлиқроқ изоҳ бор: “Портрет характери асар жанрига ҳамда ёзувчининг ижодий методи ва индивидуал услуби хусусиятларига боғлиқ бўлади. Портрет адабиётда қадимдан мавжуд. Тасвир воситаси сифатида ўзгариб такомиллашган. Халқ оғзаки ижодида инсон индивидуаллашган шахс сифатида тасвирланмаганлиги учун унинг портрети ҳам кўпинча мавҳум, умумий характерга эга... Қадимги ғарб ва шарқ адабиётларида ҳам портрет кўпинча мавҳум, анъанавий характерда бўлган. Масалан, ғазалларда ёрнинг ташқи қиёфаси ой, қуёш, юлдуз, тун ва кун каби нарсаларга нисбатда кўрсатилган. Реалист ёзувчилар ташқи қиёфани батафсил тавсифлайдилар, унда давр ва ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда рўй берган ўзгаришларни айнан акс эттирадилар(Масалан, А. Қодирий, Ойбек)” (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2004 йил. 152 саҳифа).

Бу маълумотга таяниладиган бўлса, демак, портрет жанри 20 асрда ривожланган, деган хулосага келиш мумкин. Лекин, устозларнинг фикрини ҳурмат қилган ҳолда айтишимиз керакки, бу нотўғри талқин. Эътибор берсак, Абдулла Қодирийнинг энг суюкли қаҳрамони Отабекнинг қўлида “Бобурнома” бор: “Кечлик ошни ўтказгач, Ҳасанали ўз ҳужрасидан кийиниб чиқди-да, Отабек ёнига кирди. Отабек “Бобурнома” мутолааси билан машғул эди”. Бундан кўринадики, адиб З. М. Бобур ижодини билган, ҳатто ундан таъсирланган бўлиши ҳам мумкин. Шундай экан, реал портрет жанри асосчиси сифатида Ҳазрат Бобур номини тилга олиш керак, деган фикрдамиз. Чунки гарча ундан аввал ҳам айрим тарихий асарларда шахсларнинг ташқи қиёфаси, характер хусусиятлари ҳақида маълумотлар бўлсада, бу нодир истеъдод эгасичалик ўша даврда ҳеч ким сўз воситасида тугал сурат яратиб қолдирмаган.

Бу борада япониялик академик Эйжи Манонинг фикрлари эътирофга лойиқ: “Сарой тарихчиларининг персонажлар тавсифлари билан таққослаганда Бобурнинг ҳукмдорлар шакл-шамойили, хулқ-атвори, умароси тавсифи мислсиздир. Бошқа тарихий асарларда бундай тасвирларни топа олмаймиз” (Эйжи Мано, Тарихий шахслар ҳақида рўй-рост тасвирлар, Бобур абадияти. Тошкент, “Баёз” нашриёти, 2018 йил, 23-саҳифа).

“Вақое”нинг ҳозиргача бизга маълум саҳифаларида Умаршайх Мирзо, Султон

Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо, Бойсунғур Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзонинг ташқи қиёфаси “Шакл-шамойили” тарзида таснифлаб кўрсатилган. Қолаверса, матн ичида бошқа тарихий шахслар, бек ва амирларнинг кўриниши ва характеридаги ўзига хос жиҳатлари ҳам ижодкорона маҳорат билан тасвирлаганки, беихтиёр уларни тасаввурингизда жонлантира оласиз.

Мирзо Бобур яратган портретлар ҳақида гап кетганда, энг аввало, Умаршайх Мирзо қиёфаси хаёлимизда гавдаланади. Аслида ҳар қандай фарзанд учун отадан улуғроқ инсон йўқ. Муаллиф бу тарихий асарини ёзишда ростлик тарозисини маҳкам тутгани учундир балки, ҳатто падари бузрукворининг портрети ва характерини тасвирлашда ҳам ҳақиқат йўлидан оғишмайди. Беихтиёр китобхон Умаршайх Мирзо суратию сийратини кўргандек бўлади: “Паст бўйлуқ, тегирма (юмалоқ) соқоллиқ, қўба(сарғиш) юзлук, танбал киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлағондин сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари узулур эди. Киймоқта ва емоқта бетакаллуф эди. Дастор(салла)ни дасторпеч(салла ўрайдиган махсус киши) чирмар эди. Ул замонда дасторлар тамом чорпеч эди, бечин чирмаб, алоқа қўяр эдилар. Ёзлар ғайри девонда аксар мўғулий бўрк кияр эди”(Заҳириддин Муҳаммад Бобур, “Бобурнома”,нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев, ”Юлдузча” нашриёти, Тошкент , 1989 йил, 9-10 саҳифа).

Мана шу тасвирнинг ўзида муаллиф Умаршайх Мирзонинг икки портретини яратиб берган. Биринчиси, девонда давлат ишлари билан шуғулланаётган шоҳ: саллани ўша давр одатига кўра, тўрт ўраб, учини осилтириб қўйган “паст бўйлуқ, тегирма (юмалоқ) соқоллиқ, қўба(сарғиш) юзлук” киши. Иккинчиси, ёз фаслида давлат ишларидан бошқа ерлардаги, кундалик ҳаётдаги отасининг қиёфаси: “ёз пайтлари маҳкамадан бошқа ерларда аксар мўғулча бўрк киярди”.

Адиб портрет яратишда руҳий-ахлоқий омилларни ҳам назардан четда қолдирмайди: ”Бисёр саховати бор эрди. Хулқи дағи саховатича бор эрди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширин забон киши эрди, шужоъ ва мардона киши эди”.

Айнан мана шундай характер чизгилари инсон қиёфасини тугал тасаввур қилишга ёрдам беради. Бу жумлаларни ўқий туриб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бола чоғидаёқ зеҳнли, атрофидагиларга ғоятда эътиборли бўлгани, қолаверса, ҳофизасининг нақадар мустаҳкамлигига амин бўламиз. Зотан, 12 ёшида отасидан айрилган йигитнинг болалик хотираларида отасининг ташқи қиёфаси алоҳида ўрин эгаллаган. Шу боис бўлса керак, Умаршайх Мирзонинг ташқи қиёфасию ички оламидаги майда деталларгача аниқ тасвирлаб берилган.

Султон Ҳусайнга берилган таъриф ҳам ниҳоятда қизиқарли. “Қийиқ кўзлук, шер андом бўйлуқ киши эди. Белидин қуйи инчка эди. Бовужудким, улуғ ёш яшаб, оқ соқоллик бўлуб эди, хушранг, қизил, яшил абришимни кияр эди. Қора қўзи бурк кияр эди ё қалпоқ. Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси ямон чирмон чирмаб, қарқара ўтағаси(пати) санчиб, намозга борур эди”(Бобурнома. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев. Тошкент. “Юлдузча” нашриёти. 1989 йил. 147-саҳифа).

Сўз воситасида сурати чизиб қолдирилган бу тарихий шахс ҳақида “Бобур энциклопедияси”да шундай маълумотлар бор: “Ҳусайн Бойқаро — Султон Ҳусайннинг ҳозирги бадиий адабиётда (кўпинча илмий адабиётда ҳам) зикр қилинадиган исми.”Бобурнома”да унинг бобоси ва акасининг исми Бойқаро бўлгани таъкидланиб, ўзи фақат Султон Ҳусайн Мирзо, айрим ўринларда эса Мирзо деб ёзилган. Бошқа тарихий манбалар(“Ҳабибус-сияр”, “Макоримул-ахлоқ”)да ҳам Султон Ҳусайнга нисбатан “Бойқаро исми қўлланилмаган. Алишер Навоийнинг унга бағишланган қасидасида, “Мажолисун-нафоис” тазкираси, бошқа асарла-

рида ҳам айнан “Султон Ҳусайн” ёки “Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон” шаклида ёзилган” (“Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент, 2014 йил,650-саҳифа).

Бу тасвирлардан беихтиёр кўз олдимизда биз бугун Ҳусайн Бойқаро деб танийдиган Алишер Навоийнинг дўсти сурати пайдо бўлади: шеркелбат, қийиқ кўз, оқ соқолли, улуғ ёшли бўлсада, ёрқин рангдаги қизил ёки яшил шоҳона либос, қора қўзи терисидан қилинган бош кийим — бўрк кийган киши. Қолаверса, бу ерда ҳам Ҳусайн Бойқаронинг яна бир байрамона портрети бор. Ҳазрат Бобур унинг ҳайит байрамларида уч ўрамали саллага қарқара патини санчиб кийганини ёзади.

Китобхон тасаввурида муайян қиёфа шаклланган, муаллиф унинг ички дунёси билан яқиндан таништира бошлайди: “ Ҳарроф (сўзамол) ва хушхулқ киши эди. Хулқи бир нима гузаророк воқе бўлуб эди, сўзи ҳам хулқидек эди. Баъзи муамалотта шаръ(шариат)ни бисёр риоят қилур эди. Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлиқлариға(хун талаб қилганларга) топшуруб, дорулқазо(қозихона)ға йиборди”.

Яна шуниси эътиборлики, Ҳазрат Бобур зоҳирий қиёфа ботинни ифодалай олмаслигини жуда яхши билган ва буни китобхонлар ҳам ҳис қилишлари учун ташқи ва ички олам тафовутларини ҳам маҳирона ифодалаб берган. Жумладан, Султон Ҳусайннинг ўғиллари ҳақидаги маълумотлар орасида шундай тасвир бор:“Яна Шоҳғариб мирзо эди, букри эди. Агарчи ҳайъати(ташқи кўриниши) ёмон эди, табъи (қобилияти) хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб (ёқимли) эди. “Ғарибий” тахаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди”(Бобурнома. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев. Тошкент. “Юлдузча” нашриёти. 1989 йил. 149-саҳифа). Бу жумлалар Мирзо Бобурнинг ички гўзалликни-да кўра билувчи нуктадон ижодкор эканини далиллайди. Инсоннинг ташқи қиёфаси алдамчи, ботин бирламчи эканини ёдга солади. “Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди” деган таърифда инсоннинг суратию сийрати бирдай акс этган.

Киото университетининг фахрий профессори Эйжи Мано шоҳ ва шоир яратган портрет ва характерлар ҳақида ўзига хос хулоса чиқарган: “Бобур ҳарбий одамнинг ташқи кўриниши, кийими, табъи ва одатларини ифода этади, мамлакатларни, уларнинг иқлими, табиати, хўжалиги, санъат ва ҳунармандлик намуналарини тасвирлаб беради. Лекин муаллифнинг ёрқин характери асарга энг кўп жозиба бағишлайди”.

Чиндан ҳам, асар давомида Мирзо Бобурнинг кенг қиррали характер хусусиятларининг илғаб бораверамиз. Биринчи галда унинг ўта ростгўй инсон бўлгани таҳсинга лойиқ. Бор гуноҳу савобини рўй-рост ёзган. У гоҳ гулларнинг турию рангини санаётган биолог, гоҳ ҳарбий санъатдан сабоқ бераётган саркарда, гоҳ сўзни, шеърни увол қилмасликни ўргатаётган адабиётшунос ва ҳатто касалликлар ташхисию даво йўллари ҳақида фикр билдираётган шифокор, меҳрибон ва қаттиққўл ота, оқибатли қариндош, дилкаш суҳбатдош каби суратларда гавдаланади. Унинг асарлари Ғарб мамлакатларида ҳам севиб ўқилаётгани, қайта-қайта таржима ва янги нашрлар қилинаётганининг бош сабаби ҳам мана шу ростгўйликда бўлса не ажаб. Муаллиф ҳатто ўз камчиликларини-да хаспўшламай айтаверади. У замондошларини ва биз авлодларини алдамагани учун ҳам ҳурматга лойиқ.

Айниқса, Ҳазрат Бобур сийратидаги мулоҳазакорлик, босиқлик, танганинг ҳар икки томонини бирдай кўра олиш қобилиятини алоҳида эътироф этиш лозим. У биров ҳақида маълумот берар экан, унинг фазилатларини санай туриб, камчилигини ҳам унутмайди. Ҳатто душманлари тасвирида ҳам уларнинг қусурларини санай туриб, ҳеч бўлмаганда «табъи назми» борлигини эътироф этади. Шу боис ҳам, унинг «Рости шу эдики, ёзилди» деган гапи мутлақ ишонарли. Унинг шу фазилати боис ҳам биз бугун кўплаб тарихий шахслар ҳақида муайян тасаввурга эга бўламиз.

Ҳазрати Бобурнинг нозик рассомона нигоҳ эгаси эканини қуйидаги жумлалар ҳам исботлайди:

“Хаёлимда бу эдиким, элни ғофил қилиб, ёлғуз отланиб, Истарғачға борғайман. Эл воқиф эди, муяссар бўлмади. Охир нақора вақтида отландим. Турдибек била Шоҳзодаға хабар қилиб, учовлон отланиб, Истарғач сари мутаважжиҳ бўлдук” (Бобурнома. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев. Тошкент. “Юлдузча” нашриёти. 1989 йил. 226-саҳифа). Шу ўринда изоҳлаш лозимки, забардаст саркарда ва нозиктаъб шоир бу ўринда ёлғиз ўзи хазон сайрини ихтиёр этган. Аммо, баён этилганидек, эл воқиф бўлгач, ҳамроҳлар билан бирга хазон сайрига отланган. Сайр давомида ҳазрат Бобур ўз кўзи билан кўриб, ҳайратга тушган бир манзарани шундай ифодалайди: “Бир олма ниҳоли яхши хазон бўлуб эди, ҳар қайси шохида беш-олти барг сиёқ била қолиб эди, андоқким, агар нақкошлар такаллуф била тортсалар, онча торта олмағай эдилар”. (Бобурнома. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев. Тошкент. “Юлдузча” нашриёти. 1989 йил. 227-саҳифа).

Одатда мумтоз адабиётимизда куз, хазон фасли кексалик, донишмандлик, умр ниҳояси каби маҳзун фалсафий қарашларни ифодалайди. Аммо Мирзо Бобур учун хазон сайри — гўзаллик байрами. У олма ниҳолининг кузги тароватидан ҳайратга тушиб, ҳеч бир рассом бу дарахтни у кўрганчалик чиройли чиза олмаслигини айтади. Шу боис ҳам биз ҳеч иккиланмай Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўткир рассомона нигоҳ, драматик ижодкор бўлганини эътироф этамиз.

Сўзимиз ниҳоясида эслаб ўтиш керакки, бир ярим мингдан ошиқ кишилар тилга олинган “Вақое”да хотин-қизларнинг бирорта портрети яратилмаган. Айрим ўринларда характер хусусиятлари қисқагина очиб берилган, аммо аёлларнинг тугал қиёфаси мавжуд эмас. Буни, биринчидан, Мирзо Бобурнинг миллий менталитетимизга хос бўлган фазилатлари — оила аёлларини қизғаниш, номус-ор масаласига йўйсак, иккинчи томондан, шоҳ ва шоирнинг диний тарбияси билан боғлаш тўғри бўлса керак. Зотан, бизда номаҳрамларга аёлларини кўзкўзлаш жоиз саналмайди. Фақат бир ўриндагина муаллиф момоси ҳақида эҳтиром билан сўзлаган: “Хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсон Давлатбегимча кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди” (Бобурнома. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев. Тошкент. “Юлдузча” нашриёти. 1989 йил. 25-саҳифа).

Тан олиб айтамизки, бу маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сўзда сурат яратиш маҳорати ҳақида денгиздан томчи кабидир. Олдимизда ҳақгўй адиб яратган қиёфаларни таснифлаш, характер хусусиятларини таҳлил қилиш, кишилар портретини насл-насаби, касб-корига кўра ўрганиш масалалари турибди.

Зотан, “Бобурнома” маҳобатли бир дарёдирки, ундан ҳар ким ҳовучига яраша дур топа олади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона вилояти (1494-1504), Кобул (1504-1526), Мовароуннаҳр (1497-1498 ва 1511-1512) ва Ҳиндистон (1526-1530)да ҳукмронлик қилган. Бу ўз навбатида Бобурийлар буюк империясининг дебочаси сифатида тарихдан ўрин олган. Ушбу йилларда Заҳириддин Бобур қўл остидаги йирик шаҳарларда ўз ҳукмронлигининг сиёсий ва иқтисодий белгиси сифатида тангалар зарб қилдирган. Улардан айримлари бизнинг кунгача етиб келган ва қуйидаги мақолада улардан мисоллар келтирилди.

Азизжон ШАРИПОВ,
ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими.

ТАНГАЛАРда намоён тарих

ИСТОРИЯ, УВИДЕННАЯ В МОНЕТАХ

A HISTORY SEEN IN COINS

Мақолада Подшоҳ Бобур томонидан зарб қилинган тангалар ҳақида тугал маълумотлар берилган. Мазкур тангалар З.М.Бобур давлатининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва халқаро муносабатлари, савдо ва молия-пул сиёсатидан дарак берувчи тарихий материаллар ҳисобланади.

Калит сўзлар: *Кумуш,Жўнпур, олтин, Агра, Ужайн, Лоҳур, Мўлтон, Самарқанд, танга.*

В статье приводятся подробные сведения о монетах, которые были отчеканенные Императором Бабуром. Эти монеты являются историческими материалами, отражающий социальную, торговую, финансовую и денежно-кредитную политику, экономические и международные отношения государства З.М.Бабура.

Ключевые слова: *Серебро, Юнгпур, Золото, Агра, Уджайн, Лахор, Молтон, Самарканд, монета.*

The article provides detailed information about the coins that were minted by Emperor Babur. These coins are historical materials, reflecting the social, trade, financial and monetary policy, economic and international relations of the state of Z.M.Babur.

Key words: *Silver, Yungpur, Gold, Agra, Udjine, Lahore, Molton, Samarkand, coin.*





Заҳириддин Муҳаммад Бобур Темурийлар давлатининг пойтахти Самарқандни икки марта эгаллади (Кобул сафаридан олдин) ва бу ерда қисқа муддатдаги ҳукмронлиги чоғида ўз тангаларини зарб эта бошлайди. Мазкур тангалар жаҳон коллекцияларида кўплаб нусхаларда мавжуд. Жумладан қуйида келтирилаётган Даниядаги Дэвид колекциясидаги танганинг тафсифини келтирамиз:

Танга. Кумуш. Самарқанд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. 906 / 1500-1501 й.). В=4.76 гр. Д= 27.0 мм. Инв.№ С 342.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда шаҳодат калимаси (Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулаллоҳ) дан сўнг айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: Марказда, картуш ичида зарб қилинган жой ва сана "Зарб фий Самарқанд сана 906 (1500-1501)", - "Самарқандда 906 йили зарб қилинди" (Охирги 6 рақами деярли ўчиб кетган, тахминан ўқилди). Қуёшсимон кичик айлана ичида эса танганинг Султон Ҳусайн томонидан қайта зарб қилинган муҳри жойлаштирилган - беҳбуд Ҳирот" (гуллаб яшнагувчи Ҳирот). Бу тарихда ҳукмдорлар томонидан одатий ҳол сифатида қўлланилган. Айлана бўйлаб ҳукмдор исми келтирилган: "Ал-Султон ал-аъзам Заҳириддин султон Муҳаммад Бобур баҳодур", яъни Бобурнинг ҳумдорлиги ва расмий исми қайд этилган.

Шунингдек, тадқиқотчи А.М.Камишевнинг маълумотига кўра, Бобурнинг Самарқандда 1511-1512 йилларда зарб қилинган танганларида қанотларини қоқаётган қуш тимсоли туширилгани қайд этилган.

Шайбонийларнинг тазйиқи ва таъқиби остида 1503 йилда Бобур темурийларнинг Кобулдаги ерларини эгаллайди ва кейинроқ бу ерда ўзини подшоҳ деб эълон қилиб, янги давлатга асос солади. Шу даврда у ўз номидан кумуш ва тилла тангалар зарб этади. Эндиликда унинг тангаларида "ас-Султан ал-аъзам ва-л-ҳоқон ул-мукаррам Заҳириддин Муҳаммад Бобур Жалолуддин Подшоҳи-Fозий" эпитети қўшилишини кузатишимиз мумкин.

Бобур ундан кейинги йилларда ҳам Кобулда мазкур услубда тангалар зарб этиб борди. Мазкур тангалардан айримлари бизгача етиб келган.



Танга. Кумуш. Кобул. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. 913 / 1507-1508 й.). В=4.60 гр. Д= 25.0 мм.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда шаҳодат калимаси (Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммаду расулаллоҳ) дан сўнг айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: Марказда, картуш ичида "Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий" ва айланасига "Султон ал-аъзам халадаллоҳу мулкаҳу", зарб қилинган жой ва сана "Зарб фий Кобул сана 913 (1500-1501)" қайд этилган. Бобур ундан кейинги йилларда ҳам Кобулда мазкур услубда тангалар зарб этиб борди.



Танга. Олтин. Кобул. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. 930 / 1523-1524 й.). B=4.76 гр. Британия музейи. NGSA 8 (2014) 294 = Fr. 700.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда картуш ичида шаҳодат калимаси (Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммаду расулаллоҳ) дан сўнг айланасига тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: "Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий халадаллоҳу мулкаҳу ва салтанаҳу" ҳамда зарб қилинган жой ва санаси "Зарб Кобул, 930 (1523-1524)" қайд этилган.

Шу йилларда Бобур Балх ва Қандаҳорда ҳам ўз тангаларини зарб қилган. Улардан айримлари ҳозирги вақтгача турли коллекцияларда сақланмоқда.



Танга. Кумуш. Балх. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. B=4.59 гр. Зарб қилинган йили ўчган.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда айлана ичида шаҳодат калимаси (Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммаду расулаллоҳ) дан сўнг айлана бўйлаб картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: Марказда, сатрларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур эпитети келтирилган" ва зарб қилинган жойи - "Зарб Балх" ёзуви қайд этилган. Бобурнинг мазкур тангаси ноёб саналади.

Бобурнинг Балхни эгаллаган йили унинг охирги марта Мовароуннаҳрга юриши вақтига яъни 1511-1512 йилларга тўғри келади. Демак мазкур танга афтидан шу йилларга тўғри келади.

Султон Ҳусайн Бойқаро вафотдан сўнг (1506), унинг ўғиллари Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо орасида Ҳирот тахти учун кураш бошланиб кетади. Бироқ улар шайбонийларнинг босими остида мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади. Ҳокимият шайбонийлар қўлига ўтади.

1510 йилдан бошлаб Бухоро ва Самарқандни қайта эгаллаш мақсадида Бобур сафавийлар давлатининг ҳумкдори Шоҳ Исмоил I билан шайбонийларга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузишга эришади. Бу орада Самарқанд тахтини учинчи бор эгаллашга эришади, бироқ ҳокимиятни қўлда сақлай олмасдан Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, баъзи манбаларда Бобурни гўёки Шоҳ Исмоил Сафавийга ҳурмат юзасидан шиалик мазхабини қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Бироқ Бобурнинг бу даврдаги зарб қилинган тангаларида тўрт халифа исмлари келтирилиши юқоридаги маълумотни асоссиз эканлигини кўрсатади. Шоҳ Исмоил ва Эроннинг бошқа шиа ҳукмдорлари тангаларида эса фақатгина халифа Али ибн Абу Толибнинг номи келтирилган холос.

Заҳириддин Бобур салтанатининг охирги йилларида Ҳиндистоннинг бир қанча йирик шаҳарлари - Агра, Деҳли, Ужайн, Лоҳур, Мўлтон, Жўнпур ва бошқа жойларда унинг номи билан зарб этилган тангалар сақланган. Қуйида Агра ва Жўнпур шаҳрида зарб этилган тангадаги маълумотларни келтирамиз.





Танга. Олтин. Агра. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. 935 / 1528-1529 й. В=4.72 гр. Д= 25.0 мм. Инв.№ 562.

Танганинг олд қисми (аверс): "Ал-Султон ал-аъзам вал ҳоқон ул-мукаррам Заҳириддин Муҳаммад Бобур Султон ғозий, Агра, 935; ҳоладоллоҳу мулкаҳу ва салтанаҳу" ёзувлари билан ҳукмдор исми зарб қилинган жойи ва санаси берилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: марказда шаҳодат калимаси, айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари келтирилган.




Танга. Кумуш. Жўнпур. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. 935 / 1528-1529 й. В=4.54 гр. Д= 25.0 мм. Дэвид коллекцияси, Инв.№ 562.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда шаҳодат калимаси, айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари келтирилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: юқорида, чизиқ тепасида "Ал-Султон ал-аъзам вал ҳоқон ул-мукаррам". Марказда "Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий, 935-сана - ҳоладоллоҳу мулкаҳу ва салтанаҳу, зарб Жўнпур" ёзувлари билан ҳукмдор исми зарб қилинган жойи ва санаси берилган.

Юқорида келтирилган мисолларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мовароуннаҳр, Кобул ва Ҳиндистонда ҳукмронлиги йилларида ўз номидан тангалар зарб қилинганлиги ҳозирги вақтгача сақланиб келинган тангалардан маълум бўлади. Мазкур тангалар Бобур давлатининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва халқаро муносабатлари, савдо ва молия-пул сиёсатидан дарак берувчи тарихий материаллар ҳисобланади.

Даҳо сўз санъаткори Бобурнинг муҳташам “Бобурнома” мемуари ўзбек тили тарихини ўрганиш бўйича ҳам муҳим манба, хазина ҳисобланади. Адибнинг асар матнида сўз, ибора, сўз бирикмаси, гап каби тил бирликларини қўллашдаги маҳорати ўз ва кўчма маъно англатувчи сўзлар ёрдамида ижод қилган бадиий воситалар ҳамда ифодаларни қўллаши билан боғлиқ айрим жиҳатлари мамлакатимиз ва хорижнинг тилшунос ва адабиётшунос олимлари томонидан маълум даражада ўрганилган ва илмий тадқиқотлар олиб борилган. Биз ушбу мақоламизда Бобур “Бобурнома”да завқ ва мароқ ҳамда шоҳона илтифот билан қўллаган, яъни замонавий тилшунослик фани нуқтаи назари билан номлайдиган бўлсак, тенг боғланишли сўз бирикмаси “мураббий ва муқаввий” (кейинги ўринларда бирикма деб юритилади) хусусида тадқиқ ҳамда талқинлар қилдик.



«БОБУРНОМА»ДА МУРАББИЙ ВА МУҚАВВИЙЛИК ТАЛҚИНИ

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ НАСТАВНИКА И ПРИВЕРЖЕНЕЦА В “БАБУРНАМЕ”

INTERPRETATION OF MENTOR AND ADHERENT IN “BABURNAME”

Ушбу мақолада тенг боғланишли сўз бирикмаси “Мураббий ва муқаввий” ҳақида чуқур изланиш қилиниб, ўзига хос илмий қарашлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: мемуар, мураббий, муқаввий, тилшунослик, архаик, синтактик, Хожа Аҳрори Валий, Аҳмад Ҳожибек.

В этой статье было проведено тщательное исследование словаря «Наставника и приверженеца» и представлены конкретные научные взгляды.

Ключевые слова: мемуары, наставник, приверженец, лингвистика, архаика, синтаксис, Ходжа Ахрори Вали, Ахмад Хаджибек.

In this article, a thorough study of the vocabulary “Mentor and adherent” was conducted and specific scientific views were presented.

Keywords: memoirs, mentor, adherent, linguistics, archaic, syntax, Khoja Ahrori Vali, Ahmad Hajibek.

“Темурийлар Уйғониш даври ва “Бобурнома” номли монографиямизни ёзиш жараёнида Бобур мемуар матнида ҳам адиб, ҳам шоир сифатидаги маҳоратини ишга солиб бадиий-эстетик пафос билан қўллаган “мураббий ва муқаввий” бирикмаси диққатимизни ўзига тортди. Яъни, биринчидан, бу бирикма мемуар матнида ўзида ниҳоятда бой ижобий бўёқдорлик (оттенка)ни ифодалаб келган бўлиб, маълум маънода эса ижтимоий-сиёсий, моддий ва маънавий, таълим-тарбиявий, дидактик маъноларни, умуман, темурийлар Ренессанснингумумбашарий ғоялари, қадриятларини ҳам билдириб келганини кўриш мумкин. Иккинчидан, муаллиф бу бирикмани мемуарда темурийлар Уйғониш даврининг ҳукмдорлари, темурий маликалари ва шу даврнинг етакчи давлат ҳамда дин арбоблари, даҳо сўз санъаткорлари, йирик мулкдорларига нисбатан сифатлаш тарзида қўллаган, ушбу бирикма ўша даврда уларнинг моддий ва маънавий соҳада олиб борган кенг миқёсдаги бунёдкорлик фаолиятлари, услублари дастурлар, юксак маънавиятлари, ноёб фазилатлари, саховат ва ҳимматни, мурувват ва матонатни маълум маънода эса сиёсий иродаларини ҳам мужассам этган. Айни пайтда рамзий маънода баён қиладиган бўлсак, қадимда сахийлик, бағрикенглик, мурувват ва футувват ғояларини ҳам тарғиб қилган, ҳам амалда тенгсиз даражада кўрсатиб берган ва оқибатда шундай эзгу одат, русмга асос солган Ҳотам Тойи, Бармакийлар ҳамда ислом маърифати анъаналарини ўзида ифодалайди. Бобур мураббий ва муқаввий бирикмасини мемуарда санъаткорлик билан илк марта темурийлар Уйғониш даврининг йирик мутассаввуфи Хожа Аҳрор Валий фаолиятининг бир жиҳатини ёритишда қўллаган ва “Бобурнома”нинг бошқа тарихий шахслар тасвири билан боғлиқ тарихий воқеалар баёнида эса Султон Ҳусайн Бойқаро, Хожа Яҳё, Аҳмад Ҳожибек, Алишер Навоийга нисбатан тўғридан-тўғри қўллаган. Соҳибқирон Амир Темур, Абдураҳмон Жомий, устози Хожа Мавлоно Қози ва Бобур ўзига нисбатан эса ишора билан ўзининг сўз муддаоларини батафсил ифодалашга ҳаракат қилган. Яъни бу ўринда ишора дейишимизга сабаб шуки, мураббий ва муқаввий сифатидаги юксак фазилатлари ва ҳаракатларини Соҳибқирон Амир Темур, Абдураҳмон Жомий, Хожа Мавлоно Қози ва ўзи тўғрисида ёзган маълумотлар мазмунида ифодалаб берган.

Энди мураббий ва муқаввий бирикмасини ташкил қилган сўзларнинг луғавий маънолари билан қизиқиб кўрсак. Луғатларда ёзилишича, мазкур сўзлар арабча бўлиб, мураббий сўзи ўзида “тарбиячи, устоз, муаллим”, муқаввий сўзи эса “куч берувчи, қувват берувчи, қувват берадиган; мадад берувчи”сингари маъноларни ташир экан. Мемуар ва бошқа мумтоз адабиётимиз намуналари матнида муқаввий сўзи қаввий шаклида ҳам учрайди, буни ҳам луғатларда қаввий сўзига берилган изоҳлардан билсак бўлади.

Бу бирикмага тилшунослик фани нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, бирикма синтактик бирлик бўлиб, мураббий ва муқаввий шахс отларидан тузилган, *ва* тенг боғловчиси билан боғланган тенг боғланишли бирикмадир. Агар бирикмани ташкил қилган сўзларни тарихий ҳамда синхрон аспектлар билан ўргансак, замонавий тилшуносликда мураббий шахс оти морфологиянинг, *ва* тенг боғловчиси эса синтаксиснинг ўрганиш объекти саналади. Мураббий сўзи бугунги адабий тилимизнинг оғзаки ва ёзма шаклида, сўзлашув, расмий, бадиий, илмий услубларида тез-тез қўлланадиган шахс оти ҳисобланади ва устоз, ўқитувчи, тарбиячи, уста сўзлари билан экивалент сифатида бирдек қўлланади. Бобур ўз мемуарида қўллаган даврдан ҳозирги давргача англатиб келган луға-

вий маъносида ҳам деярли ўзгариш бўлмаган. Аммо муқаввий шахс отига эса бундай изоҳ бериб бўлмайди. Сабаби шуки, муқаввий шахс оти бугунги кунда архаик сўзга айланган ва лексикологияда эскирган сўзлар сифатида ўрганилади, деярли адабий тилимизнинг оғзаки ва ёзма шаклида ишлатилмайди ҳамда сўзлашув, расмий, бадиий, илмий услубларда ҳам қўлланилмайди. Мазкур сўз "Бобурнома" матнида, яъни муаллиф битган темурий Уйғониш даврининг фаол фаолият олиб борган тарихий шахсларнинг тасвирида, уларнинг юксак фазилатларини очиб, инсоний қиёфаларини кўрсатиб беришда ҳамда умумбашарий ва халқчил ғояларни аниқ ифодалашда, тараннум қилишда муаллифнинг ўзига хос тасвир баёнида ишлатилган. Яна шуни таъкидлаш зарурки, муқаввий сўзи асарда, саховат, мурувват, бахшиш, инсоният сўзлари билан эквивалент сифатида қўлланган ўринлар бор.

Бобур мемуар матнида мазкур бирикмани, асосан, икки кўринишда қўллагани кузатилади, яъни, биринчидан, матнда мураббий ва муқаввий сўзларини тенг боғланишли бирикма шаклида бирга қўллаш. Иккинчидан эса мураббий ё муқаввий боғловчиларсиз алоҳида-алоҳида сўз шаклида қўллашдир. Ҳар икки ҳолатга ҳам "Бобурнома"да мисоллар учрайди.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳатто, бу тенг боғланишли бирикмани ташкил қилган икки сўз бирга қўлланилганда ҳам маъно қирралари ва даражаларида ўзаро фарқлар мавжуд бўлиши ҳам мумкин, бу фарқли ҳолат асарда битилган маълумот ёки лавҳанинг умумий мазмунидан келиб чиқади. Масалан, мемуар матнида мураббий ва муқаввий шаклида қўлланса-да, мураббий сўзининг маъно даражаси берилган маълумотда муқаввий сўзига нисбатан устунроқ бўлиши мумкин ёки маълумотда муқаввий сўзининг маъно даражаси эса мураббий сўзига нисбатан кенгроқ бўлиши ҳам мумкин. "Бобурнома"да бу фарқли ҳолатга мисол тариқасида темурийлар Уйғониш даврининг йирик диний арбоби ва "Темурбекнинг юртида", яъни Мовароуннаҳр ва Хуросонда кўплаб мулклар эгаси бўлган, темурий ҳукмдорларнинг давлат бош-қаруви, давлат хазинасининг кирим-чиқими, мулку миллат ишиларига диний раҳномалик қилган, ўзига хос кучли таъсирга эга бўлган шайх Хожа Аҳрори Валийнинг темурий ҳукмдор Султон Аҳмад Мирзонинг салтанатни адолатли бошқариши, эътиқод ва ҳидоят, тариқат ва шариат йўлларида адашмаслиги, чекинмаслиги учун ҳамда руҳий камолати учун мураббийлик, яъни тарбиячилик, раҳнамолик қилиши тўғрисида айтилган маълумотни келтириш мумкин. Лекин Бобур мазкур маълумотида ҳар иккала шахс отларини бирдек, яъни тенг боғланишли бирикма шаклида қўллаган, бироқ тарихий лавҳада эса асосий маъно урғуси кўпроқ мураббий сўзига тушган. Хуллас, фикрларимизнинг исботи учун "Бобурнома"даги Султон Аҳмад Мирзога бағишлаб битилган фиқранинг "Ахлоқ ва атвори" фаслига мурожаат қилсак. Чунончи: "Ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқод киши эди, беш вақт намози тарк бўлмас эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор эди, алалхусус, Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвутқаган эмастур. Бир навбат Ҳазрати Хожа суҳбатида бир хилофи одати оёғини ёвуткаб ўлтурубтур. Мирзо қўпқондин сўнг Ҳазрати Хожа буюртурурларким, Мирзо ўлтурғон ерни боққайлар, бир сўнгак бор экандур.

Ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди. Бовужудким, шаҳрда улғайиб эди, турк ва содда эди. Табъдин баҳраси йўқ эди. Одил киши эди. Ҳазрати Хожанинг ҳам оёғлари арода эди. Аксар муҳиммот шаър тарқи била файсал топар эди. Аҳд ва

қавлиға рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин хилофе зоҳир бўлмади". Агар мазкур лавҳага диққат қилсак, Бобур Ҳазрати Хожага нисбатан муқаввий сўзини қўллашида ҳам ўзига яраша сабаб ва оқибат бор бўлиб, Ҳазрати Хожанинг гоҳида ҳукмдорга, давлат хазинасига ҳам қувват берувчи, мадад берувчи йирик сармоядор эканлигига ҳам ишора қилган, умуман, бу каби жиҳатлар "Бобурнома"да яхши ёритилган. Масалан, мемуарда улуғ амир Алишер Навоий ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро хазинасидан улуш олмай, балки хазинага мадад берувчи муқаввий эканлиги ҳам ишонарли битилган. Чунки Бобур ҳукмдорларнинг "ҳалл ва ақди"ини ҳис қилган подшоҳ сифатида давлат хазинасига оид ҳолат, одат, русмни яхши билган ёки фав-қулотда рўй берган вазиятлар туфайли юзага келган иқтисодий тангликнинг ечимини топишда йирик мулкдорларнинг муқаввийлиги зарур бўлиб қолишини ҳам тушунган. Унинг ўзи ҳам ҳаётда бу каби воқеаларни олтин бошидан ўтказган, масалан, жуда танг шароитда Фон малики ҳамда Хисравшоҳ сингари йирик мулкдорлардан мадад кутган, ҳатто, унинг "яхшилик" радифли машҳур ғазали ҳам худди шу ҳолатлар таъсирида ёзилгани мемуарда баён қилинган. "Бобурнома"да бу воқеалар хусусида шундай ёзган: "Фон малики карам ва саховат ва хизматкорлик ва инсоният билан машҳур ва маъруф эди. Султон Маъсуд Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо Ҳисор устиға келганда, иниси Бойсунқур Мирзоға Самарқандға бу йўл била бориб эди. Фон малики етмиш-саксон от пешкаш қилди. Ўзга хизматкорлиқларни ҳам ушбу йўсунлуқ қилди. Менга бир фурудроқ от юбориб, ўзи ҳам келмади. Бизга етканда саховат била машҳур бўлган эл хасис бўлур. Мурувват била мазкур бўлғон элнинг муруввати унутулур. Хисравшоҳким, саховат ва карам била маъруф ва машҳур эди. Бадиъуззамон Мирзоға не навъ хизматкорлиқлар қилғони мазкур бўлди.

Яна Боқи тархонға ва ўзга бекларга асру кўп инсоният ва бахшишлар кўрсатти. Икки навбат анинг вилоятидин убуримиз воқиъ бўлди. Бизнинг абнойи жинсимиз демайки, адно навкаримизга қилғон инсониятни бизга қилмади балки навкаримизча бизни кўзга илмади.

Байт:

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ,
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик.

Яна "Бобурнома" матнида мураббий ёки муқаввий деб алоҳида-алоҳида сўз шаклида ҳам қўлланган. Буни темурий ҳукмдорлар билан Хожа Убайдуллонинг авлодлари ўртасида кечган муносабатлар асносида Ҳазрати Хожа Аҳрор фарзандарининг хонадонида вужудга келган зиддиятли вазият ва шу ноқулай вазият сабаб хонадонда пайдо бўлган парокандалик, мулкий муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни батафсил тасвирлаган парчаларда кўриш мумкин, яъни "Улуғи улуғиға мураббий бўлди, кичиги кичикиға муқаввий". Бунда Бобур такрир ва сажъ санъатлари воситасида нафақат адиблик, балки шоирлик маҳоратини ҳам кўрсата олган ва бу ҳолат тўғрисидаги хабарни мемуарнинг темурий ҳукмдор Султон Али Мирзо ҳақида битилган лавҳасида ўқиймиз: "Султон Али Мирзони Кўксаройга чиқариб кўзларига мил торттилар. Жарроҳнинг ихтиёри била ё бехост милдин Султон Али Мирзонинг кўзларига осибе етмади. Филҳол, изҳор қилмади. Хожа Яҳёнинг уйига борди. Икки-уч кундин сўнг қочиб Бухороға тархонларға борди. Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг авлодининг орасида бу сабабдин таассуб



тушти. Улуғи улуғиға мураббий бўлди, кичиги кичикиға муқаввий”.

Мемуарда мураббий ва муқаввий бирикмаси Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекка нисбатан қўлланган маълумотда “Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввий эди”, деб фозил ҳоким ўзининг мураббий ва муқаввийлигини фақат Самарқандда Алишер Навоийга кўрсатгани айтилган, аммо асарда муаллиф уни темурийлар Уйғониш даврининг мураббий ва муқаввий ҳокими сифатида ҳам таништирганини яққол сезиш мумкин. Чунончи: “Яна бири Алишер Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима била Султон Абусаъид Мирзо Ҳиридин ихрож қилди. Самарқандға борди, неча йилким, Самарқандта эди. Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввий эди”.

Маълумки, “Бобурнома”да темурийлар Уйғониш даврида Хуросон ҳукумати ва мамлакат девонида ва молиявий ишлар ҳамда кадрлар бошқарувида Алишер Навоийнинг ижобий таъсири, унинг амалга оширган мураббий ва муқаввийлиги, тарбия ва тақвияти каби ишларини шоҳ ва шоир Бобур ҳайрат ҳамда шоҳона илтифот билан баён қилган маълумотларда улуғ амирга нисбатан мураббий ва муқаввийни бирикма шаклида ишлатганини кўрамиз. Бунда ҳар икки сўзларнинг маъносида ҳам ўзаро луғавий маъно тенглиги сақланганини кўриш мумкин. Биз таҳлил ва талқинга тортган лавҳа баёнида Бобур Алишер Навоий зикри сабаб бошқа бирламчи манбаларда ҳам тилга олинган, шу даврнинг мусиқа санъати хазинасига катта ҳисса қўшган, устод унвонини олган Устоз Қулмуҳаммад, Шайхий Ноий, Ҳусайн Удий каби санъат аҳли ҳамда темурийлар Уйғониш даврининг рангтасвир санъатини юқори кўтарган, XV аср охири ва XVI аср бошларида рассомчиликда бир неча мактабларининг шаклланиши ва бу давр маданий ҳаётида рассомлик–миниатюра соҳасида устодлик унвони билан яхши танилган устози Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффарларнинг номи,уларнинг янги ижодий миниатюра йўналишига асос солиши, яратган бебаҳо санъатлари борасида ҳам хабарлар битган. Муаллифнинг бу маълумотларидан шу нарса аён бўладики, демак, тасвир санъати, хусусан, миниатюра темурийлар Ренессанси даврида Алишер Навоий раҳбарлик қилган илмий ва маданий муҳит ва унинг мураббий ва муқаввийлиги сабаб устод Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффарларга ўхшаш иқтидорли рассомларни ҳам етиштирган. Чунончи: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча, мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устод Қулмуҳаммад ва Шайхий Ноий ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбияти ва тақвияти (*Тақвият – Қувватлаш, қувват бериш, ёрдам бериш.*) била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устод Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа мувафақ бўлмиш бўлғай”.

Демак, юқорида таҳлил қилган лавҳалардан маълум бўладики, Бобур Хожа Аҳрори Валий ҳамда Аҳмад Ҳожибекка нисбатан қўллаган “мураббий ва муқаввий” бирикмасини энди улуғ амир Алишер Навоийга нисбатан ҳам ишлатган ва улуғ амирнинг ҳам вақт ўтиб мураббий ва муқаввийликка тенгсиз даражада кўтарилганини “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча, мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”ёки “Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа мувафақ бўлмиш бўлғай”, деб чексиз ҳурмат, эътироф, ҳай-

рат билан қайд этган. Бу маълумотнинг баъзи бир исботини, изоҳларини муаллиф “Бобурнома”нинг Ҳирот бўйлаб қилган сайри, саёҳати ва зиёрати акс этган лавҳада янада батафсил баён қилган. Хуллас, Бобур мемуарда қўллаган мураббий ва муқаввий, тарбияти ва тақвияти бирикмаларини фақат ўз асарида тилга олган темурийлар Уйғониш даври вакилларига нисбатан ишлатган ва бу ҳолат уларнинг яратувчанлик қобилиятларига ҳамда моддий ва маънавий соҳаларда амалга оширган бунёдкорлик, саховат, футувват,бахшиш характеридаги ишларига, ақл ва қўл ихтироларининг яратилиши, мамлакат бўйлаб жорийланишига ва кўпайишига бош қўшгани, молиялаштирганига ҳам ишорадир. Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, Бобур бу бирикмани асарда илк марта Хожа Аҳрори Валийга, кейин Аҳмад Ҳожибекка ва Алишер Навоийга нисбатан қўллаган. Қизиғи шундаки, вақт ўтиб Бобурнинг ўзи ҳам атрофига турли илм, фан намояндаларини ва шоир, адиб, муаррихларни, умуман, “аҳли фазл ва аҳли ҳунар”ни тўплаб, уларнинг илмий, ижодий ишларига мураббий ва муқаввийлик қилди ҳамда “тарбияти ва тақвияти”ни амалга оширди. Бобурнинг моддий ва маънавий соҳадаги бунёдкорлик фаолияти, мураббий ва муқаввийлик ишлари мамлакатимиз ва хорижлик бобуршунос олимлар томонидан алоҳида эътироф этилган ҳамда ўрганилган. Масалан, британиялик таниқли шарқшунос ва тарихчи Вильям Рашбрук уни “Ўн олтинчи асрнинг бунёдкори”, деб юксак баҳолаган ва олим Бобур ҳақида айнан шу ном билан “Ўн олтинчи аср бунёдкори” номли асар ёзган. Бу асар Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг мураббий ва муқаввийлигида инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр қилинган ва илмий муомалага киритилган.

Бобур подшоҳ ва адиб сифатида ҳам мураббий ва муқаввийликнинг маърифатини жуда яхши тушунган, аммо уларнинг таъсирига тушиб қолишларини кўп ҳам ёқламаган. Ҳатто, мемуарда ҳукмдорлар мураббий ва муқаввийлар қўлида “қўғирчоқ ҳукмдор” бўлиб қолиши мумкинлигидан ҳам огоҳлантириб лавҳалар битган. Чунончи: “Ушбу йил Султон Али Мирзо била Муҳаммад Мазид тархоннинг орасида мухолифат тушди. Сабаби бу эрдиким, тархонийлар асру кўп эътибор ва ихтиёр бўлур эдилар. Бухорони дарбаст Боқи олиб эди. Бухоро саркоридин донге кишига бермас эди. Муҳаммад Мазид тархон ҳам Самарқандта соҳиб ихтиёр тамом вилоятни ўғлонларига ва тавобиъ ва лавоҳиқига олиб эди. Шаҳрдин ҳар нима ротибаким, таъйин қилиб эдилар, андин ўзга бир фулус ҳеч мамардин Султон Али Мирзоға тегмас эди. Султон Али Мирзо улуғ йигит бўлуб эди. Буларнинг мундоқ маошиға неча таҳаммул қилсун”.

Хулоса шуки, “Бобурнома” матнида муаллиф томонидан маҳорат билан қўлланган ҳар бир сўз, бирикма, ибора, гап каби тил бирликларида ҳам ўша давр ўзбек адабий тили қоидалари, хусусиятлари акс этган. Шу билан бирга улар воситасида муаллиф халқ руҳи, миллий колорит, маданий муҳит, давр тараққиёти, Ренессанс ғояларини, эзгулик тушунчаларини ҳам талқин қилган. Бу фикр у маҳорат билан қўллаган мураббий ва муқаввий бирикмаларига ҳам тегишлидир.

Кўнгилга нур каби қуйилган сўзлар

Мумтоз адабиётни тасаввуфсиз, тасаввуфни мумтоз адабиётсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, тасаввуфнинг Шарқда кенг тарқалишида адабиёт элчи вазифасини ўтаган. Тасаввуфий тимсоллар ўзига хос мажозий ишоралар, ўхшатишлар, рамзлар, услуб ва усулларда акс эттирилиб, пок илоҳий ишқ ҳақидаги, Ҳақ ва ҳақиқат, эзгу инсоний фазилатлар, комиллик сари интилиш каби ғояларга суянади. Азалдан инсон фитратида гўзалликка, эзгуликка, яхшиликка, маърифатга, нафосатга ташналик мавжуд бўлган. Инсон гўзаллиги Аллоҳ жамолининг жилваси, инсон руҳининг гўзалликка, эзгуликка ташналиги замирида илоҳий гўзалликка ташналик мужассам бўлган.

Замирахон ИСОҚОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

СЛОВА, КОТОРЫЕ ЛЬЮТСЯ В СЕРДЦЕ КАК СВЕТ

WORDS WHICH FLOW IN THE HEART AS A LIGHT

Мақолада Мирзо Бобурнинг тасаввуфий қарашлари, рубоий ва ғазаллари таҳлил қилинган. Тадқиқотчининг наздида, қалб илоҳий дарддан фарёд чекмаса, ноқислик ва нопокликдан азият чекмаса, жаҳолатга қарши исён кўтармаса, шеър туғилмайди.

Калит сўзлар: *тасаввуф, дарвеш, маърифат, комиллик, ирфон, туш, илҳом.*

В статье анализируются философские взгляды, рубаи и газели Мирза Бабура. По словам исследователя, поэзия не рождается, если душа не страдает от божественной боли, страдает от непристойности и нечистоты и восстает против невежества.

Ключевые слова: *мистицизм, дервиш, просветление, совершенство, ирфон, сон, вдохновение.*

The article analyzes the philosophical views, rubais and gazelles of Mirza Babur. According to the researcher, poetry is not born if the soul does not suffer from divine pain, suffers from obscenity and impurity, and rebels against ignorance.

Keywords: *mysticism, dervish, enlightenment, perfection, irfon, dream, inspiration.*

Тасаввуф қалб илми. Шунинг учун уни соф назариётчи олимлардан кўра, таъби назм, яъни шоирлар чуқурроқ идрок этишган. Маърифат кўнгилга нур каби қуйилганки, унинг асрори назмда гўзал ифодасини топган. Шоирлик ҳам илоҳий неъмат, шеър покиза қалб илҳомидан туғилади. Қалб илоҳий дарддан фарёд чекмаса, ноқислик ва нопокликдан азият чекмаса, жаҳолатга қарши исён кўтармаса, шеър туғилмайди.

Тасаввуфий адабиётнинг мақсади – комиллик, яъни оддийликдан мураккабликка, дағалликдан ҳалимликка, қаттиқликдан юмшоқликка, нодонликдан доноликка, оддий инсонликдан юксак инсонийликка, илмдан ирфонга кўтарилиш, камолот касб этишдир. Зеро, тасаввуфий адабиётнинг ўзи ҳам комиллик ифодаси, комил сўз, комил маъно ва комил тафаккур бирлигидир. Комиллик сифатлари мужассам бўлган шоир комилликка ташна инсон руҳининг чанқоғини қондириш учун хизмат қилганки, буюк давлат арбоби, нозиктаъб шоир ва ноёб истеъдод соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) чин маънода комиллик тимсолидир

Элга шоҳ, вале маҳбуба наздида қул бўлган Бобур Мирзонинг орзуси барча нарсада такомилни кўриш, оламни ҳам, ўзини ҳам нуқсонлардан холи тасаввур этиш, инсон қалбининг туб-тубида яшириниб ётган инжуларни кашф этиш бўлган. Бобур Мирзонинг ҳаёти, шоҳ сифатидаги фаолияти, яқинлари ва бегоналар билан муносабати, одоб-ахлоқи, ўзини тутиши, шеърларида илгари сурилган ғоялардан шуни эътироф этиш ўринлики, Бобур Мирзо комил ва дарвешваш шоҳ бўлган.

Хўш дарвешнинг ўзи ким? “Дарвеш” сўзи бенаво, қашшоқ, камбағал, гадо, тарки дунё қилган, суфиёна ҳаёт кечиришни афзал билган, дунё билан иши йўқ деган маъноларни англатади. Камтарлик, хокисорлик, ўзини бошқа барча мавжудоту махлуқотдан паст санаш дарвешга хос фазилат ҳисобланган. Кейинчалик қаландарлар, узлатга чекинган зоҳидлар, ориф сўфийларни ҳам дарвеш деб аташ расм бўлган. Яъни Аллоҳ ишқидан ўзга барча неъматларга кечган илм аҳли туфайли бу сўз юксак ижобий аҳамият касб этади. Кўринадики, дарвеш билан ҳозирги “дарвеш”, “девона” номи билан аталадиган тиланчилар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Дарвеш ўзини Ҳақ йўлига бағишлаб, дунёдан юз ўширган, унинг назарида бойликнинг ҳеч бир қиймати йўқ, унинг учун инсон маънавияти, ҳикмат илми бойликдан афзал. Дарвешнинг асосий мақсади илоҳий камолот сари интилиш, ўзида илоҳий сифатларни мужассам этиш учун тинмай саъй-ҳаракат қилиш ва бу йўлга ўзини бағишлаш. Дарвеш қалби уйғоқ, ўз нафсининг ҳокими, қисқаси, эзгулик тимсолидир.

Бобур Мирзонинг буюклиги шундаки, у босқинчилик тамғасини бунёдкорлик ва инсонпарварликка айлантирган, меҳр-шафқатда барчага намуна бўлган. Унинг шахсидаги яна бир ноёб неъмат –ҳаётига таҳдид қилган, уни ўлдиришни ният қилган Иброҳим Лўдийнинг онасига ҳам мурувват кўрсатиб, омонлик беришидир. Бобур Мирзонинг ўз ҳаётини фарзанди аржуманди Ҳумоюнга бағишлаши – Бобур Мирзонинг ота сифатидаги мавқеи нақадар буюклигини кўрсатади.

Бобур Мирзо умрини яхшилик учун сарф этиб, ҳеч қачон яхшилик таъмасида бўлмаган, қачонлардир яхшилик ғолиб келишига ишонган:


Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.
Бу замонни нафйи қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ёмонлик келди маҳзун, кўнглума,
Келмади жонимға ҳеч оромижондин яхшилиғ.
Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиғ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ёмондин яхшилиғ.
Бари элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.
Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур каби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

Бобур Мирзо бутун умр тасаввуф аҳлига юксак эҳтиромини сақлаб қолган. XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда маънавий арбоб сифатида танилган Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) нинг кўрсатган энг буюк маънавий хизмати шариатни ҳимоя қилиш, темурийлар шаҳзодалар ўртасидаги душманликни бартараф қилиш, қонун устуворлигини таъминлашдан иборат бўлган. Хожа Аҳрор Валий билан Бобур Мирзони боғлаб турган ришта тасодифий эмас. Умаршайх Мирзо Хожа Убайдуллоҳдан фарзандига исм қўйишини илтимос қилган. Буюк авлиё унга “Заҳириддин” деб ном берган.

Бобур Мирзо танг аҳволга тушганида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг руҳи уни қўллаган. Самарқанднинг қайта қўлга киритилиши илоҳий ишора орқали билдирилгани “Бобурнома”да ўз аксини топган: “Ўшул фурсатта ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, Ҳазрати Хожа Убайдулла келмишлар, мен истиқболлариға чиқмишмен. Хожа келиб ўлтирдилар... Хожам фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиқдим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб, андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Туркий дедиларким: “Шайх маслаҳат берди”. Ўшул неча кунда ўқ Самарқандни олдим” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989. 75-бет.)

Бобур Мирзонинг кўзига дунё тор бўлиб, охират йўлини танлашни ихтиёр қилиб, пешонасини саждага қўйган пайтида кўзи илиниб, Хожа Аҳрор Валий билан илоҳий боғланади: “Ўзумни ўлумга қарор бердим. Бошимни муножотқа қўйуб, тилак тиладур эдимким, кўзум уйқуга боribдур. Кўрадурменким, Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўймга ... келдилар. Дедиларким: “Ғам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга юбордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлик маснадиға ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда



мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридир. Бош кўтаринг, уйғонинг” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. 107-бет.).

Бобур Мирзонинг тушида Хожа Аҳрор Валий унинг истиқболли келажаги ҳақида башорат бергани ҳам қайд этилган. Бобур Мирзо маънавий пирининг руҳи шод бўлиши учун Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” рисоласини туркий назм қилиб маҳорат билан таржима қилади. Бу ҳақда “Бобурнома”-да шундай ёзади: “Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг “Волидия” рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечди. Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар ба манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, ҳуд нечукким, соҳиби “Қасидаи Бурда”нинг қасидаси мақбул тушиб, ўзи афлиж маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулиб, назмимнинг қабулиға далили бўлғусидир... Рисола назмиға шуруъ қилдим ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 318-бет.). Ёшлигидан азиз-авлиёларга эътиқод, эҳтиром руҳида тарбия топган Бобур Мирзо Хожа Аҳрор Валий сиймосида Ҳақ билан ўзи ўртасида восита деб билган, пири орқали ўз илтижолари Яратувчи ҳузурига етиб боришига ишонган.

Бобур Мирзонинг тасаввуф маърифати билан йўғрилган бебаҳо маънавий мероси ирфоний тафаккур чашмаларидан (манбаларидан) биридирки, унинг шеъриятининг асосини ишқ мавзуи ташкил этади. Бобур Мирзо тасаввуф руҳи сингдирилган шеърларининг шакли ҳам гўзал, шамойили ҳам беназир, ундан бир сўзни олиб ташлаш ёки унга бир сўзни қўшиш имконсиз, улар шоирнинг кўнгил изҳорларидир:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълага мен қулдурмен.
Нисбат йўқдур деб ижтиноб айламаки,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Бобур Мирзо девонидаги нафис “ийҳом”ли байтлар “мажоз ва ҳақиқат гавҳари”дир. “Ийҳом” сўзнинг кўпмаънолигига асосланган шеър санъати бўлиб, сўзнинг ҳар бир маъноси шеърга ўзгача маъно бағишлайди, яъни сўзнинг бир маъноси зоҳирда, иккинчи маъноси ботинда, пардаланган бўлиб, шоирнинг шеъриятдаги сўз бойлиги ва бадиий маҳоратининг мезонини белгилайди. Бобур Мирзо шеър ва ғазалларида “ийҳом” санъатини моҳирлик билан истифода этиб, айтмоқчи бўлган фикрларини нафис оҳангли ва бир неча чуқур маъноли сўзларда талқин этган:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор.
Жаҳондин манга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор.
Агар муслиҳмен, ар муфсид, вагар ошиқмен, ар обид,
Не ишинг бор сенинг зоҳид, менинг не ихтиёрим бор.
Фиғоним ошти булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,
Басе Бобур, ўшал гулдин, кўнгулда хор-хорим бор.

Баркамол истеъдод эгаси Бобур Мирзонинг жаҳонгашта ҳаёти ва серқирра ижоди бетакрордир.



Бу йил ҳам анъанага мувофиқ 14-февраль куни буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 537 йиллиги муносабати билан "Бобур" номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Андижонда тантанали маросим ва илмий конференция ташкил этилди.Унда нафақат юртимиз илм-фан ва маданият намояндалари, балки дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган бобуршунос олимлар иштирок этишди.

Сйед Нақи Аббас: «Маҳоратли шоҳ ва дилбар шоирга бўлган меҳрим мени Ўзбекистонга етаклайди»

Маълумки, жаҳоннинг турли бурчакларида улуғ бобомиз ва унинг авлодларига тегишли нодир манбалар эҳтиром билан сақланмоқда. Айниқса, Бобурийлар уч асрдан зиёд ҳукмронлик қилган Ҳиндистонда Ўрта Осиёлик улуғ алломалар яратган юзлаб нодир маънавий хазиналар бор. Илмий конференция баҳонасида "Бобур" номидаги халқаро жамоат фондининг Ҳиндистондаги бўлими раҳбари, Рампур Ризо кутубхонаси вице-президенти, шоир ва олим, доктор Сйед Нақи Аббас билан ана шу ноёб дурдоналар ҳақида суҳбатлашдик.

— Аввало, юртимизга хуш келибсиз, деймиз. Сизнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган заминга ташрифингиз биринчи марта эмас. Биламиз, ижодий-илмий ишларингиз кўп. Вақтингиз тиғиз. Аммо ҳар йили юртимизга ташриф буюришни канда қилмайсиз. Албатта, биз бундан хурсандмиз. Айтингчи, сизни бу диёрга нима етаклайди?

— Аввало, бу юрт мени мафтун қилган шахс — бир қўлида қиличу бир қўлида қалам билан яшаб ўтган улуғ инсон таваллуд топган жой. Ҳазрат Бобур жуда олийжаноб фазилатлар эгаси бўлган. Меҳр-оқибат, кечиримлилик, мардлик, тантилик, бағрикенглик, босиқлик каби характеридаги ижобий жиҳат-



лар туфайли ҳам элнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган. Айниқса, унинг нозик дидли, нуктадон олим, аруз илмини чуқур эгаллаганлиги таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда эҳтиром билан тилга олиш керакки, Ҳазрат Бобур Ҳиндистонга ўзи билан бирга ўрта осиёлик кўпгина мутафаккир олим, беназир шоир, хаттот, табиб, ҳунарманд ва бошқа касб эгаларини олиб борган. Ўша даврда бизнинг юртимизда яшаган илм ва адабиёт аҳлидан жуда гўзал асарлар мерос бўлиб қолди. Ана шундай уламолардан бир қанчаларининг қўлёзма китоблари кутубхонамизда сақланади.

Мисол учун, Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврида яшаган Табибий тахаллуси билан машҳур бўлган мутафаккирнинг кейинчалик Ҳумоюн мирзога атаб ёзган бетакрор асарлари бизда бор. Тиб, фалсафа, ахлоқ ҳақидаги бу китоблар бугунги кун учун ҳам бебаҳо аҳамият касб этади. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Бундан ташқари, Ризо кутубхонасида бугунги замонавий ўзбек адабиёти вакилларининг ҳам кўплаб китоблари борлиги бизни ҳамиша қувонтиради.

— Қолаверса, кутубхонангизда Бобурий маликалар ва ўша даврда яшаб, қалам тебратган мовароунnахрлик бошқа аёл ижодкорларнинг ҳам асарлари сақланса керак...

— Албатта. Аввало, айтиш керакки, Бобурий маликалар жуда саводли, маърифатпарвар, нозик қарашли, ўз даврининг барча илмларидан хабардор ва баҳодир аёллар бўлган. Мисол учун, Шоҳ Жаҳоннинг қизи Жаҳон Оро бегим ниҳоятда зиёли ва тафаккурли шоира бўлган. Унинг жуда катта шахсий кутубхонаси бор экан. Тарихий манбаларда ёзилишича, подшоҳ отаси қўлига тушган ҳар бир яхши асарни қизига туҳфа қилган экан. Қолаверса, унинг кутубхонасида Ўрта Осиёдан келтирилган нодир асарлар ҳам кўп бўлган. Бизда Жаҳон Оро бегим мутолаа қилган асарлар ҳам бор. Қизиғи, уларнинг айнан шу малика ўқиган асарлар эканини ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкин. Чунки уларда бу истеъдодли аёл ўз қўли билан дастхат, қайдлар, изоҳлар ёзган. Мисол учун, "Рисолаи Хожа Абдуллоҳ Ансорий"да Жаҳон Оро бегим ўз ҳуснихати билан ёзган дастхатини ўқиш мумкин. Бундай китоблар кўп. Эътироф этиш зарурки, бу малика тасаввуф ва илмда ниҳоятда закий эди.

Аврангзебнинг қизи Зебуннисобегим ҳам бетакрор шоира бўлган. Мен бир ривоятни сизга айтиб берай. Таржима қилиб, ўзбекистонлик дўстларга етказсангиз, хурсанд бўлардим.

Ривоятларга кўра, Абрангзеби оламгирга Чин ўлкасидан туҳфа келтиришибди. У қимматбаҳо кўзгу экан. Шоҳ уни қизи Зебуннисобегимга берибди. Кунлардан бир куни маликанинг канизаги уйни тозалаётиб, бехосдан ўша ойнани синдириб қўйибди. Шундан сўнг у минг бир қўрқув ва хижолат билан Зебуннисобегим ўтирган хонага кириб, бир бурчакда қимтинибгина, айбдорона тураверибди. Мутолаа билан машғул бўлган малика ундан нима гаплигини сўраганда, табъи

назмга эга канизак шундай дебди:

"Аз қазо оинаи чини шикаст".

(Таржимаси: Бехосдан чин кўзгуси синди).

Шунда Зебуннисобегим ҳозиржавоблик билан:

"Хуб шуд, асбоби худбини шикаст"

(Таржимаси: Яхши бўлибди, худбинлик асбоби синибди), деб жавоб берибди.

Бунда, биринчидан, Зебуннисобегимнинг нақадар раҳмдил ва бағрикенг аёллигини билиш мумкин. Яъни минг бир хижолат билан қилган ишини, подшоҳ совғасини синдириб қўйганини айтиб, жазо кутиб турган канизакни кечириш ва шу билан бирга унга тасалли бериш соҳибкарамлик белгиси. Иккинчидан эса маликанинг нақадар фасоҳат эгаси эканини англаш мумкин. Тезкорлик билан яратилган сатрдаги бир сўзда икки маъно жо этилган. 1).Ойна бу — худ бинлик асбоби, яъни одам ўзини кўрувчи жиҳоз. 2). Ойна бу — худбинлик, яъни ўзига бино қўювчиларнинг асбоби.

Айтмоқчи бўлганим, бобурий маликалар ана шундай гўзал хулқ ва маърифат эгаси бўлишган. Кутубхонамизда Зебуннисобегим, Гулбаданбегим, Жаҳон Оро бегим ва бошқа кўплаб маликаларнинг нодир қўлёзмалари бор.

— Биз "Рамаяна"ни жуда яхши кўрамиз. Ҳатто, у асосида яратилган фильм ўзбек тилига таржима қилинган, уни томоша қилмаганлар кам бўлса керак. Яъни ҳинд халқининг миллий қаҳрамонлари ва улуғ мутафаккирларига нисбатан ҳурматимиз юқори. Сизларда-чи? "Бобурнома" қай даражада ўрганилмоқда?

— Мамнуният билан тилга олиш керак: "Рамаяна" ҳам, бошқа ҳинд асарлари ҳам бобурийлар ҳукмронлиги даврида форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Бобур ва унинг авлодлари томонидан Ҳиндистонда китобга, миллатидан қатъий назар халқ маънавий бойлигига эҳтиром кўрсатилган. Буни биз жуда яхши тушунамиз, хурсанд бўламиз. Шунга монанд Ҳинд халқи ҳам Бобур ва бобурийлар яратган нодир асарларга эҳтиром билан муносабатда бўлади. "Тузуки Бобур" ("Бобурнома")да шоҳ ва шоир фақатгина кўрган-кечирганларини ёзган. Ёлғон ёзмаган. Бу асарда Ҳинд тарихига оид ҳам ноёб маълумотлар бор. Шу боис ҳам бу асар бизнинг мамлакатимиз учун ҳам қимматини ҳеч қачон йўқотмайди.

Бизда бобуршунослик билан шуғулланаётган олимлар бор. Қўлёзмаларни ўқиётган, тадқиқ қилаётганлар бор. Шунинг учун ҳам "Бобурнома" ўрганилишда давом этяпти, деб айтиш мумкин.

— Сиз ҳам матншунослик билан шуғулланаётган олимсиз. Шоҳ ва шоирнинг асл қўлёзма асарларини мутолаа қилиш бахтига эришгансиз. Айтингчи, сизни Ҳазрат Бобурнинг қайси асари кўпроқ ҳайратлантиради?

— Мен матншунослик билан шуғулланаётган мутахассис сифатида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳар бир асарини ўта қимматли санайман. Аммо шоир сифатида "Аруз рисоласи"га меҳрим бўлакча. Ҳазрат Бобурни бир қўлида қилич билан яшашга мажбур бўлган шоир деб ҳис қиламан, тушунаман. Унинг шеър илмидан чуқур хабардорлиги бағоят эътирофга арзирли.

Шундай ҳикоя бор: подшоҳ Бобурнинг ҳузурида бир киши шеър ўқийди. У ҳали ғазалини ниҳоялаб туриб, саркарда қўли билан ишора қилиб, уни тўхтатадию "Сен аруз қоидаларини биласанми?" дея сўрайди. Бояги киши бироз хижолатлик билан билмаслигини айтади. Шунда подшоҳ "Шукр қилки,



арузни билмас экансан, агар била туриб шу сўзларни ёзганингда жазо муқаррар эди" дейди. Сабаби ҳалиги ҳаваскор шоир аруз вазни қоидаларини билмай, қўпол хатоликка йўл қўйган эди. Шеърни оғзаки эшита туриб ҳам қоидага сола олган кишининг маҳоратию илми юксак баҳога лойиқ.

Қолаверса, кутубхона ишини юритаётган мутахассис сифатида Ҳазрат Бобурнинг бу касбни ҳам чуқур билганидан ҳайратланаман. "Тузуки Бобур"("Бобурнома")да Ҳиндистонда кўп ёмғир ёғиши натижасида намгарчилик юқори эканини айта туриб, шу сабабдан бу мамлакатда китобларга зиён етишидан хавотир олади. Китобларни асраш, келажак авлодга бенуқсон етказиш учун қўлёзмаларнинг жилдини қалин чармдан қилишни буюради ва унинг ҳар бир варақлари орасига юпқа қоғоз қўйиладики, бу намни тортиб олишга хизмат қилган. Бу ҳам Ҳазрат Бобурнинг китобга меҳри, авлодларга ғамхўрлиги нишонасидир.

— Айни пайтда қандай илмий ёки ижодий ишлар билан машғулсиз?

— Яқинда янги китобларим нашр этилиш арафасида. Биринчиси, "Жаҳонгирномаи Толиби Амулий". Бобур подшоҳнинг набираси Жаҳонгир ҳақида. Иккинчи китобим "Тазкирайи шоми ғарибон" деб номланган бўлиб, унда бобурийлар даврида Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга бориб яшаган 475 нафар шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни жамлаганман. Қолаверса, "Феҳристи мероси хати Ўзбекистон дар китобхонаи Ризо Рампур"(Рампур Ризо кутубхонасидаги Ўзбекистоннинг қўлёзма мероси) деб номланган катта илмий тадқиқотга қўл урганман. Бу китоб ҳам яқин вақтларда чоп этилса керак.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мен билишни, ўрганишни истаган манбалар ҳали жуда кўп. Келажакда ҳам Бобур ва бобурийларнинг нодир қўлёзмаларини ўқиш ва ўрганиш, тадқиқ этишда давом этаман.

— Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишланган илмий конференцияда қатнашдингиз. Таассуротлар қандай?

— Таассуротларим бир олам! Ҳар йилгидек илмий конференцияга юқори даражада тайёргарлик кўрилган. Бу йил ҳам янги дўстлар орттирдим. Дунёнинг бир неча давлатларидан келган тажрибали олимлар билан фикр алмашдик. Бобуршуносликка оид янги тадқиқотлар, илмий, бадиий асарлар билан танишдим. Ўзимнинг бир неча китобларимни туҳфа ҳам қилдим.

Конференция давомида яна бир нарса мени ҳайратлантирди: кекса олимларимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида гапирганда жисмлари кучга тўлиб, ғайрат, шижоат билан сўзлашаётганини кузатиб, хурсанд бўлдим. Демак, Ҳазрат Бобур — худо берган улкан шахс. Унинг асарларини ўқиётганлар, илмий изланишлар қилаётганлар ёки бадиий асар ёзаётганлар ҳеч қачон қаришмайди. Ҳали ёш бўлсам-да, ярми ҳазил, ярми чин бу фикрни кўнглимга жо қилиб, янада куч ва меҳр билан бу улуғ саркарда ва бетакрор шоирнинг асарларини ўрганишда давом этаверaман.

Ҳар биримизга Аллоҳ ёр, Ҳазрат Бобур руҳлари мададкор бўлсин!

— Омийн. Сизга ҳам вақт ажратганингиз ва дилдан суҳбат учун ташаккур.

С. ШАМСИДДИН суҳбатлашди.

Ўзбекистон — дунё цивилизацияси ва ислом равнақига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар, азиз-авлиёлар юрти. Улар яратган сўнмас илмий бойлик нафақат бизнинг, балким бутун жаҳон мероси ҳисобланади.

Жавоҳирхон СОБИРОВ,
Халқаро ислом академияси магистранти.

Буюк алломалар замини



Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Самарқандда халқаро анжуман ташкил қилинди. Мисрдаги Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусида ўтказилган мазкур конференция дунё олимлари учун муносиб минбар бўлди.

Имом Абу Мансур Мотуридий дунё эътироф этган аллома. У минг йиллар олдин жамиятда мавжуд барча оқимларга қарши ўз илм-маърифати билан курашган. Буни ўз асарларида кўрсатиб, ақлий далиллар асосида исботлаб берган. Аллома ислом динининг соф эътиқод, ақл устига қурилгани, унда эзгу амалларга қаътий риоя қилинишини айтиб ўтган.

Манбаларда ёзилишича, Абу Мансур Мотуридий асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғида туғилган, тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Мотуридий ҳижрий 333 (милодий 944-945) йилда вафот этган ва Самарқанддаги Чокардиза қабристонида дафн қилинган. Шаҳар аҳолиси, айниқса, ўрта қатлам орасида машҳур бўлган уламолар, жумладан, Мотуридийнинг сафдош ва шогирдлари ҳам шу ерга дафн қилинган.

Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавийнинг "Катоиб ул-аълом ал-ахёр фи табоқот фуқаҳо ва машойих мазаҳаб ан-Нуъмон" ("Нуъмон мазҳабига мансуб бўлган таниқли аллома фақиҳлар ва шайхлар ҳақидаги китоб") номли асарида Абу Мансур Мотуридийнинг қаерда ва қачон вафот этгани ҳамда унинг асарлари ҳақида маълумот беради. Муаллиф имом Мотуридийнинг "Китоб ут-тавҳид" ("Аллоҳнинг яккаю ягоналиги борасидаги китоб"), "Китоб ал-мақомат", "Китоб рад авомил лил адила лил каъбий" ("Каъбий залолатларининг бошланишини рад қилишга бағишланган китоб"), "Китоб байон ва ҳум ул-муътазила" ("Муътазила ғавғолари ва ундан қўрқмаслик ҳақидаги китоб баёни"), "Таъвилот аҳли ас-сунна" ("Қуръон таъвили") каби асарларини санаб ўтади.

Абу Мансур Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам хориждаги кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади. Ислом

оламида машҳур бўлган "Китоб ут-тавҳид" асари 1970 йилда Фатҳуллоҳ Хулайф томонидан Байрутда, кейинчалик эса Туркияда бир неча бор нашр этилади. Сўнггиси Бекир Туплу ўғли ва Муҳаммад Аручи каби олимлар томонидан 2003 йил Анқарада чоп этилган.

Мотуридия ақидаси Қуръон, ҳадис ва ақл-идрок, мантиқ ва ҳақиқатга яқин экани билан бошқа таълимотлардан ажралиб туради. Абу Мансур Мотуридий ўз таълимоти билан боғлиқ аксарият фикрларини "Китоб тавҳид" асарида баён этган. Хусусан, ўзга тоифадаги фирқаларга қарши шундай сўзларни айтади: "Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Аллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқот, ибрат ва тажриба билан иш қилишга буюрганини тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан биридир".



Бу таълимот муътазилийлар каби фақат ақлга суяниш эмас, балки нақлдан ҳам қўшиб фойдаланишни зарур деб билади. Ақида борасида қўшган яна бир ҳиссаси шуки, ўша даврларда жуда кўплаб фирқалар эътиқод борасида ўз фикрлари билан мусулмон аҳлини турли йўлларга бошлаган. Мотуридий шунга чек қўяди ва бу ўлкада ягона ақида тизимини (яъни ҳанафийа мазҳаб асосида) ўрнатади. У барча ақидалар орасидаги баҳсли мавзуларни ҳар бир фирқага далиллар асосида исботлаб беради. Натижада турли хилдаги майда оқимлар кўпайишининг олди олинади.

Ҳозирда мусулмон жамияти мотуридия таълимотига ва уни кенг ўрганишга катта эҳтиёж сезмоқда. Айнан ташкил этилган конференция ҳам катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Айниқса, Мотуридий таваллуд топган юртда ўтказилиши, дунёнинг энг нуфузли калом илми мутахассис ва олимларининг бу жойда жамланиши анжуманнинг илмий ва амалий салоҳияти нақадар юқори эканини билдиради. Ислом дини ривожида беқиёс ўрин эгаллайдиган Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган мазкур анжуманда муҳокама этилган мавзулар исломнинг асл моҳиятини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этиши, конференция якуни бўйича қабул қилинган ҳужжатлар эса ислом маданияти ва цивилизациясини янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Тоййиб ҳазратлари юртимиздан етишиб чиққан алломаларга юксак эҳтиромини билдириб шундай деди:

— Бизнинг руҳимиз Маккаи Мадинага интилса, ақлимиз Самарқандга ошиқади. Чунки Самарқанд илм-маърифат маркази ҳисобланади.

— 2007 йилдан буён Мотуридийнинг тафсир китоблари бўйича илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бора бошладим, — дейди Туркия ислом илмлари академияси раҳбари Аҳмад Саъд Даманҳурий. — Шундан буён фаолиятимни тўлиқ шу мавзуга бағишладим, бу улуғ аллома тўғрисида кенгроқ маълумот тўплашга киришдим. Изланишларим натижасида 200 бетлик китобимни ёздим. Бу асар Мотуридий шахсига доир айрим тушунмовчиликларни баратараф этиш, буюк имомнинг улкан хизматларини маълум маънода эътироф этилишига эришишга қаратилган.

Ушбу анжуманда иштирок этиш бахти менга ҳам насиб этди. Иштирокчиларнинг ўтказилган конференция бўйича фикрларини эшитарканман, руҳимни ўзгача ифтихор туйғуси қамраб олди.



Ҳар сафар Алишер Навоий асарларини мутолаа қилганда бу даҳонинг жамиятнинг ҳамма қатламларига тўғри йўлнинг асосини кўрсатган, танбеҳ бериб эмас, камтарона, холис устозлик тариқасида ўз кўмагини тавсия этган буюк аллома, буюк шахс сифида кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Алишер Навоий бутун ижоди давомида, қарийб барча асарларида жамиятнинг барча аъзолари диққатини кекса, катта ёшдаги одамларини эҳтиром этиш, айниқса, ота-оналарнинг қадрига етиш ва уларнинг хизматида бўлишдан ташқари ҳурматларини бажо келтиришдек мушарраф ва муқаддас бурчларини адо этишини қайта-қайта таъкидлаб ўтган.

«ИСТА АТО ЙЎЛИҒА ЖОН ФИДО ҚИЛМОҚ»

«СТРЕМИТЕСЬ НАЙТИ ПУТЬ КАК ОТДАТЬ ЖИЗНЬ ОТЦУ»

«AIM TO FIND A WAY HOW TO GIVE YOUR LIFE TO YOUR FATHER»

(Ҳасан КУДРАТУЛЛАЕВ),
филология фанлари доктори, профессор.

Ушбу мақолада филология фанлари доктори, профессор Ҳасан Қудратуллаев Алишер Навоий асарларида отага ҳурмат кўрсатиш, кексаларни эъзозлаш мавзуларининг ёритилиши ҳақида фикр юритган.

Калит сўзлар: *Алишер Навоий, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, ота, Ҳусайн Бойқаро, кексалар, қадр.*

В этой статье доктор филологических наук профессор Хасан Кудратуллаев прокомментировал работы Алишера Навои по вопросам почитания отца и чествования пожилых людей.

Ключевые слова: *Алишер Навои, «Статус Пахлавона Мухаммеда», отец, Хусейн Байкара, пожилые люди, честь.*

In this article, Doctor of Philology Professor Hasan Kudratullaev commented on Alisher Navoi’s work on honoring his father and respecting older people.

Keywords: *Alisher Navoi, “The Status of Pahlavon Muhammad”, father, Husein Baykara, elderly people, honor.*

Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг тўнғич ўғли Бадиуззамон ўртасидаги ихтилофлар, гоҳида қонли урушларга бориб етган тортишувлар тарихчиларимиз ва адабиёт аҳли, Навоий ижоди мухлислари учун маълум. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг дўсти ва вазири аъзами сифатида бир неча бор ота-ўғилнинг ораларига кириб, ноқобил ўғилни инсофга чақирган, бу муносабат салтанатни емирилишигача сабаб бўлиши мумкинлигини қайта-қайта уқдириб ўтган. Ана шу суҳбатларнинг бирида Навоий отанинг жамиятдаги ўрни ҳақида гапириб, ота ва ўғил муносабатлари ҳақида тўхталади. Буюк адиб гапи таъсирчанлигини ошириш, Бадиуззамон мирзога таъсир этишини умид қилиб, дейди: “Муҳаммад пайғамбар... буюрибтурларким, яъни “тенгри таоло ризоси ота ризосиға вобастадур ва тенгри таоло ғазаби ҳам ота ғазабига вобастадур. Бас киши ота ризоси ҳосил қилса, тенгри таоло ризосини ҳам ҳосил қилмиш бўлғай ва ота ғазабига учраса, тенгри таоло ғазабига учрамиш бўлғай... Ва Ҳаким Сулаймон...сўзидурким, ота қодири қайюм, она розиқи марсум, ва адиб Аҳмад раҳматуллоҳ дебтурким:

Атоддин хато келса кўрма хато,
Савоб бил хато токи келса хато.
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин қутқаргай худо.

Навоий жамият аъзоларини, айниқса ёшларни ҳамиша кексаларни ардоқлаш, уларни ҳурматларини бажо келтириш, ҳаёт тарзлари, ўгитлари, сўзлари, ибратли, ҳаётий тажрибаларини умрларининг намунаси этиб қабул қилишларини таъкидлаб, замондошларининг машҳур, ибратли шахсларининг ҳаётини намуна қилиб кўрсатган. Шулар жумласидан унинг Фарҳод, Искандар, Абдураҳмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад, Сайид Ҳасан Ардашер шахсиятларида жамиятдаги яратувчанлик, ахлоқий-маънавий тарбия борасида қимматли фикрларни баён этган.

Навоий “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” номли асарини даврининг зукко, энциклопедик билимли шахснинг ҳаётига бағишлаб яратади. Даврнинг вазири аъзами Навоий, оддий шахс, давр умароси, аъёни, номдор салтанат соҳибларига мансуб бўлмаган инсон ҳақида асар яратиб, уни замондошларига ибрат қилиб кўрсатади. Паҳлавон Муҳаммад Навоийдан 20-25 ёш катта бўлса ҳам у ўз билими билан даврининг билимдон, шоиру олимларини ҳайратга солган. Навоий ёзади: “Чун қобилияти баланд тушгандур ва мулоямати табъи барча фунунға муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлубтур, кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилғондурким, замон аҳли барчада Паҳлавонни мусаллам тутар эрдилар.”

Алишер Навоийнинг “Хамаса”си, девонлари, ижодидаги бошқа асарлари қийматини камситмаган ҳолда, агар адиб фақат “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад “ номли асарини ёзганда ҳам бу буюк адибнинг ўзбек мумтоз адабиётида “ҲОЛОТ” жанрини олиб кирганлиги, давр султони Бойқаронинг вазири аъзами бўлиб, касри нафсини ўйламай даврнинг оддий кишиси Паҳлавон Муҳаммад ҳақида асар ёзиб, унинг билими, ҳамма фанларда маълумоти тугаллиги ва бунинг устига даврнинг енгилмас куштигири – курашчиси эканини улуғлагани, юксак одамийлиги, кексаларни ардоқлашга эътибори билан адабиёт тарихида машҳур адиб сифатида номи қолган бўлар эди.

Алишер Навоийнинг “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” асари Навоийдан ёш жиҳатидан анча катта бўлган, одамийлиги, сахийлиги ва шогирдпарварлиги, меҳмондўстлиги, бошқаларга ибрат бўлувчи шахсга бағишланган. Навоий турли тоифадаги давр кишиларини, айниқса, ёшларни, ижод аҳлини Ардашердан ибрат олишга чақиради. Жамиятдаги кишиларни Навоий ахлоқ, тарбия, маърифат, маънавий устунликка, комил Инсонликка чақиради, айниқса, илмталаб ёшларга ибрат қилиб даври кексала-

рининг ёрқин мисоли сифатида Ардашерни кўрсатади: “Аммо, адаб ва ҳилм ва тавозўъ ва ҳаё зотлариға анингдек ғолиб эрмишким, бу мужмал мазкур бўлғон фазойилдинки тафсили: сарф ва наҳв ва луғат ва арабият, ва мантиқ ва калом ва фиқҳ ва ҳадис ва тафсирдур ва сойир таснифот, мисли: шеър ва муаммо ва таърих ва нужум ва адвор ва мусиқий бўлғай...”

Алишер Навоий “Назмул-жавоҳир” асарида кексалар ва қарияларнинг ҳурматларини жойида қўйиш, эътибор бериш, уларни эъзозлаш борасида қимматли фикрларни баён этган. Шоир ота, она ҳурматини бажо келтириш ҳам қарз ва ҳам фарз эканлигини таъкидлар экан, фарзанд учун бу амалларни адо этиш “зуҳри абад” – абадий ном қолдириш билан тенг эканлигини таъкидлагани муҳим:

Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ анога ҳам унча имкон қилмок.
Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато онаға эҳсон қилмоқ.

Навоий фикрича, ўғил томонидан ота-онага хизмат қилишни ҳаёти тарзининг одатига айлантирар экан, барча яхшиликларни уларга раво кўриш фарзандлик бурчидир. Бу бурч, ҳиммат ва саховат келгуси фарзандларига ҳам ўтишини – бу хислат уларга ҳам юқишини – сироят қилишини таъкидлайди. Улар ҳам ҳимматлари билан қайтаришлари ҳақида насиҳат қилади:

Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай.
Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

Алишер Навоий фикрича, катта ёшдаги кишиларни киши ўзига йўл бошловчи, устоз, пир деб танламоқчи бўлса, диққат билан унинг характер ва хусусиятлари, ўзини тутиши ва фикр мантиғига эътибор бериши, бошлайдиган йўли умуминсоний хислатларга зид бўлиб чиқмаслигига эътиборни қаратишни лозим, деб билади. Навоийнинг бу фикри, ўгити ўша даврда ҳам, айниқса, бизнинг замонамизда ҳам аҳамиятга молик. Бу мисраларни ёшларнинг ҳаёт йўлларини танлашда адашмаслик, ёши катта киши деб ҳар хил иллат, ярамас ғояларга эргашмасликка ҳам даъват сифатида қараш мумкин:

Маҳрам тиласанг сидқ ила гуфторига боқ,
Пир истар эсанг сулуку атворига боқ.
Ғайр айла кишига доғи кирдорига боқ,
Не қилсанг анинг имонида, миқдорига боқ.

Алишер Навоий фикрича, кексалар, ёши катталарни эҳтиром этиш, хизматларини бажо келтириш вожиб. Аммо киши кексайган сари унинг ақли, бошидан хиради камайиб, атрофдаларга малол келадиган фикрларни айтадиган бўлса, ундан хирадмандлик одати камая борса, бундай шахсдан жамиятга фойда етмай қолади:

Ҳар кимсада зоҳир ўлса тамкини хирад,
Андин билгилки топти тазйини хирад.
Андоқ қариким, йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуқки, топди талқини хирад.

Шундай қилиб, даҳо Алишер Навоийнинг кексаларни, ота-она, ёши катталарга бўлган муносабатдаги айрим жиҳатларга бир назар солдик. Адибнинг бу ўгитлари бизга муносиб кексайиш, садоқатли фарзанлар бўлиб ота-онамиз хизматларида бўлиш, катта ёшдагиларни эъзозлашни одат этиб умримиз шиорига айлантиришга кўмаклашади.



Низомиддин ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ «АТВОҚУ-З-ЗАҲАБ» АСАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ РАБОТЫ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ “АТВОКУ-З-ЗАХАБ”

AN ANALYSIS OF MAHMUD ZAMAKHSHARI’S WORK “ATWOQU-Z-ZAHAB”

Мақолада Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб” асарининг тошбосма нусхаси ўрганилгани ва илмий тадқиқ этилгани ҳақида гап боради. Муаллифнинг маълумот беришича, ушбу тошбосма нусха ҳозирги кунда яхши сақланган бўлиб, айрим сиёҳ қолдиқларини ҳисобга олмаса, ўқишга ва фойдаланишга яроқли холдадир.

Калит сўзлар: *Маҳмуд Замахшарий, “Атвоқу-з-заҳаб”, тошбосма, нусха, муҳр, рақам.*


В статье говорится, что была изучена и исследована литографическая (печать на камне) копия книги Махмуда Замахшари “Атвоку-з-захаб”. По словам автора, это литография в настоящее время не смотря на некоторое оставшийся чернил, хорошо сохранилось и пригодно для чтения.

Ключевые слова: *Махмуд Замахшари, “Атвоку-з-захаб”, литография (печать на камне), копия, печать, номер.*

The article says that the lithographic (stone printing) copy of Mahmoud Zamakhshari’s book “Atwoku-z-Zahab” was studied and researched. According to the author, this lithography is now, despite some ink remaining, well preserved and suitable for reading.

Keywords: *Mahmud Zamakhshari, “Atvoku-z-Zahab”, lithography (stone printing), copy, seal, number.*

Маҳмуд Замахшарийнинг «Атвоқу-з-заҳаб» асарининг тошбосма нусхаси ҳозирда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди кутубхонасида сақланмоқда. Тошбосма нусха ҳозирги кунда яхши сақланган бўлиб, ундаги айрим сиёҳ қолдиқларини ҳисобга олмаса ўқишга ва фойдаланишга яроқли ҳолдадир. Муаллиф ушбу асарининг кириш қисмини «Басмала» билан бошлаб, сўнгра ҳамд ва шукрлар билан давом эттиради. Шу билан бирга Маҳмуд Замахшарий асарнинг кириш қисмида рисола мазмуни билан бирма бир таништириб, изоҳлаб беради. Масалан, ҳамд бўлимидан сўнг адиб қуйидагиларни келтириб ўтади: "...Ва ҳар бир мақолани Аллоҳнинг китобидаги оят билан якунладим". Тошбосма нусхада Замахшарийнинг ҳар бир мақоласи шу мавзуга доир бўлган бир ояти карима билан хотима топишига гувоҳ бўлинади. Лекин қайси суранинг, нечанчи ояти эканлиги ҳақида маълумот бериб ўтилмаган. Масалан, биринчи мақоланинг хотимасида «Исро» сурасининг 81 - ояти билан якунланса, тўртинчи мақола «Наба» сурасининг охирги ояти билан хотима бўлиб келган.



Асарнинг нашри шу пайтгача юз мақола сифатида ўрганилган бўлса, тошбосма нусхасида бўлса мақолалар сони 102 тани ташкил қилади. Мақоланинг 102 қисмидан сўнг 8 та устун шаклида жумлалар берилган бўлиб, уларнинг биринчи қатори Пайғамбар алайҳиссаломга бағишланган салом ва салавотдан иборат, сўнгра ушбу китобга муҳр босилгани ҳақида айтиб ўтилган. Иккинчи жумлада воизлик ва нутқ сўзлашга бағишланган сўз билан якун топган. Учинчи қисмда ёзувчиларга қарата фикр билдирилади. Тўртинчи бўлим "Булоқ" деб аталиб, сўнгги қисмда Муҳаммад Салим Анасий исмли адибга нисбатан фикр билдирилиб, Аллоҳ уни авф этсин, деб хотима топади.

Тошбосма нусхада босмахонанинг муҳри бўлиб, унда «Библиотека и Читальная Туран» сатрлари айланма шаклда ёзилган. Худди шундай ёзув муҳрнинг марказ қисмида ҳам ўз аксини топган. Бундай муҳр тошбосма нусхада икки маротаба берилган бўлиб, биринчиси асарнинг ўрта қисмида ўз аксини топган бўлса, иккинчиси хотимада берилган. Муҳрлар сони ҳақида сўз кетганда, яна бир муҳр билан танишилганини таъкидлаш мумкин. У муҳр тошбосма асарнинг биринчи саҳифасида, асарнинг ҳамд қисмидан олдин берилган бўлиб, унда: «Ахмед Исхаков» деб ном берилган. Хулоса қилиб асар аввал шу инсоннинг шахсий кутубхонасидан ўрин олган дейиш мумкин.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Атвоқу-з-заҳаб» асарининг тошбосма нусхасида мақолаларнинг жойлашиш тартиби асарнинг нашр нусхасидан кескин фарқ қилади. Жумладан, тошбосма нусхада биринчи мақола "я арбабул қуввати ват тоқоти" тарзида бошланса, асарнинг нашр нусхасида қуйидагича: "ма яхфадул мару адмиҳу ва ятмидуҳу" тарзида бошланади. Шуни таъкидлаш керакки, асарнинг нашр нусхаси билан тошбосма нусхаларида кескин фарқлар бўлишига қарамай, айрим мақолаларда бир хил мавзу берилаёт-



ган бўлса-да, сўзларнинг комбинацияси (тартиби) бир биридан фарқ қилади. Масалан, Замахшарийнинг иккинчи мақоласида инсоннинг яратилиши, унинг ҳақида сўз кетса, нашр нусхаси ва тошбосма нусхасида иккала мақоланинг таг маъноси шу мазмун-моҳиятни ифодаласа ҳам, иккала нусхада булар ўзгача берилган.

Иккинчи мақоланинг хулоса қисмида муаллиф: “Одам боласи, яратилишинг тупроқдан бўлса ва қайтар жойинг ҳам шудир, шунга қарамай кибру ҳаво қиласан, ота - боболаринг билан фахрланасан” каби мазмунда муаллиф сўзини давом эттириб, сўнгги қисмида инсоннинг яна бир карра келиб чиқишига, яъни тупроқдан яралгансан, деб таъкидлайди. Мақоланинг бошланиш қисми ва асарнинг нашр нусхасидан фарқ қиладиган жиҳатлари иккинчи мақолада қуйидагича: “Я ибна адама, аслука мин солсолин”, яъни, “Ей одам боласи, асл яратилишинг балчиқдандир” деган нидо билан бошланади. Тошбосма нусхада эса қуйидагича берилган: “Ибну адама ажнун минас солсолин”, яъни “Одам боласи асл аралашманг балчиқдандир”. Мақоланинг биринчи жумласи маъноси бир бўлса ҳам, тошбосма нусхада нидо юкламаси билан бир қаторда “ажн” сўзларининг келиш ўрни бошқадир. Яъни, асарнинг нашр нусхасида нидо юкламаси берилган бўлса, тошбосмада юкламасиз келган. Асарнинг нашр нусхасида “аслука” (аслинг) сўзи берилган бўлиб, тошбосма нусхада “ажн” (қоришманг) шаклида ифода этилган. Мақоланинг қолган қисмлари ҳам бир-биридан фарқ қилади, бунга қуйироқда тўхталамиз. Ҳар иккала нусхалардаги кўп мақолалар бир маъно ифодаласада, тошбосма нусханинг хотимаси Қуръони карим оятлари билан якун топган.

Асарнинг нашр нусхасида бу силсила сақланган. Лекин солиштириш жараёнида шунга гувоҳ бўлинди-ки, бу силсила биринчи мақолада ўз аксини топмаган. Асарнинг нашр нусхасида ҳар бир мақолага унинг илк жумласи ёки ундаги маънога қаратилган асл моҳиятдан келиб чиқиб ном берилган. Тошбосма нусхада эса мақолалар номи йўқ бўлиб, ўқувчининг ихтиёрига қолдирилган. Масалан «Атвоқу-з-заҳаб» асарининг нашр нусхасида юқоридаги иккинчи мақола “Унзур ила аслик” (Аслингга назар сол!) деб номланган. Мақоланинг дастлабки жумласи ҳам шундай бошланади. Асарнинг нашр нусхасида биринчи мақолага «Билим ва тақвоинг қиймати» дея ном берилган бўлиб, «Инсон», яъни «инсоннинг қадри унинг илми ва тақвоси билан ўлчанади” мазмунида берилган.

Мақоланинг тошбосма нусхасининг биринчи пандномасида “қолбун” сўзи фаол бўлиб, асарнинг нашр нусхасида бўлса “нафсун” сўзлари такрор берилади. Яна эътиборга лойиқ жиҳатидан бири тошбосма нусхада ҳар бир мақоладан сўнг шу бобга тааллуқли бўлган, мавзуга доир бўлган ояти карима билан боғланишидир. Масалан, биринчи мақоланинг сўнггида Қуръони каримнинг «Исро» сураси 81-ояти билан ниҳояга етади. Асарнинг нашр нусхаси ҳақида фикр юритилса, унда ҳар бир мақоладан кейин эмас, аксинча айрим мақолалардагина бу ҳол кузатилади. Асарнинг нашр нусхасида ўқувчини ўзига жалб қиладиган яна бир нарса борки, у ҳам бўлса ҳар бир мақоладан сўнг шу мақолага қолдирилган хулоса.

Биринчи мақоланинг хулоса шакли қуйдагича: Инсон тақвоси ва илми туфайли икки дунё саодатини қўлга киритади, ана шу (яъни илмли ва тақволи бўлиш) у ва ота-онаси учун ҳам фойдалироқдир. Хулосанинг сўнггида инсон шу икки нарсага амал қилиб яшаса икки дунёда Аллоҳнинг розилигини олган бўлади, деб якун ясалади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар иккала нусхада ояти карималар берилган бўлиб, тошбосма нусхада шу мақоланинг сўнггида бўлса, замона-

вий нусхада эса бу икки хил жойда кузатилади. Биринчи кузатиладиган жой бу мақоланинг нотаниш сўзлари берилган қатор, яъни луғатлар қисмида бўлиб, иккинчи қисм эса муаллиф томонидан берилган хулосада.

Ҳар иккала қисмда бир хил оятлар эмас, шу жумлага мос келадиган ҳам маънан, ҳам мантиқан тушадиган оятлар билан хулоса берилган. Навбатдаги мақола асарнинг нашр нусхасида қуйидагича берилган:»Алҳаяту саа'тун" (Ҳаёт - бир лаҳзадур). Мақоланинг номидан кўриниб турибдики, Маҳмуд Замахшарийнинг бу пандномасининг мавзуси муаллиф томонидан берилган бўлиб, унинг дастлабки сарлавҳасидан ўткинчи ҳаётга лаззатларига чалғимаслик даъвати илгари сурилган. Учинчи мақола, тошбосма нусханинг, луғат қисмида ҳадиси шарифдан ҳам фойдаланган. Бу "Иғтанамал хомса қоблал хомс", яъни "Беш нарсадан олдин беш нарсани ғанимат бил" деган ҳадис бўлиб, улар: «Ҳаётингни ўлим келишдан аввал, соғлигингни бемор бўлишингдан аввал, бўш вақтингни банд бўлишингдан аввал, ёшлигингни кексалигингдан аввал ва давлатингни фақирлик холига тушишингдан аввал" жумлаларидир. Асарнинг хулоса қисмида муаллиф қисқа қилиб "Эй одам боласи умринг қисқа бўлса нега сен уни узун деб ўйлайсан, ҳаёти дунё, бир соат кабидир шундай экан уни тоатга бағишлагин" деб якунлайди.

Учинчи мақоланинг сарлавҳаси эътибор билан ўрганилса, юқорида келган икки мақоладан фарқли ўлароқ, бу мақоланинг номи унинг сўнггида, яъни хулоса қисмида берилгани кузатилади. Асарнинг нашр нусхасида учинчи мақола қисқа берилган бўлиб, иккала нусхаларни солиштириш жараёнида шунга ҳам гувоҳ бўламиз-ки, бир мақола ярим саҳифани ташкил қилса, тошбосма нусхада баён кенгроқдир. Асарнинг нашр нусхасида эса ундай эмас. Учинчи мақоланинг луғатлар қисмидан келиб чиқиб, мақолага «Ҳаёт - бир лаҳзадур» деб номланган бўлса ажаб эмас.

Тошбосма нусхада бу ҳолат ҳадиси шариф орқали изоҳланган бўлиб, асарнинг нашр нусхасида таржима билан деярли фарқ қилмайди, бу маъно муаллиф томонидан берилган хулосада кўрилади. Шу билан бир қаторда асарнинг нашр нусхасида луғатлар қисми ва уларга берилган изоҳлар солиштирилса, улар кетма кетликда берилган бўлиб, сон жиҳатдан бу қоидага қатъий риоя қилинган. Тошбосма нусхада ундай эмас. Масалан ЗЫКдг (иғтанама - ғанимат билмоқ) феъли тошбосма нусхада 7 рақамда бўлса, ундан кейин келаётган сўзнинг рақами 8 эмас 9 рақам остида берилган. Асарнинг нашр нусхасида ҳар бир жумла алоҳида рақамланган бўлиб, уларнинг ҳар жумласига алоҳида хулоса берилган.

Ўқувчининг эътиборини тортадиган ва унга енгиллик, қулайлик берадиган томони ҳам шунда, ўқувчи муаллифнинг берган икки жумласидан Замахшарийнинг бутун бир пандномасининг маъно моҳиятини тушуна олишида. Тўртинчи мақолада инсоннинг ўзига бўлган ҳаддан зиёд муҳаббати ҳақида гап кетади. Тошбосма нусхада сўзларнинг берилиш жиҳатида нашр нусхасидан кескин фарқ қилади. Ҳар иккала нусхада мақоланинг бошланиши бир хил бўлиб, улар қуйдагича бошланади: "қоддун", яъни инсоннинг қаддиқоматига нисбат берилиб мақоланинг давоми фарқ қилади. Тошбосма нусхада "каннахлил басиқ" шаклида берилган бўлса, асарнинг замонавий нусхасида "қоддун фи тулил устуваанати" тарзида келган. Дастлабки жумланинг таржимасида инсоннинг қадди «Палма» дарахтининг узунлигига, текислигига қиёсланса, иккинчи нусхада инсоннинг қадди-бўйи узун ва тўғри ёғочга ўхшатилган. Асарнинг нашр нусхасида "ва анфун мулиун минал хунзуваанати" тарзида берилган. Мақоланинг тошбосма нусхасида бу жумланинг таржимасига назар ташласак асарнинг нашр нусхасидан фарқ қилади. Тошбосма нусхада қуйдагича "ва қолбун мислул лайлил ғосиқ" (қалбинг туннинг мисолидек қоронғу) бўлса, "ва анфун мулиун минал хунзуваанати" (бурни кибр ва ғурур билан ҳаволанган) тарзида берилган. Мақоланинг сўнгида асарнинг нашр нусхасида анъанага мувофиқ тўртинчи мақоланинг қисқача мазмуни қуйдагича берилган: "Инсон камтар бўлиши керак, у ўзининг



либоси ила кибрланмаслиги, гердаймаслиги лозим. Чунки бу катта гуноҳлардан ҳисобланади. Бугун инсон ернинг устида гердайиб юрипти, эртага тупроқ бўлиб кетади”.

Мақоланинг мавзуси ҳақида сўз юритилса, унга асарнинг нашр нусхасида “Ўзини яхши кўришнинг зарари” деб ном берилган. Юқорида айтилганидек тошбосма нусхада ҳар бир мақоланинг сўнгида шу мавзуга алоқадор бир оят келтирилиб хотима қилинса, асарнинг нашр нусхасида бу силсилани ҳар бир мақоланинг сўнгида учратмаслик мумкин. Ҳар иккала нусхада келтирилмаган ўхшашликлардан яна бири шуки, муаллиф ўзининг хулосаси қаторида бир фозил кишининг ҳикматли сўзини ҳам келтиради. Мақоланинг тўртинчи қисмида бу нарса кузатилади. Асарнинг тошбосма нусхасида бўлса бундай фикр учратмайди, аксинча ояти карима билан кифояланади.

Асарнинг таркибий тузилиши ҳақида сўз кетганда, ҳар учала нусхалар ҳам яхши шаклда сақланган. Нашр нусхаси ва тошбосма нусхада мақолаларнинг келиш ўрни айрим жойларда фарқ қилса ҳам, умумий мазмун бир нарсани ифода этади. Асарнинг ички тузилиши эса бундай шаклда берилмаган. Жумладан, юқорида зикр қилинганидек сўзларнинг кетма-кетлиги бир хил ўрин эгалламаган. Асарнинг нашр нусхаси билан танишган ўқувчи шубҳасиз унинг тошбосма нусхаси билан ҳам танишади ва қуйидаги фарқларни топади: мақолаларнинг кетма-кетлиги бир хил эмас. Уларда қўлланилаётган сўзларнинг ҳар хиллиги, бир нусхада сарлавҳа бўлса иккинчисида йўқлиги, асарнинг нашр нусхасида луғат қисмининг мавжудлиги, нашр нусхада муаллиф хулосасининг мавжудлиги ва шунга ўхшаш фарқлар бор.

Мақоланинг 6-қисми нашр нусхада “роббука қорийбун минка” (Роббинг сенга яқиндур) деган сарлавҳа остида келган бўлиб, таркибий тузилиши тошбосма нусхадан кескин фарқ қилади. Нашр нусхада асарнинг дастлабки бошланиши “амалук” шаклида бошланган бўлса, тошбосма нусхада бўлса “я рофиул яд бид дуаи” шаклида бошланади.

Асарнинг нашр нусхасида муаллиф томонидан берилган қисқача хулоса мазмуни қуйидагича: “Қани сенинг ота - боболаринг, қариндош - уруғларинг, қўни-қўшниларинг?! Биз ким билан ўтирган бўлсак улар ҳам кетишган, уларнинг фақат ёдгорликлари ва ҳикояларигина қолган, улар биз билан яшашган, биз уларни кўрганмиз ва ўқитганмиз, улар ҳам ўқиган, бизларга ҳам берган, уларга ҳам берган, лекин ҳозир уларнинг жойи қаерда? Улардан ҳеч бирлари абадий бўлишмади ва биздан аввалгилар ҳам. Аллоҳнинг ҳар бир махлуқоти бир кун заволга учрайди (яъни йўқ бўлади), фақатгина Аллоҳнинг ўзигина боқийдир” деб якунланади.

Айрим мақолаларда бир хил сўзлар қайтарилса-да, лекин ундан сўнг келаётган сўз тошбосма нусхада ёки акси замонавий нусхада бўлсин, синоним шаклида берилган. Тошбосма нусхадаги луғатлар қисми, бирмунча бетартиб шаклда. Яъни “Бетартиблик нимада?” дейилганда, “Мақоланинг олдинги қисми билан узвий боғлиқликнинг номуносиблигида” дейиш мумкин. Масалан, ўзидан аввалги мақола гарчи ниҳоясига етса ҳам, луғат сони якуниги етмай кейинги қисмга қўшилган ва тартиб рақамлар сони 15 гача бўлган. Шу 15 сони мақоланинг қайси қисмида тугатилса, шу қисмдан 1 рақам билан рақамланади. Асарнинг нашр нусхасида бўлса, бунинг акси. Масалан, бешинчи мақола бошланди ҳамда шу мақоланинг луғатлар қисмида тартиб сонлар ўз аксини топди ва ниҳоясига етди. Сонлар ҳам шу ерда якунланади. Кейинги мақоланинг луғатлар қисмида бўлса яна аввалгидек 1 рақами остида тартиблаб берилади.

Жаҳон маданияти ва цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса кўшган, илм-маърифат аҳлининг эътироф ва эҳтиромига сазовор бўлган темурийлар сулоласининг буюк намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсининг бетакрор ва ибратли жиҳатларига мухтасар назар ташлаш, шубҳасиз, миллий маънавий тараққиётимизнинг зарур шарти, баркамол инсон шахсини тарбиялашнинг муҳим омилидир.

ИБРАТЛИ ФЕЪЛ-АТВОР СОҲИБИ

Али Муҳаммад ПЎЛОДИЙ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг Фарғонадаги бўлими раҳбари.

Тарихдан ва "Бобурнома" асаридан маълум бўлишича, Бобур мирзо ёшлигига қарамасдан, барча эл, қариндош-уруғ, ҳарамдаги аёллар ҳамда барча ёшу қари хизматчилар, ўзининг ихтиёрида бўлган амиру беклар ва навкарлар, ёру дўстларнинг тақдирини чуқур мулоҳаза киларди. Нима қилиб бўлса ҳам, элнинг ҳаёт тарзини яхшилаш йўлларини изларди. Низоларни бостириб, урушсиз ҳаёт кечириш истагида режалар чизарди.

У қариндошлар қадр-қимматига етадиган, меҳрибон ва саховатли инсон эди.

Бобур шахсида сирли бир хислат мужассам бўлганини ҳис этамиз. Яъни худбинлик, мағрурлик, манн-манлик унга бегоналигини илғаймиз, унинг шахсиятида камтарликни ўзига пеша қилган шоҳ ва сарлашкарни кўрамиз. Масалан:

Дарвешонро агар на аз хешонем,
Лек аз дилу жон муътақиди эшонем.
Дур аст магўй шоҳи зи дарвеший,
Шоҳем, вале бандаи дарвешонем.

(Мазмуни: Гарчи дарвешлар бизларга яқин бўлмасалар ҳам, биз уларга жон-дилимиз билан мухлисмиз. Шоҳликни дарвешликдан узоқ дема, биз шоҳ бўлсак ҳам, дарвешларнинг бандаси(қули)миз).

Шоҳ ва шоир аҳдига вафо қиладиган шахс бўлиб, фириб, алдаш ва хиёнат қилишни ўзига ёт ҳисобларди. У иродаси мустаҳкам, қатъиятли шахс бўлиб, ўз олдига бир мақсад қўйса уни рўёбга чиқармай қўймас экан. Азму шижоати, жасорати туфайли ҳам "йўлбарс" тахаллусини олган инсон эди.

Салтанатни бошқаришда подшоҳга бировнинг тазйиқ ёки таъсир ўтказишига жон-жаҳди билан қарши турарди. У ҳарбий одам ва подшоҳ эканлигига қарамасдан, ҳеч қачон аёлларни камситмас ва ёр васлини хокисорона куйларди:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълаға мен кулдурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Бобур киндик қони тўкилган тупроқни, ёшлик даврини суриб улғайган ўз Андижонини ҳеч нарса билан алмаштирмайдиган инсон эди. У она шаҳри, Ватани соғинчларини шеърда ифодалар экан, Ҳиндистон шаҳаншоҳи беихтиёр ўзининг андижонлик ғариблигига китобхон эътиборини тортади:

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингға тараҳҳум айлагилким, андижонийдур.

Булардан ташқари, 1528 йил катта тўй берганида барча қариндош-уруғларини, ёру дўстларини, хизмат кўрсатган беку навкарларни, давлат элчиларию меҳмонларни таклиф қилиб, зиёфат ва туҳфалар инъом этади. Шу жумладан, Андижон ва Сўху Ҳушёрдан бирга борганларга алоҳида эътибор берганини кўрамиз.


Бобур мирзо ўтказган ҳаёти ва босиб ўтган ҳар қадами, азобу машаққатларга чидагани, энг яқин қариндошу дўст ва амиру навкарларидан айрилган вақтда ҳам ўзини йўқотмасдан сабр-бардош билан Аллоҳга таяниб иш тутгани биз инсонларни ҳайратга солиб чуқур мулоҳаза қилишга ундайди. У Ҳушёрдан чиқиб Кобул томон юриб Ҳисор водийси ва Кобулни оз кишиси билан урушу талафотсиз қўлга киритиб зафар чўққисини фатҳ этади.

Бобур мирзо Агра ва Деҳли шаҳарлари атрофини ободонлаштириш, Жамна дарёси бўйларида саройлар, қасрлар, ҳаммомлар қуриш, боғлар барпо этиш ишларига бош-қош бўлади, бозорлар, гузарлардан олинадиган тамға солиғини бекор қилади. Кобул ва Ғазни шаҳарларини сув билан таъминловчи ва илгари бузиб ташланган сув иншоотларини қайта тиклаш учун маблағ ажратади. Аградан Кобулга борадиган савдо йўлининг бехатарлигини таъминлаш мақсадида карвонсаройлар, работлар қурдиради, Боғлар яратиб, гулзорлар барпо этди. Бир фаслга ё бир йилга ярайдиган қамиш уйлар ва бошқа омонат кулбалар ўрнига баланд иморатлар солади, ариқлар торттириб, ҳовузлар қазитади, ободончилик ишларни олиб борди. Энг муҳими, шоҳ ва шоир эл кўнглига йўл топди, унинг меҳрини қозонди.

Ҳақиқат тарозусини қўлга олиб, айтиш мумкинки, З.М.Бобур феълатворида бугун биз ҳам ўрнак олсак арзигулик жуда кўп фазилатлар бор. Айниқса, ёш авлодни ватанпарвар, жасоратли ва мард қилиб тарбиялашда шоҳ ва шоир ҳаёт йўлини ўргатиш фойдадан холи бўлмайди.

«ЎЗ ИЧИГА БЕРКИНГАН ОДАМ» ОБРАЗИ: АБСУРД ВАЗИЯТ ВА АБСУРД ҚАҲРАМОН

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими.




Бундан анча йиллар олдин катта назариётчи олим Б.Саримсоқов “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Абсурд — маънисизликдир” мақоласи билан чиқиш қилган эди[1]. Шу мақола муносабати билан ҳали ҳозиргача баҳсу-мунозаралар давом этиб келмоқда. Муаллиф ушбу мақоласида абсурд адабиёт ўзбек миллий адабиёти учун ёт ҳодиса эканлигини куйинчаклик билан таъкидлайди. Б.Саримсоқовдан ташқари, адабиётшунос Сувон Мелиев ҳам бу масалада олим билан ҳамфикр ва якдил бўлди. Бинобарин, С.Мелиев “Асл адабиёт эзгуликка хизмат” мақоласида шундай ёзади: “Анчайин ишонч билан айтиш мумкинки, модернизм Ғарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий муҳитида нашъу намо топа олмайди. Модернистик қора ва тушкин кайфият бизда илдиз ота олмайди. Шарқона исломий маънавияту ўзбек маънавияти бунга йўл қўймайди”[2] . Нима учун Б.Саримсоқов, С.Мелиев ва бошқа бир қатор катта олимлар, ёзувчилар “Абсурд адабиёти” ва унга хос “Абсурдизм фалсафаси”нинг ўзбек адабиётида пайдо бўлиши, ривожланишига хайрихоҳлик билдиришмади. Чунки, Абсурд адабиётининг С.Къеркигор, Жан Поль Сартар, А.Камю, Ф.Кафка, Р.Музиль каби ижодкорларнинг асарларига қарайдиган бўлсак, уларнинг қаҳрамонлари жамиятда ўзларини “бегона” ҳис қилади. Жамоа билан аралашиб кета олмайди, улар учун ҳаёт яшашга арзимайди. Муқаррар ўлим бу абсурдликдан қутқаради. Абсурд қаҳрамонлар тий-

натида даҳриёна фикрлар етакчилик қилади. Ҳатто Яратганнинг ҳам ёқасидан ҳам олаверади. (Даҳрий экзистенциалистлар ҳам бор. Масалан, Жан Поль Сартр Оллоҳга ишонмайди. Инсон ўзини ўзи лойиҳалаштиради, деган назария билан чиққан.Камю Сартр билан шу масалада келишмаган. – Изоҳ бизники. – М.Қ.)Улар эртанги кундан умидвор бўлиб яшамайди. Абсурд қаҳрамонлар руҳиятида шукроналик, умидворлик йўқ. Бундай қаҳрамонлар фақат ва фақат тушкунлик, қора, мавҳум хаёллар, тушунарсиз, ноаниқ, даҳшатли ҳиссиётлар оламида яшайди. Қадимий исломий асосга эга бўлган ўзбек адабиётининг оптимистик руҳига бундай даҳрийона адабиёт тескаридир. Шунинг учун ҳам катта адабиётшунос олимларимиз “Абсурд адабиёт”, “Модернистик” адабиёт намуналарига ижирғаниш билан қарашди. Улар шу маънода ҳақ эди. Чунки бу олимларимизнинг ўткир нигоҳи бундай адабиётнинг таназзулини, инсон руҳиятига ўтказадиган салбий таъсирини теран кўра олишган. Абсурд адабиётни дадил туриб қораловчилар учун абсурд адабиёт намоёндалари ҳам, улар яратган асарлар ҳам, қаҳрамонлар ҳам “кофир”лар мақомида туради.

Абсурд адабиётига рўйхушлик берилмаслигининг яна бир сабаби бор. Биз бу сабабни айтишга бироз истиҳола қилаяпмиз. Аммо илмий ҳақиқатни ойдинлаштириш учун бу сабаб ҳам очиқ кўрсатилиши керак. Иккинчи сабаб шуки, Альбер Камю, Кафка, Роберт Музиль, Томас Манн, Уильям Фолькнер, Самюэль Беккэт, Ҳерман Ҳессе, Жеймс Жойс, Марсель Пруст, Жорж Оруэл, Жан Пол Сартр каби ижодкорлар совет танқидчилигининг қора рўйхатида турарди. Бу ижодкорлар совет адабиёти, танқидчилиги учун “қора”, “чиркин”, “олифта буржуазия адабиёти” намуналари эди. Яхшиси, уларни умуман ўқимаслик, ўрганмаслик керак эди. Чунки бундай адабиёт совет мафкурасига зид адабиёт эди-да. Абсурд ва экзистенциал адабиётда Исёнкорлик бор. Қаҳрамоннинг ўз ўзини англашга, жамиятни тафтиш ва таҳлил этишга уриниш бор. Айнан шу нуқтада совет адабиёти Ғарб адабиётининг илғор модернистик йўналишдаги ижодкорлари билан мутлақо келишмади. Умрининг кўп қисми шўро даврида кечган Баҳодир Саримсоқов ва унинг издошларининг Абсурд адабиёт ҳақида салбий хулосаларга келиши табиий жараён эди. Уларнинг онги-тафаккури совет танқидчилигининг мафкуравий назарияси билан тўлган эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик танқидчиларимиз Абсурд ва экзистенциал адабиётни қабул қила олмади.

Аммо энди “Экзистенциализм ва абсурд адабиёт”нинг асл моҳиятига, “абсурдизм” назариясига сокин нигоҳ ташлаб кўриш вақти келди. Назар Эшонқулнинг устози мақомида турувчи “Альбер Камю” ҳақидаги мақоласига эътибор қаратсак, унда муаллиф “Камю ва Кафканинг абсурд фалсафаси, асарларининг муҳим бадиий-ғоявий концепциясига тўхталиб, шундай жавоб беради: “Сил касали билан оғриган икки буюк адибнинг дунё, адабиёт ҳақидаги қарашлари ҳам яқин бўлса-да, Камюнинг адабий концепцияси ҳам, ижодий услуби, ҳаётга қараши ҳам Кафкадан кескин фарқланади. Камю адабиёт воситасида тушкунлик ва имконсизликни эмас, ундан халос бўлиш йўлларини таҳлил қилди. Ижодини абсурд ижод деб аташса-да, абсурд мавзусини ижодининг бош мавзуси сифатида танлаган бўлса-да, Камю асарлари ва фалсафий кредоси билан охир-оқибат абсурдни енгиб ўтишни, уни ижод ва санъат завқига айлантиришни, инсонни ўз тақдирининг соҳиби бўлишга рағбатлантиришни бош мавзу сифатида танлади”[3]. Ёки яна муаллифнинг адабиётшунос ва ёзувчи Улуғбек Ҳамдам билан бўлган суҳбатида мана бу эътирофини ўқиймиз: “Харуки Муракамини ўқий олмайман.

Менга сунъий туюлади. Аммо Кавабата ёки модернистлар отаси Кафкани ёхуд Беккетни ҳамиша қайта-қайта ўқийман. Мураками адабиётдаги замонавий фокусга, жимжимага ўхшайди. Адабиётнинг девори бўлган инсон ҳақидаги қайғудан кўра ўзининг кийим-бошини, машинасини, компьютерини, мобиль телефонини, жаргонини муҳокама қилаётгандай туюлади. Мен бугун шов-шув бўлаётган постмодернистлар ҳақида фикр юритишдан тийиламан. Кафка, Камю, Жойсда ва бошқа модернист деб аталган ёзувчиларда инсон изтироби, поэзия, нафосат бор эди. Ҳозирги давр оқимлари ҳақида бундай дея олмайман”[4]. Кузатиб турганимиздек, ижодкорнинг жаҳон ва миллий адабиётга муносабатини, ёки унинг бадиий мутолаа оламини ўрганиш, унинг бадиий ижод ва ижодкор концепциясини тўлақонли очиб бериш учун ёзувчи публицистикаси жудаям қўл келади. Ёзувчи публицистикаси қайсидир маънода муаллифнинг ўзини ўзи гапиртирувчи, ҳатто муаллифни фош қилувчи ижод туридир. Демак, ёзувчининг шахсий иқрорларидан сўнг, комили ишонч билан айта оламизки, Назар Эшонқул ўзининг бош бадиий концепциясини ифодалаш учун Ғарб модернизмининг оталари бўлган Камю, Кафка, Жойсларга қўл берди. Инсон изтиробини, жамият фожиаларини ўз асарларида метафоралар тили билан ифодалаш учун Абсурд адабиётга хос бадиий шартли восита ва усуллардан моҳирона фойдаланди.



Назар Эшонқул ижоди ғарб адабиётидан сув ичади. Унинг устозлари Ғарб адабиётида Абсурд ва экзистенциал адабиётнинг асосчилари Альбер Камю, Франц Кафка, Жеймс Жойс, Робет Музиль, Хуан Карлос Онетти кабилардир. Унинг ҳикоялари, қиссалари ва романида синовдан ўтган индивидуал ижодий услуби ўзбек анъанавий реалистик адабиётининг бирорта вакили ижодига ўхшамайди. Ҳеч бир ёзувчиникига ўхшамаган бадиий услуб самараси ўлароқ яратилган қаҳрамонлар руҳиятидаги ҳиссиётлар, исёнкор фикрлар, даҳшатли тасвирлар, ўхшатишлар ва метафоралар, рамзий-мажозий, фалсафий талқинлар, ёлғиз инсоннинг қалб драматизми, “Ўз ичига беркиниб олган одам” образига дуч келасиз. Таъбир жоиз бўлса, замонавий ўзбек прозасининг йирик асосчилари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбек, Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев каби ўнлаб ижодкорлар дарёнинг бу қирғоғида турган бўлса, Назар Эшонқул уларга тескари равишда дарёнинг бу қирғоғида туради. Адибнинг “Тун панжаралари” қиссаси қаҳрамони бўлган ёзувчи ўзининг муҳаррир мутлақо тушунмаган алмайи-жалмойи ҳикоялари ҳақида шундай дейди: “Тўғри, бу ҳикоялар ҳар жиҳатдан тарқоқ, асосланмаган, қурилмаси ҳам сунъий. Лекин ўша пайтлари аниқ феъллару, аниқ воқеалар шўр сувдай меъдамга текқан эди. Мен “ҳаётий воқеалар”ни шунчалик ёмон кўриб қолган эдимки, бу

ҳикояларни ҳам ана шу ўта даражадаги аниқликка қарши ўзим учун ёзгандим. Билмадим, ҳикоя ўзини оқладими, йўқми? Бу билан заррача қизиққаним йўқ. Мен ёзган воқеа сал ғайритабиий, болаларнинг чўпчагига ўхшаш сал ғалати бўлса, бўлди эди”[5]. Аслида, бу иқрорни ёзувчининг шахсий иқрорлари сифатида қабул қилиш мумкин. Унинг меъдасига теккан метод бу – социалистик ижодий метод эди. Қисса қаҳрамони худди Назар ака сингари бир хил қолипга солинган социалистик адабиётдан безиб кетади. Назар Эшонқулнинг қай бир асарини олмайлик, унда ғайритабиий воқеалар, аламзада, бахтсиз, омадсиз, жамият итқитиб ташлаган хароба ва чиркин кубаларда яшовчи ёлғиз қаҳрамонларни кўрамиз. Улар шу қадар ёлғизки, ҳатто улардан қўрқиб кетасиз. Лекин Назар Эшонқулнинг бундай “Ўз ичига беркинган қаҳрамон”ларидан қўрқмаслик керак. Аксинча, уларни тушуниш учун ҳаракат қилиш лозим. Жумладан, “Тун панжаралари” қиссаси қаҳрамони ёзувчи тунда Шайтон билан дўстлашиб, кунлардан бир куни Шайтонларнинг қароргоҳига боради. “Қора китоб” қиссаси қаҳрамони эса ўз қизини бўғиб ўлдириб қўйиб, тонг азонда намоздан қайтиб келаётган ҳамроҳига ўзининг жинояти ва оилавий фожиасини ҳикоя қилиб беради. (Демак, Назар Эшонқулнинг қаҳрамонини даҳрий, кофир деб қарай олмаймиз. У беш вақт намоз ўқийди, масжидга боради. Демак, у мусулмон. Миллий қиёфасиз қаҳрамон эмас экан. Диний эътиқоди ва ўзига хос дунёқараши аниқ ёзилган. – Таъкид бизники. – М.Қ.). Қора китоб Шайтонлар тарихи битилган китоб эди. Қисса қаҳрамони бу китобни хароба бир уйдан топиб олади. Шу тариқа у ўз қалбини, ҳаётини Шайтонга (Чўққисоқолга) сотади. Шайтон унинг қиёфасига кириб, ётоғига кириб, унинг рафиқаси билан алоқада бўлади. Унинг фарзандлари Иблисдан туғилади. Катта ўғли рассом бўлиб етишади. У отасининг портретини чизишга минг бора уринса ҳам, оиласининг дўстига айланган Чўққисоқолни чизиб қўяверади. (Чунки унинг асл отаси – Иблис.) Кичик ўғил мусиқашунос бўлиб етишади. У яратган мусиқаларда одам товушлари эмас, ҳайвонларнинг увиллашлари (масалан итнинг увиллаши), одамларнинг оҳ-воҳлари, даҳшатли ингроқлар акс-садо беради. Ўн олти яшар қизи Иблисдан (яъни ўз отасидан) ҳомила орттиради. Ота эса бутун умр олийгоҳда маърузалар ўқийди. Унинг қалбини шуҳратпарастлик, мансаб, ўзини кўрсатиш, саҳнанинг марказида туриш каби ҳою-ҳаваслар эгаллайди. У жамият аъзоларини икки гуруҳга бўлади. Кучлилар ва ожизлар. Аслида бу назария Достоевскийнинг қаҳрамони Раскольников ҳаётий фалсафасини эслатади. У ўз фарзандларини ҳам шогирдларини ҳам шу назарияга асосан тарбиялайди. Яъни кучли бўлишга ўргатади. Домла ўтган умрини, оилавий муносабатларни таҳлил этиб кўрар экан, Чўққисоқол йиллар давомида уни бошқараётганини, унинг ҳаётини, нафақат шахсий ҳаётини, бутун бошли оиласини фожиавий йўлга бошлаб келганини англаб етади. У Иблисни (Чўққисоқол) ўз оиласи ҳаётидан қувиб чиқаришга қарор қилганида, ҳатто бу ишни қилганида ҳам жуда кеч эди. Иблис унинг икки ўғлини қурбон қилади. Ота эса Иблиснинг зурриёди дунёга келмаслиги учун қизини бўғиб ўлдиради. Бундай даҳшатли воқеаларни, тасвирларни ҳозирги ўзбек прозасида фақат Назар Эшонқулгина профессионал қалам билан ярата олди. Ўз қалбини Шайтонга сотган қаҳрамонлар тақдири жаҳон адабиётининг кўплаб вакиллари ижодида маҳорат билан тасвирланган. Лекин Назар Эшонқул улардан фарқли равишда, уларни

такрорламаган ҳолда янги, образли, оҳорли тасвирлар, воқеалар, экзистенциал ва абсурд фалсафа билан бойитди. Унинг қаҳрамонлари худди Камю қаҳрамонлари сингари маънисизлик ичида ҳам фикрлай олади. Дейлик, ёзувчи (“Тун панжаралари”), домла (“Қора китоб”), Н. (“Гўрўғли ёхуд ҳаёт суви), Мухбир (“Баҳоуддиннинг ити”), рассом чол (“Маймун етаклаган одам”), “Бевақт чалинган бонг” (қоровул), “Очилмаган эшик” (Келинчак) ва ҳ.к. қаҳрамонларни эслашимиз мумкин. Бинобарин, Назар Эшонқул “Оламлар бирлашган макон” эссесида ёзади: “Фикр – ботиний қиёфа, одамнинг, шахснинг ички қиёфасини кўрсатиб турувчи кўзгу. Фикри йўқ одамнинг қиёфаси ҳам бўлмайди. Фикр одамнинг ўзлигини, ўзига хослигини билдириб, мавжудлигини билдириб, мавжудлигини кўрсатиб, талаб қилиб туради. Фикр, аслида, “мен мавжудман” дегани. Фикр йўқ жойда оломончилик ва жоҳиллик қўпчийди. Менинг фикрим – бу менинг қиёфам. Бошқаникига ўхшамаслиги, бировга ёқмаслиги мумкин, аммо у менинг қиёфам. Агар у фикр дейишга арзиса, албатта. Фикр одамнинг бармоқ излари каби ўта хусусий, ўта шахсий бўлади”[6]. Демак, муаллифнинг бадиий публицистикаси орқали унинг ижодига кириш қиладиган бўлсак, баъзи тадқиқотчиларимиз ўрганганидек, Назар Эшонқул қаҳрамонлари “қиёфасиз қаҳрамон” эмас экан. Аксинча, ботиний қиёфасига эга бўлган фикрчан, демакки, қиёфали одамлар экан. Яна такрорлашга мажбурият сезаяпмиз, Назар Эшонқул қаҳрамонлари хоҳ ҳикояси, хоҳ қиссаси, хоҳ романи бўладими, уларда тасвирланган бош қаҳрамонлар ўзларининг мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилади. Ўтмишга, таназзулга учраган жамиятга исён қилади. Жамиятга, атрофдагиларга нисбатан норозилигини, исёнини билдиради. Бундай бадиий шартлилик эса экзистенциализм ва абсурд адабиётга хос хусусиятдир.

Худди шунингдек, Назар Эшонқул қаҳрамонлари ҳам мавжуд жамиятни, тузумни ўзгартиришга қодир эмаслигига ақли етади. Улар жамиятни ниҳоятда заколик билан кузатади. Улар ёлғиз, мискин, сўққабош. Ўзларининг қоронғи, мавҳум дунёсида бечораҳол яшайди. Аммо фикрлашдан тўхтамайди. Назар Эшонқул қаҳрамонлари миллий қиёфасиз образлар эмас. Улар аниқ миллий қиёфасига, миллий тутумларига эга шахслар. Улар фикрлаётган одамлар. Демак, пассив шахслар эмас, фаол шахслар. Беихтиёр қизиқ бир парадокс хаёлимизга келди. Назар Эшонқул Абдулла Қаҳҳор прозасига ғирт тескари томонда туради. (Муаллиф Қашқадарё вилоятининг Терсота қишлоғида туғилган. - Терс ота – жой номи, муаллифнинг характерига ҳам тескарилик кўчган. – Изоҳ бизники. – М.Қ.) Абдулла Қаҳҳор анъанавий реалист. Назар Эшонқул ноанъанавий модернист. Абдулла Қаҳҳор фикрсизликни энг катта миллий ижтимоий, маънавий фожиа сифатида қатор асарларида (“Сароб”, “Ўтмишдан эртаклар”, “Ўғри”, “Бошсиз одам” ва ҳ.зо) Сорахон, Ғаффоржон, Фахриддин, Қобил бобо образлари қиёфасида мужассамлантирди. Уларнинг ҳаётини, қилиқларини, хатти-ҳаракатини фикрсизликнинг, мустақил фикрлай олмасликнинг оқибати сифатида бадиий анализ этган бўлса, Назар Эшонқул асарлари марказига қўйилган қаҳрамон тинимсиз фикрлайди. Фикрламаётган одам билан фикрлаётган одам образлари Абдулла Қаҳҳор билан Назар Эшонқул насрининг тескари пропационаллик ҳосил қилаётганини кўрсатади. Қаҳҳорда фикрсиз одам ва у яшаётган феодал муҳит танқидий қора фонда акс эттирилса, Назарда фикрлаётган одам ёруғ фонда, аммо у яшаётган бюрократик, мураккаб

механизмга эга тоталитар, социалистик жамият қора фонда тасвирланади.

“Ёлғизлик” қобиғига ўраниб қолган қаҳрамон фикр-ўйларини таҳлил этиш ҳам экзистенциал ва абсурд адабиётнинг бош бадиий хусусияти саналади. Ёзувчи қиссада журналдан ишдан кетган (қиссада бунинг сабаби ҳам кўрсатилмайди. Демак, анъанавий шарқ адабиётига хос каузал муносабат (сабаб-оқибат бадиий шартлилиги) бузилади. – Изоҳ бизники. – М.Қ.) қаҳрамоннинг ё ухлаб, ё китоб ўқиб, “туш бўлиб – тушга, ўнг бўлиб – ўнгга ўхшамайдиган апоқ-чапоқ хаёллар билан” юрган тунларини ҳикоя қилади. Бош қаҳрамонга қайсидир маънода муаллифнинг ўзи прототип бўлиб хизмат қилади. Шайтон аслида – социалистик тузум рамзи, Шайтоннинг шубҳаланиб, гумонсираб, ишончсизлик билан ёзувчининг ёзган ҳар бир нарсасини тинимсиз таъқиб қилиб, ўзи ҳақида ёзилаётган ҳар бир саҳифани цензурадан ўтказиши социалистик жамиятнинг тоталитар, таъқибкор, мафкуравий ҳаракатларининг рамзи сифатида талқин этиш мумкин. Зеро, социалистик жамият ўз мафкурасини, ўзининг ҳийла-макрларга тўла тузумини ўрнатиш учун ҳар кимдан ва ҳар нарсадан шубҳаланди, гумонсиради. Бу эса Шайтон ва Социалистик тузум ўртасидаги ассоциатив бадиий образлиликни ҳосил қилади. Ҳар иккаласига хос ҳийлагарлик, маккорлик, шубҳаланиш, таъқиб этиш, гумонсираш, ишончсизлик хусусиятлари ноўхшаш образлар ўртасидаги (Шайтон ва мавжуд Социалистик тузум) муштарак белгиларни намоён этиб турибди. Назар Эшонқул воқеликни зоҳиран кўрмайди. Воқеликнинг ботиний қиёфасини сезимли ва кўримли қилиб тасвирлайди.

Назар Эшонқулни катта авлод тушуниши қийин, назаримизда. Уни ёш авлод жуда яхши тушунаяпти. Мана ёш шоира ва тадқиқотчи “Оловранг туғён” китобига кирган “Назар Эшонқул ва руҳим босқичлари” эссесида нима деб ёзибди: “Мен фақат ўзига эмас, хаёлга беркинган одам эдим. Бироқ “ижодий қувват билан тўйинмаган, ижодга сафарбар этилмаган хаёл одамни ғарқ қилади” (Назар Эшонқул), фикрига монанд қанчалик хаёлга беркинсам, тушкунлик шунчалик руҳимга тушов соларди. Мен “Тун панжаралари”ни ўқидим. Анча пайт таъсирида юрдим. Вақт ўтиб ёзувчининг асар қаҳрамонига берган тавсифини ўқиб қолдим: “Ўзига беркинган одам”. Бутун асар мана шу тавсиф билангина тушунарли эди менга. Ўз руҳий ҳолатимни тушунгандек эдим. Ўша вақтдан бошлаб ичимга қандайдир янги ҳаво тўлаётганини сездим. Ахир, “Англанган нарса ўлимга маҳкум”. Мен ичимга беркинганимни тушундим, аммо йўлни ҳали кўрмасдим. Топган эътиқодимга маҳкамроқ ёпишдим. Ёпишганим сари у мени қаттиқроқ бўғар, ҳам мутаассибга, ҳам ўзига ишончи, буткул изғиланган майибга, мажруҳга айланиб қолдим... Бундай оғир, эзғин диққатпазлик олиб келган иситма мени ҳолдан тойдирди. Нима яхши, нима ёмонлигига инсон баҳо беришга ожиз, тўғри деб ўйлагани алалоқибат хато бўлиб чиқса, унда бундан, бундай эътиқоддан не наф?”[7]. Мана шу охирги жумла эътиборимизни тортди. Эътиқоди, ишонгани, интилгани, топингани ёлғон ва сохта бўлиб чиққан қаҳрамон, ахир, бу 70 йиллик мустабид тузумнинг ёлғонлигини, сохталигини англаб етган замондошларимиз қисмати эмасми? Назар Эшонқул “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссалари, “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романи ва ўнлаб ҳикоялари “Маймун етаклаган одам”, “Тобут”, “Оғриқ лаззати”, “Муолажа”, “Бевақт чалинган бонг”, “Ажр”, “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Эволюция”, “Баҳоуддиннинг ити” кабиларда алданган авлод изтиробини мураккаб метафоралар тили билан бадиий

ифодалайди. Асар қаҳрамонлари қаттол тузумнинг маҳв этилган, синдирилган авлодлари сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Тўғри, Назар Эшонқул давр ва қаҳрамон фожиасини анъанавий реализмнинг жуда кўп бора синовдан ўтган бадиий шартли воситалари билан эмас, янгиланган метафоралар, рамзий-мажозий тимсоллар тили билан очиб беришга уринади. Адабиётшунослигимизда 60-70-йиллар адабий авлоди ҳақида кўп ёзилди. Уларнинг бадиий маҳорати ва адабиётга олиб кирган янгиланишлари тўғрисида жуда кўп тадқиқотлар яратилди. Бугун ишонч билан айтишимиз мумкин. Ҳозирги адабий жараёнга 80-йиллар адабий авлоди (бу рўйхатда биз қуйидаги адибларни назарда тутаяпмиз: Шойим Бўтаев, Хуршид Дўтмуҳаммад, Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамро, Нурилло Рауфхон, Луқмон Бўрихон) ҳам қайсидир маънода янгиланиш ва тозариш фаслини олиб кирди. Уларнинг ўзбек прозаси соҳасидаги янгиланишлари модернча метафоралар, киноя ва истеҳзолар, сарказм ва фантасмагория, рамзий-мажозий тимсоллар, интеллектуал насрга хос руҳий таҳлил, “Ўз ичига беркинган одам”нинг бадиий моҳияти, фалсафий мушоҳадокорликка йўғрилган ўйчан ва мураккаб тасвирларда кўриниш беради. Улар анъанавий реализмни инкор этиб, ноанъанавий тасвирий ифодаларни ўз ижодий тажрибаларида синаб кўришди. Ҳар бир ёзувчи ўзининг кўзлаган бадиий мақсадига қадамма-қадам эришди ва эришаётир, десак хато бўлмайди. Улар чинакам маънода ҳозирги ўзбек насрига янги ҳаво олиб кирди. Бу тозариш ва янгиланиш ижодкорларнинг ўзига хос бадиий-услубий изланишларида яққол кўринади. Назар Эшонқул “Маймун етаклаган одам” ҳамда “Бевақт чалинган бонг” ҳикояларида рассом чол ва қоровул образлари ва уларнинг аянчли тақдири орқали совет ҳукуматининг таназзули, бу таназзулни англаб етган қаҳрамоннинг ички изтиробларини, руҳий оламини теран таҳлил этади. Бу иккала образ ҳам “Тун панжаралари” қиссаси қаҳрамони сингари ўзларининг ёлғиз ва чиркин дунёсига қамалиб олган. Демак, ёзувчи “ўзининг ичига беркиниб олган одам” образини ва унинг руҳий дунёсини теран таҳлил этиш мақсадида эпик турнинг турли жанрларида (роман, қисса, ҳикоя) ўзини синаб кўрди. Назаримизда, ёзувчи Назар Эшонқул экзистенциал ва абсурд адабиётга хос “ёлғиз инсон ва унинг тушунарсиз мавҳум дунёсини” тадқиқ этиш орқали ўзбек насрида янгича бадиий шартли тасвир ярата олди.

---

[1] Саримсоқов Б. Абсурд – маънисизликдир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2002. 27-сон.

[2] Мелиев С. Асл адабиёт эзгуликка хизмат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.

[3] Эшонқул Н. Альбер Камю / Мендан “Мен”гача — Тошкент: Академнашр, 2014. — 353-354.

[4] Эшонқул Н. Янги авлод овози / Мендан “Мен”гача — Тошкент: Академнашр, 2014. — 200-201.

[5] Эшонқул Н. Тун панжаралари // Ялпиз ҳиди. — Тошкент: Шарқ, 2008. — Б. 175.

[6] Эшонқул Н. Оламлар бирлашган макон / Мендан “Мен”гача — Тошкент: Академнашр, 2014. – Б. 14.


[7] Эшбоева Т. Назар Эшонқул ва руҳим босқичлари / Оловранг туғён. — Тошкент: Академнашр, 2017. — Б. 48.

Эътироф

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, мўғуллар даврини бошдан кечирган Қобул, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари даврида гуллаб яшнади. Бобурнинг кучли давлатчилик сиёсати ва ижтимоий, иқтисодий ва маданий тадбирлари натижасида Қобул янги исломий шаҳар қиёфасини касб этди. Шаҳар янги тикланиш босқичида қад кўтарар экан, қадим вайроналар устида янги бинолар, кўркам боғлар, ҳовузлар ва шаҳарлар қурила бошланди.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ АФҒОНИСТОН ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Азизуллоҳ АРРАЛ,
филолог,
журналист
(Афғонистон.
Қобул).



Темурийлар сулоласидан бўлмиш Султон Абусаид 1449-йил ўғли Улуғбек Мирзони бир фармон орқали Қобулистон ҳукмрони қилиб тайинлайди. Янги ҳукмрон Улуғбек Мирзо Қобул қалъасидан туриб, Ғазнадан Бадахшонгача бўлган ҳудудларни бошқара бошлайди. Унинг салтанати 1499 йилгача давом этади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур амакиси Улуғбек Мирзонинг 50 йиллик салтанат даври Қобулда осойишталик билан ўтади. Унинг замондоши Султон Ҳусайн Бойқаро шу пайт Ҳиротни илм-фан марказига айлантирган эди. Бу тараққиётидан хабардор бўлган Улуғбек Мирзо Қобулни Хирот билан рақобат қила оладиган даражага олиб чиқишга интилади ва санъат, маданият ва маърифатни ривожлантиришга қаттиқ киришади.

Улуғбек Мирзо вафотидан 2 йил ўтар-ўтмас, З.М.Бобур Қобулга етиб келади ва амакиси улгурмаган ишларни юксак дид билан амалга ошира бошлайди.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад отаси Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг 11 ёшида Андижонда тахтга чиқади. Аммо бахтга қарши турли ички низолар туфайли ватанини тарк этишга мажбур бўлади. У Амударёни кесиб Қундузга ўтади ва у ерда Хисравшоҳ аскарларини ўзига лашкар қилиб, Ҳиндикуш тоғларини ошиб, 1511 йили Қобулни урушсиз Муҳаммад Муқим Арғунийдан олади. Арғуний эса Қандаҳор томон қочиб кетади.

З.М.Бобур Қобулда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, бир томондан шаҳар ободончилигига катта эътибор бера бошлайди, бошқа томондан эса ўз кечинма ва хотираларини қоғозга тушириб боради. Натижада ҳам Қобул кўркам шаҳарга айланади ҳамда жаҳоншумул “Бобурнома” асарига пойдевор вижудга келади. Унинг туркий-ўзбекчада ёзилган бу оламшумул асари Шоҳ Жаҳон замонида Абдураҳимхон Хонон томонидан Қобул форсчасига таржима қилинади.

Бобур подшоҳ бу мўътабар асарида Қобулнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, жўғрофий вазияти, шунингдек, сувлар, дарахтлар, гуллар, гиёҳлар, дарёлар, боғлар, тоғлар хусусида аниқ ва тиниқ маълумотлар беради. Тарихчиларнинг фикрича, З.М.Бобур Қобулга икки жиҳатдан: ёқимли обҳавоси ва самимий, соддадил халқи туфайли қаттиқ кўнгил қўйган. Шунинг учун бўлса керак, у ҳатто оламдан ўтганидан кейин ҳам Қобулдан кўнгил узолмаслигини ҳис қилиб ўзини шу юртда дафн этишларини васият қилгандир.

Бобур подшоҳнинг нафақат давлатчиликда, балки санъат ва маданиятда ҳам диди баланд бўлган. Дастлаб унинг замонида қадим исломий кўринишдаги боғлар ва бинолар вужудга кела бошлаган. Боғлар саҳнида масжидлар, айвонлар, ҳовузлар бино этилган, ариқлар тортилган, йўлакларга мармар тошлар ўрнатилган. Мирзо Бобур бундай боғларга нафақат Қобулда, балки Истолиф, Истарғич, Пағмон, Жалолобод, Қандаҳор ва бошқа жойларда ҳам асос солган. Мисол учун: Бобур боғи, Шароро, Сафо, Маҳтоб, Оҳухона, Вафо, Жилвахона, Суратхона боғлари ҳамда Ўрта боғ, Чор боғ, Наврўз боғ, Бўстон сарой кабиларни санаб ўтиш мумкин. Бобур қурган ҳовузлардан «Мурғоби ҳовузи», наҳрлардан «Дарсан наҳри», ариқлардан «Жуйишер, Шоҳжуй, Боложуй», шунингдек, «Арги Болоҳисор» (қалъа), «Бобур тахти» диққатга сазовордир. Бобурнинг чевараси Жалолуддин Акбарнинг ўғли Жаҳонгир Шоҳ 1595-йилда Ҳиндистоннинг буюк шаҳаншоҳи

сифатида Қобулга қилган биринчи ташрифида бобокалони қурган шаҳарни кўриб ҳайратга тушади. Шаҳарнинг кўркамлиги, боғларнинг озодалиги Шаҳаншоҳни ўзига маҳлиё қилади. Жаҳонгир Шоҳ филдан тушиб Шароро боғига киraётганида ковушини ечиб боғни яланг оёқ кезиб чиқади. Бу ҳақда шаҳаншоҳнинг ўзи шундай ёзади: «Бу озода маконга ковуш билан кириш одобдан эмасдур.» Маълумки Шароро боғи Бобур подшоҳнинг аммаси Шаҳарбону Бегум томонидан қурилган ва Бобур даврида ушбу боғ қайта тикланган.

Бобур подшоҳ ҳукмронлиги даврида Қобул тижорат марказига айланиб, савдогарлар карвонлари Синд, Ҳинд, Чин, Рус, Форс ва Мовароуннаҳр ўлкаларидан турли буюм ва матолар олиб келиб савдо қилишган. Шаҳарнинг кўркамлиги, табиат манзаралари, ўттиздан ортиқ гул-лолалар тури мавжуд бўлгани, айниқса, ёқимли иқлими саёҳатчиларни ҳам ўзига жалб эта бошлаган. Ўша пайтда Қобулда уч тилда (ўзбек, форс ва пашту) тилларида иш юритилар экан.

Бобурнинг зироат ва боғдорчилик фанига меҳри шунчалик кучли бўлганки, қайси дарахт қандай иқлимда яхши ҳосил беришини кўп ва хўб билган. У олхўри ва олча кўчатларини шимолдан Қобулга ва у ердан жанубга олиб борган. У ерлардан эса шакарқамиш ва банан кўчатларини Қобул ва Жалолободга келтирган. Узум ва қовун экишни ҳатто Ҳиндистонда ривожлантирган.

З.М. Бобур Қобулда экан қаттиқ ва давомли силкинишлар (зилзила) гувоҳи бўлади. Бундай ер силкинишлари натижасида Қобул қалъасига катта шикаст етади, Пағмон туманига яқин Бетут ҳудудлари ер билан яксон бўлади. Бу вайронагарчиликдан қаттиқ таъсирланган Бобур аҳолини бундай табиий офатлардан қутқазиш чораларини ўйлай бошлайди. У тошдан қурилган уйлар ва гумбазлар ўрнида синч деворлик уйлар қуришни йўлга қўяди. Бу усул ҳозирга қадар ҳам Қобулда давом етиб келмоқда. Мисол учун Муродхоний, Боғи Алимардон, Чиндавул маҳаллаларида синч тарзида қурилган талайгина уйларни учратиш мумкин. Қобулда ганчкорлик санъати ҳам Бобур замонида ривожланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Қобулда 21 йил подшоҳлик қилганидан сўнг Ҳинд сари юзланади ва Ҳиндистонда эришган ютуқлари, шон-шавкатини Қобул баракатидан деб билади. У Қобулни Ҳиндистон дарвозаси деб таърифлаган ва “Қобул кимнинг қўлида бўлса, Ҳиндистон унинг қўлидадир”, деб айтган. Шу боис у бу шаҳарни фарзандларидан ҳеч бирига топширмай, уни ўзи учун хос макон сифатида асраган. Қобулда Бобур ҳукмронлигидан уч йил ўтгач, у «мирзо» лақаби ўрнига «подшоҳ» лақабини қабул қилади, ана шу йили унинг биринчи фарзанди Ҳумоюн дунёга келади.

Бобур подшоҳнинг Қобулда ўзидан мерос қолдирган қатор анъаналаридан бири боғ қилиш анъанаси 1880-йилларда Амир Абдулраҳмонхон ҳукмронлиги пайтида ҳам такрорланди. Амир шаҳар марказида Бўстон сарой, Гулистон сарой, Гардон сарой номли боғлар обод этган. Вафотидан сўнг уни «Бўстон сарой» боғига дафн этадилар.

Бобур авлодларидан, айниқса, Жалолуддин Акбар, Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳонларнинг боболари юрти Қобулга қизиқишлари катта бўлган, улар вақт-

вақти билан Қобулга келиб шаҳарга қарашиб туришган.

Бобур подшоҳ жаҳоншумул асарлар яратдики, улар ҳозир ҳам Афғонистонни дунёга танитишда муҳим хизмат қилиб келмоқда. Жумладан:

1. «Бобурнома», умрининг сўнгига қадар кўрган-кечирганлари ва ҳаёт тажрибаларини ўзида акс этган.

2. «Аруз рисоласи», бу китобда Бобур туркий ва форсий тиллардаги аруз вазни ва баҳри ҳақида сўз юритади.

3. «Мубаййин рисоласи», бу китоб таълим-тарбия масаласини ўз ичига қамраб олган.

4. «Волидия рисоласи», сўфийлар ахлоқига оид Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорий қаламига мансуб бу китоб Бобур подшоҳ томонидан таржима қилинган.

5. «Девони Бобур», туркий ва форсий шеърлар тўплами.

З. М. Бобур Ҳиндистонда 4 йил ҳукмронлик қилади, 1529-йилда оғир касалликка чалиниб, бир йил ўтар-ўтмас оламдан кўз юмади ва Аграда Арам боғига вақтинча дафн этилади. Қизи Гулбаданбегимнинг ёзишича, орадан 10 йил ўтиб раҳматли Бобур подшоҳнинг пуштун хотини Муборака Пупалзай Қобул ҳукмрони Шершоҳи Сурий ёрдамида унинг жасадини Аградан Қобулга олиб келиб «Бобур боғи»га дафн этади.

Бобур подшоҳнинг тарихий ўрни ва хизматлари ҳақида қатор жаҳон мутафаккирлари билдирган фикр-мулоҳазалардан айримларини келтириш билан кифояланамиз:

Машҳур шарқшунос инглиз олими Уиллиам Арскен, Бобурни Афғонистон ва Ҳиндистон маданиятининг буюк асосчиси сифатида тан олади ва тадбирли ҳукмрон бўлганига ишора қилади ўзининг «Эрон ва Бобур» асарида. Муаллифга кўра, Бобур Қобулда сув иншоотини устакорлик билан йўлга қўйгани боис шаҳар йилнинг тўрт фаслида ҳам сув билан таъминланиб турган. У яна Бобурнинг уруш маҳоратлари ҳақида гапириб, қурол-яроғлар турларини яхши билгани, қилич, найза, қалқон, палахмон, тир ва камон, гурзи, зирҳлар билан лашкарини таъминлагани урушларда тезда ғалаба қозонишига сабаб бўлганига ишора қилади.

Афғонистонлик пуштузабон муҳаққиқ, доктор Абдулҳай Ҳабибий «Заҳируддин Муҳаммад Бобур Шоҳ» номли китобида, Бобур шахсияти ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай ёзади: «Бобурнинг шижоати ва қаҳрамонлигини Андижон шоҳлигидан Ҳиндистон Шаҳаншоҳлигига кўтарилганининг ўзи кўрсатиб турибди. Унинг маданиятпарварлиги эса ўзидан мерос қолдирган бебаҳо асарларида намоёндир».

Бошқа бир афғонистонлик ўзбек қаламкаши Абдуллоҳ Коргар Бобур подшоҳ ҳақида ёзган китоби «Шаҳаншоҳи Суханвар»да Бобур Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистондаги 16-асрнинг буюк адиби, шоҳи ва саркардаси бўлганини эътироф этади ва унинг адабий фаолиятларидан бири бўлмиш «Хати бобурий» ҳақида сўз юритиб: «Бобур янги бир ёзув шаклини яратди, унга “хати бобурий” деб ном қўйди. Аммо бу хатдан мақсади нима бўлгани ҳанузгача номаълум, бироқ ушбу хат ҳақида Бобурномада бир неча жойда зикр етилган» деб ёзади. Маълумки, З.М. Бобур «Хати бобурий»ни Қобулда ижод этган ва у 29 ҳарфдан иборат бўлган.

ТИЛ – МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Маърифатпарвар аждодимиз Абдурауф Фитрат “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 12 июндаги 32 сонида эълон қилинган “Тилимиз” номли мақоласида шундай деб ёзади: “Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча. Шоирлик қилмоқчи эмасман, сўзнинг тўғриси шудир. Дунёнинг энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили яна шу туркчадир”.

Чиндан ҳам, ўзбек тилининг кенг имкониятини илғай олган ижодкор унинг эътироф этилиши, эъзозланишини хоҳлаши ҳақли эди. Бугун эса ана шундай эзгу орзуларнинг рўёбга чиққани — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига йигирма бир йил бўлди.


Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори Бахтиёр МЕНГЛИЕВ билан суҳбатимиз кишилик жамиятида тилнинг пайдо бўлишидан тортиб, ўзбек тилининг қадим тарихи, бугуни, қолаверса бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида бўлди.

— Ўзбек тили қадим тарихга эгалиги кўпчиликка маълум. Аммо ҳамма ҳам унинг чуқур илдизидан хабардор эмас. Суҳбатимиз аввалида тилимизнинг пайдо бўлиш тирихи ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Маълумки, ўзбек тили бошқа туркий тиллар билан умумий илдизга эга. Қарлуқ қавмларининг лаҳжалари турли даврда ўғуз, уйғур, қипчоқ каби тур-



кий, шунингдек, эроний, араб, мўғул каби нотуркий қавм вакиллари лаҳжаларини ўзига сингдириб, IX-X асрдан эътиборан бошқа туркий тиллардан фонетик, лексик-грамматик жиҳатдан фарқланувчи тил сифатида ажралиб чиқа бошлайди. Ўзига хос шакл-шамойилдаги бу тил мустақил тараққиётга юз тутган. Асосий негизини Ўзбекистон ҳудудида яшовчи туркий халқнинг қарлуқ тоифасига мансуб аҳоли ташкил этган қорахонийлар давлатининг ўрнатилиши ва унда расмий сарой тили сифатида, Маҳмуд Қошғарий таъбири билан айтганда "турки хоқоний"-нинг эътироф этилиши юқоридаги фикрнинг далилидир. Эски туркий тил атамаси билан юритилган бу тил туркий, шарқий туркий, чиғатой тили каби номлар билан ҳам аталган. Аммо унинг умумтуркий тилдан ажралиб, алоҳида яхлитлик мақомига кўтарилганлигини, бошқа туркий тиллардан фарқли хусусиятини асослаш, фонетик, лексик-грамматик хусусиятларини тавсифлаш ижтимоий, қолаверса, улкан маънавий-мафкуравий аҳамиятга эга эди ва у давр талаби сифатида намоён бўлди. Бу вазифани адо этиш туркийлардан етишиб чиққан, XI асрда яшаб ўтган тилшунос Маҳмуд Кошғарий зиммасига тушди. Бежиз у "туркийшуносликнинг отаси", "туркийшунослик баҳодири" сифатлари билан улуғланмаган.



Маҳмуд Қошғарий қорахонийлар давлати халқини турк (турклар) атамаси билан қайд қилди, уларни ва уларнинг тилини, аввало, шу минтақада яшаётган ўғуз, туркман ва уйғур каби қавмлар ҳамда уларнинг тилларидан фарқлади. Айни шу тил бугунги ўзбек тили, дилбар она тилимиз эди.

Машҳур туркийшунос олимлар В.Радлов, А.Кононов (Россия), Маҳмед Фуад Кўпрулузода, Аҳмад Арат, Басим Аталай (Туркия), Кари Броккельман, Анна Мари фон Габен (Олмония), Йилий Немет (Можористон), Карл Менгес, Омелян Притсак (АҚШ) кабиларнинг таъкидлашича, қарлуқ (ўзбек) тили «Қутадғу билиг» ёки «Девону луғотит турк»да акс этган ҳолатига келиши учун камида 300-500 йиллик анъанага эга бўлмоғи керак. Бу эса ўзбек тилининг илдизи эрамизнинг 5-6 асрига бориб тақалиши ҳақидаги хулосага келишга асос бўлади. Демак, тилимиз илдизларини минг йиллар наридан излашимиз лозим.

— Биламизки, дунёда ҳозирги кунда умуман истеъмолда бўлмаган бир нечта тил ҳам бор. Ҳатто дунёда баъзи тилда 2-3 кишигина гаплашар

экан, холос. Сизнингча, тилнинг истеъмолдан чиқиши ёки йўқолиб боришининг асосий сабаби нима?

— Дунёда тахминан 3000 дан (баъзи манбада келтирилишича, улар 7000 мингга яқин) ортиқ тил бор. БМТ расман 2976 тилни қайд этган. Тилларнинг айримида бир неча ўн, ҳатто юз миллионлаб киши гаплашса, баъзисида бир неча минг, юз, ҳатто сиз айтгандек, саноқли кишигина гаплашади. Масалан, Конгода аҳоли 500 тилда, Индонезияда 250 тилда, Суданда 117 тилда гаплашади. Хитой тилида ҳозирги кунда бир миллиардга яқин киши сўзлашса, чукот ва веле тилида бор-йўғи бир неча юз минг киши мулоқот қилади, холос. Ёки Доғистонда 1 млн. дан ортиқ киши бўлиб, улар 40 га яқин тилда гаплашади. 2002 йилда Россияда ўтказилган аҳоли рўйхати натижасига кўра, Доғистондаги багулал тилида 40 киши, чамала тилида 12 киши, кайтагц тилида эса 5 киши гаплашиши аниқланган. Янги Гвинеяда деярли ҳар бир қишлоқ ўз тилига эга.

— Яна бир гап. Тил оламида тирик ва ўлик тиллар фарқланади. Тилларнинг истеъмолдан чиқиб кетгани ўлик тил ҳисобланади. Масалан, лотин, санскрит, қадимги славян, қадимги араб, қадимги форс, қадимги хоразмий, сўғд тили ва бошқалар шулар жумласидандир. Тилнинг “ўлиши” турли хил ижтимоий-сиёсий жараён, тил тараққиётидаги мужассамлашув (яқин тилларнинг қўшилиб кетиши) каби омиллар билан боғлиқ. Масалан, лотин тили қадимги Рим империясининг расмий тили сифатида мавжуд бўлган. Империя емирилгандан кейин астасекин ўлик тилга айлана бориб, ҳозирги даврда унинг қолдиқлари илмий атамалар сифатида учрайди, холос. Шунингдек, мужассамлашув тамойилига кўра, йирик тил баъзи кичик тилларни “ютиб” юбориши ҳам мумкин. Айрим кичик тил ўз соҳибларининг ижтимоий муносабатга киришувига халал беради. Натижада бундай тил цивилизация тақозосига кўра истеъмолдан чиқиб кетади.

— Одам зоти яратилибдики, сўзга эҳтиёж бор. Улар бир-бирлари билан фикр алмашиш, ахборот етказиш учун ҳам оғзаки нутқдан фойдаланишади. Бизгача етиб келган кўплаб манбалар эса ёзма нутқнинг ривожланиш тадрижини ҳам маълум қилади. Кўпчиликни қизиқтирадиган савол эса илк аждодларимиз қандай сўзлардан фойдаланишган ёки қайси тилда гаплашишган экан?

— Мамлакатимиз мустақиллигидан кейин жамиятимизда рўй берган маънавий-мафкуравий ўзгаришнинг энг муҳимларидан бири мафкуравий яккаҳокимликка барҳам берилиб, плюрализмга кенг йўл очилганлигидир. Бу ҳолат тилнинг пайдо бўлиши, унинг ижтимоий вазифаси масаласига муносабатда ҳам яққол кўзга ташланади.

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига ёндашув ҳар хил бўлган. Биологик ёндашув тарафдорлари экилган кўчат бир кун вояга етиб, вақти келганда мева бергани каби киши ҳам маълум бир ёшга етгач, табиий равишда гапира бошлайди, деб ҳисоблашади. Бу ғояни XIX асрда Европа олимлари илгари суришган. Ҳолбуки, унинг асоссизлиги улуғ бобокалонимиз Акбаршоҳ томонидан ўз вақтида исбот қилинган эди. Шоҳ олимларнинг туганмас баҳсу мунозараларига чек қўйиш мақсадида турли дин ва миллатга мансуб 12 та чақалоқни соқов энагалар ёрдамида 5-6 ёшгача жамиятдан ажратиб тарбиялаган. Вақти келиб, болалар олимлар ҳузурига олиб кирилганда, улардан бирортаси ҳам гапира олмаган ва кейин ҳам гапиришни ўргана олишмаган.

Муаммо қадимги мифологик дунёқарашларда ҳам, диний ва ило-

ҳий таълимотлар замирида ҳам ўз ифодасига эга. Манбаларда қайд этилишича, қадимги Ҳинд, Чин, Миср, Бобул, Эрон, Юноннинг, ривоят, қўшиқ ва эртакларида ҳам тилни буюк ғайритабиий зот яратгани ва ўз бандаларига марҳамат сифатида туҳфа этгани ҳақида ҳикоя қилинади. Яҳудий, христиан ва ислом муқаддас китоблари ҳам тилнинг пайдо бўлиши ҳақида турлича талқинлар мавжуд.

Тилнинг, ундаги сўзларнинг пайдо бўлиши ҳақида ислом оламининг муқаддас китоби — Қуръонда маълумот бор. Таъкидлаш жоизки, Қуръон оятларида Аллоҳ таоло Одамга тилни, баённи (фикрни ифодалашни) ўргатганлиги кўп оятларда таъкидланади. Бу оятлар – тилнинг илоҳий, ғайритабиий ҳодиса сифатида қаралишининг ёрқин ифодаси. Ислом олами, мусулмон тафаккури Аллоҳнинг ўзи одам (Ато) ни ва барча оламни яратгани каби тилни ҳам сирли ва илоҳий йўсинда яратганига шубҳа қилмайди. Қуръондан кейинги исломий назарияларнинг барчасида ҳам тилнинг ривожланиш манбаи иккита — Аллоҳ ва инсоният, жамият эҳтиёжи эканлиги таъкидланади. Аллоҳ тилни, унинг ички қонуниятини белгилаган ва Одамга берган. Одам фарзандлари ҳаёт ва жамият талаби асосида уни Аллоҳ белгилаган қонуният (янги сўз ясаш, бошқа тилдан сўз қабул қилиш, сўз ва қўшимчани бошқа — кўчма маънода қўллаш, ижтимоий келишув, шоир, воиз ва адиблар нутқининг таъсири в.ҳ.) асосида бойитиб, ўз эҳтиёжига мослаштирган.

Ислом теологиясида тилнинг пайдо бўлиши ҳақида изҳор, илҳом ва табиий назария тарафдорлари муҳокама юритишган. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломалар табиий назария тарафдорлари эди. Умуман олганда, тилнинг жамиятда мавжуд бўлиши ва унга боғлиқ равишда ривожланиши диний талқинларда ҳам, дунёвий илмда ҳам инкор этилмайди.

— Ўзбек тили турли замонларда турли даражада яшаб келди. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий даврида эса улуғ мавқега эришди. Аммо буни қарангки, тилимиз имкониятларини кенг тавсифлаб берган мутафаккир шоирнинг бадиий меросини биз — бугунги авлод шарҳсиз тушунишга қийналамиз. Демакки, давр ўтган сари тил ҳам ўзгариб бораверар экан-да?

— Тил ҳамиша тараққиётда. Агар у тараққий этмаса, ўлик тилга айланиб қолар эди. Она тилимизни 5 аср олдинги ҳолатида тўлиқ тушунмаслигимиз табиий. Ҳатто ўз даврида адабий тилнинг юксак намунаси бўлган Навоий асарлари тилини унинг барча замондоши ҳам тўлиқ тушунавермаган, аслида.

Ўзбек маданиятининг юксалиш даври бўлган XIV-XV асрда шаклланиб бўлган тилимиз такомиллашиш пиллапоясига қадам қўйди. Бу даврда ўзбек бадиий адабиётининг юксак намуналари яратилди. Адабий ва жонли сўзлашув тили орасида фарқ кучайди. Бу эса бадиий адабиётнинг эркин оммалашувига таъсир кўрсатмасдан қолмади. Шунингдек, туркий тил тарихида туркий билан ўзбек қипчоқ лаҳжаси аралашувидан иборат “қарлуқ-қипчоқ қоришуви” юз берди. Натижада давр луғатчилик амалиётини йўлга қўйишни тақозо қилди. Турли луғат яратиш давр талабига айланди. Хусусан, Алишер Навоийнинг улкан илмий ва адабий меросини ўрганиш, таҳлил қилиш — сўзларнинг маъносига, қўлланишига эътибор бериш, изоҳлаш, лисоний, маърифий қийматини очиш, асарларнинг таржимаси каби масалалар билан шуғулланиш бу давр лексикографиясининг мақсад ва вазифаси бўлди.

Айниқса, яратилган луғатлар сирасида Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ко-

тиби астрободлик Низомиддин Муҳаммад Ҳоди ал-Ҳусайни ас-Сафавий (Мирзо Меҳдихон)нинг «Санглоҳ» (1760) луғати алоҳида аҳамият касб этади. Анъанадагидек, бу луғатдан «Мабони ул — луғат, яъни сарфи ва наҳви луғати чиғатой» номи билан эски ўзбек тилининг грамматикасига оид тавсиф ҳам ўрин олган. Луғатда, асосан, шеърий матндаги, шунингдек, Лутфий, Бобур асарларидаги тушунилиши қийин бўлган сўзлар изоҳига, уларни форс тилига таржима қилиш муаммосига эътибор қаратилган. Айтиш керакки, шарҳ ва луғат масаласи айни пайтда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ.

— Адабий тилимизга зарур ёки зарур бўлмаган чет сўзни олиб кириш ёки оммалаштириш ҳам тилимизнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Адабий тилни соф сақлаш учун нимага кўпроқ эътибор қаратиш керак деб ўйлайсиз?

— Глобаллашув маданиятлар қоришуви, синтези ҳам демакдир. Масалан, буни бугун Ғарб ва Шарқ маданиятлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ўзга тилдан кўплаб сўзларнинг кириб келиши мумкин. Тил қонунияти шундай, ҳаётимизга четдан кираётган нарса ўз номи билан келади. Қанча қаршилик қилсангиз ҳам, уларни тўхтатиш қийин. Аммо ўз тилимиздаги мавжуд сўзни бегона сўз билан алмаштиришга йўл қўймасликнинг иложи бор ва у жуда зарур. Бунда таълим ва тарбия, бадиий адабиёт ҳамда ОАВнинг роли беқиёс. Олинаётган сўз тилдаги бўшлиқни тўлдирса — фойдали, бироқ унинг она тилимиздаги бирор сўзнинг ўрнини эгаллашига йўл қўймаслик керак.

— Чиндан ҳам тил — миллат тимсоли, халқ ғурури. Мана, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ҳам 21 йил бўлди. Халқимиз ўз тилига тўла маънода эга бўлмоқда. Устоз, сизни тилимизнинг бугунги ҳолатида нималар қувонтиради-ю, нималар ўйлантиради?

— Илк ўрта асрларда бор-йўғи қабила тили бўлган кўҳна ўзбек тилимиз мураккаб тарихий тараққиётни бошидан кечириб, давлат тили, давлат рамзи, миллий яхлитлик омили, миллий маданият ва маънавиятни ифодаловчи ҳамда уларни аждодлардан авлодларга етказувчи, миллий тафаккур ва миллатлараро алоқа воситаси (халқ тили), ахборот технологиялари тили даражасига кўтарилганлигидан фахрлансак арзийди. Бироқ тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, фойдаланиш самарасини ошириш борасида муаммолар талайгина. Фанимиз бу борада оқсамоқда. Масалан, мактаб таълимидаги она тили дарсида ўқувчининг онги фақатгина тилшуносликка доир назарий тушунчалар билан тўлдирилмоқда. Ахир, биз мактабда тилшунос олим тайёрламаймиз-ку? Аслида болаларимизни она тили имконияти билан қуроллантириш, уларда равон, тўғри, мантиқли ва чиройли сўзлаш, ёзиш малакасини шакллантириш ва ўстириш, тафаккурини, мулоқот маданиятини ривожлантириш масаласига асосий эътиборни қаратишимиз лозим. Ҳозирча улар чиройли ва маданий нутқ ҳамда мулоқот маданиятини хорижий тиллардан дубляж қилинган сериалларимиздан ўрганишмоқда, холос. Шунингдек, она тилимизни халқаро ахборот технологиялари тизимига йўналтириш — мутлақо кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Бу борада ҳали айтишга арзигулик иш қилингани йўқ. Хуллас, мутахассислар она тилимизнинг амалий жиҳатларига кўпроқ аҳамият беришлари лозим, деб ўйлайман.

Ширинoй ҒАНИЕВА
суҳбатлашди.

“Эмасдур ҳеч нимарса ғеирода”



Зуҳал РЎЗИЕВА,
журналист.

Болалик чоғларимни эсласам сочи ҳам, ўзи ҳам оппоқ ушоқдеккина Розия момом ёдимга тушаверади. Одатда ёз фасли(мактабдан таътилга чиққанимиздан сўнг)да бизни тоққа – Кунижувозга юборишарди. Шаҳарга яқин жойда яшаганимиз учундир, сояки дарахтга ўхшаб рангпар ва ниммажон болалар товдан қайтгач, анча-мунча сиёқга кириб қолардик. Чафақат тоза ҳаво, табиий неъматлар боис жисмонан қувват олардик, балки маънавий дунёмиз ҳам алланечук ўсарди. Сабаби биз шаҳарда эшитмаган оҳангларни ўша ердан топардик.

Юзга яқинлашиб қолан Розия момом мевалари марвариддек товланиб турган катта тут дарахти остидаги супада уззукун ўтирардилар. Шунчаки эмас, қўшиқ айтиб. Беш қиз орасидаги ёлғизгина ўғиллари навқирон ёшида вафот этгани учунми, кўпинча ғамгин нола қилардилар. Мен буни шўрлик онанинг дил доғи деб англар, баъзан момомга қўшилиб йиғлардим. Бу қўшиқларни унинг ўзи тўқиган деб ўйлардим. Аммо...


Йиллар ўтди. Розия момом вафот этганидан кейин ҳам кўп сувлар оқиб кетди...

Улғайгач, озми, кўпми, китобларни варақладим. Айниқса, юртимизда туғилиб ўсган улуғ зотларнинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб бордим. Буни қарангки, Сўфи Оллоёрнинг бадиий меросини мутолаа қила туриб, “момомнинг ашуласи”ни ўқиб қолдим:

...Сифотининг бирисидур ирода,
Муни билган киши етгай мурода.
Қадалса бир тикан ё тушса бир қил
Иродасиз эмас ҳеч иш, яқин, бил.

Агар мўре қўяр ер устига по,
Ва гар бир заррача қум бўлса бежо
Булардин ё кичикдур ё зиёда,
Эмасдур ҳеч нимарса беирода...

“Саботул ожизин” асаридан олинган бу парча менинг ўша ширин болалик хотираларимни уйғотиб юборди. Демакки, бизнинг нафақат боболаримиз, моможаримиз ҳам китобхон бўлишган, Сўфи Оллоёрнинг асарларини ёддан билишган. Ёшлик қилиб шу ғанимат момолар билан кўпроқ суҳбатлашмаганим, улар ўқиган китоблар ҳақида сўрамаганим бугун армон бўлди...



Турли манбалар, китоблар, тадқиқотлар орқали бу улуғ зот ҳақида тўлиқроқ билишга интиляпман. Уларда ёзилишича, Сўфи Оллоёр 1644 йилда Самарқанддаги Каттақўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида дунёга келган экан. У дастлаб ўз қишлоғида савод чиқариб, сўнгра 12 ёшида Бухородаги Жўйбор мадрасасида ўқишни давом эттиради. Сўфи Оллоёр беқиёс иқтидор соҳиби, закийлиги туфайли Бухоро хонининг эътиборига тушади. 25 ёшида хонликнинг божхона-солиқ тўралиги лавозимига тайинланади. У бу лавозимда фидоийлик билан ишлаб, хонлик хазинасини бойитишга ҳисса қўшади. Хоннинг мақтов ва мукофотларига ҳам сазовор бўлади, лекин оддий фуқароларнинг қийинчиликларини, хонликдаги баъзи мансаб аҳлининг ноҳақликларини кўриб ўз вазифасидан ўз хоҳиши билан воз кечиб, тақво йўлини тутишга аҳд қилади. Тасаввуф йўлини танлайди. Қуйидаги мисраларни мутафаккир шоир кейинроқ ўша солиқ йиғувчи бўлиб ишлаган даврларини эслаб, афсуслар билан ёзган бўлса, не ажаб.

Илоҳо, бандаман, бечорадурман,
Ҳавойи нафс била овворадурман.
Эрурман барча нуқсонимга иқрор,
Мусулмон ўғли қилмас ишларим бор.

Зотан, қалбан шоир, олим бўлган одам халқнинг ночор аҳволини кўриб туриб ҳам юраги эзилмаслиги, Аллоҳга муножот қилмаслиги имконсиздир.

Сўфи Оллоёр ўша даврнинг улуғ олими, шайх Ҳабибуллоҳ қўлида 12 йил таҳсил олиб, тариқат сирларини ўрганиб, ўзи ҳам шайхлик (муршидлик) даражасига етади. Халққа шариат ва тасаввуф таълимотини тушунтириш

мақсадида (Панжикент, Ургут, Шаҳрисабз, Ғузор, Дехқонобод, Бойсун, Шеробод, Қабадиён, Қоратегин, Ҳисор, Деҳнов ва бошқа шаҳару қишлоқларга) сафар қилади. У ерларда бир неча йиллар яшаб, 1724-йилда Катта Вахшивор, ҳозирги Олтинсой туманида вафот этади.

Бу улуғ зот «Маслак ул-муттақин» («Тақводорлар маслаги»), «Мурод ул-орифин» («Орифлар муроди»), «Маҳзан ул-мутеъин» («Итоаткорлар хазинаси») асарларини форсийда, «Сабот ул-ожизин» («Ожизлар саботи»), «Фавз ун-нажот» («Нажот тантанаси») маснавийларини туркий тилда яратган. Форсий ва туркийда битилган яна бошқа шеърлари ҳам мавжудлиги таъкидланади. «Мевалар мунозараси» номли манзума ҳам унга нисбат берилади.

Адабиётшунос Эргаш Очиловнинг маълумот беришича, Сўфи Оллоёрнинг шоҳ асари «Маслак ул-муттақин» бўлиб, 12 минг байт, 135 та каттакичик бобдан иборат. Илоҳий маърифатнинг бадиий талқинига бағишланган бу асар эл орасида шуҳрат тутганидан сўнг дўсту яқинлари ундан туркий тилда ҳам шундай бир китоб ёзишни илтимос қиладилар. Бунга жавобан у «Маслак ул-муттақин»ни бирмунча қисқартириб, ўзбек тилида назмда битган ва унга «Сабот ул-ожизин» деб ном берган. Асарларида ислом аҳкомлари, тариқат талаблари, инсоний комиллик шартларини бирма-бир таърифлаб берган.


Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ахлоқий-таълимий аҳамияти юксак бўлгани учун ҳам «Маслак ул-муттақин» ва «Сабот ул-ожизин» асарлари мактаб ва мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитилган экан. Унинг диний-тасаввуфий руҳдаги панду ҳикматга йўғрилган асарлари нафақат Туркистон, балки Қашқардан тортиб Этел (Волга), Ёйиқ (Урал) дарёлари воҳалари, Ҳожитархон (Астрахан), Булғор, Оренбург ва бошқа минтақаларда яшовчи халқлар орасида ҳам кенг тарқалган. Улар кўп нусхаларда кўчирилган. 19-асрнинг охирларига келиб эса Тошкент, Қозон, Боку, Истанбул ва бошқа шаҳарларда тошбосма йўли билан бир неча марта босилиб чиққан.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани Вахшивор тоғ тизмалари орасида Сўфи Оллоёр зиёратгоҳи жойлашган.1710 йилларда етти нафар халифаси билан мазкур қишлоққа келган ҳазрат бу жойни маскан тутиб, масжид қурдиради. Синчли пахсадан қурилган масжид хонақох, икки томонли айвон ва қўшимча хоналардан иборат. Шимоли-шарқий томони ҳашаматли бўлиб, меҳробсимон равоқлар ишланган. Эшиклари тепасидаги табандонлар ганчкор панжара билан безатилган. Мажмуа ҳовлисида Сўфи Оллоёр даврида экилган тут дарахти ҳамон кўкариб турибди. Зиёратгоҳдаги Қорабулоқ сув ҳавзаси 300 йилдан буён халқни тоза ичимлик суви билан таъминлаб келмоқда.

Баъзан ўйлаб қоламан, қанийди ҳозир ҳам оилавий китобхонликлар бўлса... Фарзандларимиз “Мағзи Қуръон” дея таърифланган асарлар руҳида камол топишса...

Ҳали ҳам чекка-чекка ҳудудларимизда Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавийнинг асарларни ёд билган кексаларимиз борлигига шубҳа қилмайман. Афсуски, биз кейинги авлод бу борада мақтангулик эмасмиз. Ғаниматларимиздан ўрганиш, улуғ аждодларнинг бебаҳо хазиналари — китобларини мутолаа қилиш ҳар биримиз учун бурчдир.

Ҳаётда шундай дамлар бўладики, юракнинг туб тубидан зиёратга бир эҳтиёж туғиладики, бундай пайтда улуғ зотларнинг табаррук масканларига бориш қалбга ҳаловат бағишлайди. Айниқса, бу зиёратгоҳнинг обод гўшага айлантирилгани ҳам меҳмонларга хуш кайфият улашади. Яқинда зиёрат умидида Занги ота мажмуасига йўл олдик.



Зиёрат одобини биласизми?

Яшнар МЎМИНОВА,
журналист.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган давр мобайнида мазкур тарихий-меъморий мажмуасида кенг кўламли тиклаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Унинг майдони кенгайтирилиб, зиёрат ва саёҳат илинжидагилар учун кўзни қувнатувчи обод масканга айлантирилди. Мажмуа ҳудудида 1000 ўринли янги масжид биноси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллигининг биноси, 40 ўринли таҳоратхона, эски ҳовуз ўрнига 2 та фаввора, 2 та миллий услубда лойиҳалаштирилган шийпон, тегишли коммуникация тармоқлари (иссиқлик, ичимлик суви, оқава-чиқинди суви, электр, алоқа, ёритиш), ер ости ўтиш йўли, автотўхташ жойи, 50 ўринли 3 қаватли меҳмонхона, 70 ўринли чойхона, икки қаватли минимаркет ва ўндан ортиқ миллий ҳунармандчилик савдо дўконлари, новвойхона, деҳқон бозори, ошхона меҳмонлар хизматида. Зотан, бу гўшага нафақат юртимиздан, балки жаҳоннинг турли давлатларидан сайёҳ зиёратчилар ташриф буюришади. Бундай шарт-шароитлар, албатта, улуғ аждодимизга ҳурмат рамзи, қолаверса, бугунги меҳмоннавозлик тимсоли ҳамдир.

Улуғ алломанинг ҳаёти ҳақида халқ орасида турли ривоятлар юради. Улуғ каромат ва илм соҳиби бўлган зот ҳазрат Занги ота билан боғлиқ бир неча ҳикоят ва ривоятлар ҳам мавжуд.

Нақл қилинишича, Занги ота чақалоқлигида ота-онаси Хожа Аҳмад Яссавий хузурларига олиб боришган. Шунда тасаввуф алломаси гўдак ҳақига дуо қилиб, "Ҳар бир эзгулик аввал сизга, сўнгра бизга бўлсин, Оллоҳу акбар!" — деган экан. Мана шу ривоятнинг узвий давомини Амир Темур давридаги воқеа билан боғлашади.

Тарихдан маълумки, Занги ота зиёратгоҳини Амир Темур бунёд этган. Ривоят қилишларича, улуғ соҳибқирон Туркистонга бориб, Хожа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилгач, пири комилнинг қабри устига мақбара қуришга фармон беради. Амри шоҳ вожиб бўлиб, тез фурсатда курилиш ишлари бошланиб кетади. Мақбара пойдевори устида девор қад кўтаради.

Эртаси эрталаб усталар уйқудан турганларида не кўз билан кўрсинларки, кечагина қад кўтарган девор ағдарилиб, ғиштлар ҳар томонда сочилиб ётарди. Бу ҳолатдан ҳамма ҳайрон. Наҳотки ғишт теришда хатога йўл қўйилган бўлса...


Усталар яна ишга киришиб, деворни қайтадан тиклайдилар. Аммо эртасига яна ўша аҳвол такрорланади.

Бу воқеадан Амир Темур воқиф бўлиб, ҳайратланади. Ўша кунларда подшоҳ туш кўради. Тушида бир нуроний қария Амир Темурга яқин келиб: "Эй Амир, мақбарани аввал Занги отага қургин, сўнгра Хожа Аҳмад Яссавийга қурасан. Шунда у бузилмайди. Зеро, Занги ота туғилгач, уни Хожа Аҳмад Яссавийга кўрсатишган ва ундан суюнчи сўрашган. Ўшанда ул зот "Бу гўдак мендан ҳам улуғ бўлсин", деб дуо қилганлар" дейди.

Шундан сўнг соҳибқирон, аввало, Занги ота мақбарасини қуришга фармон берган экан. Мақбаранинг ғиштини аскарлар Самарқанддан ёнма-ён туриб, қўлма-қўл узатишган, деган фикрлар ҳам бор.

Аммо зиёрат давомида дилимизни хира қилган бир ҳолат ҳақида ҳам фикр билдирмасак виждондан бўлмас. Тўғри, Занги ота мажмуасига бугун кунига юзлаб одамлар ташриф буюришади. Кўнгилни поклаш, аждодлар руҳига тиловат ўқиш мақсадида ёки шунчаки саёҳат учун бораётганларни тушунамиз. Фахрланиб айтамизки, бизнинг юртимизда туристларнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлаётган гўшалар кўп. Аммо минг таассуф: бундай табаррук масканларимизни асраб-авайламайдиган, уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлмайдиган, бир сўз билан айтганда зиёрат одобини билмайдиган ҳамюртларимиз ҳам бор экан. Шундайларнинг тарбиясизлиги оқибатида зиёратгоҳнинг гўзал шаршараларидаги дид билан жойлаштирилган рангин тошлар турли ёзув ва исмлар билан тўлиб кетган. "Эй, инсофсиз, бу улуғ маскандаги тошга ўз номингни ўйиб ёзаётганингда қўлинг қалтирамадими? Бу беадабликдан юзинг қизармадими?" дейдиган одам йўқ. Ҳар тугул, ёш авлодга муқаддас жойларда ўзини тутиш одобини ўргатиш ҳам давр талаби бўлиб турибди.

Мана шундай дилхираликларни ҳисобга олмаганда бу мажмуага ташриф буюрган инсон қалбан тозаланиш баробарида атроф гўзаллиги, нақшинкор обидалар мафтункорлиги олдида руҳан енгиллашади. Бу дунёда пок яшаб пок ўтган, илму амали бир авлиёсифатларнинг қабрларини зиёрат қилиш асносида шу муқаддас жойларда бир лаҳза бўлсада инсоннинг хаслигини, кибру ҳаво, молу давлат ўткинчилигини, инсониятнинг омонат умрни бефойда амалларга сарфлаши нечоғли ачинарли эканини ҳис қиламиз. Қолаверса, фоний майлларни деб одамзот бир-бирининг дилини вайрон қилиши, ҳатто айрим давлатларда хунрезликлар содир бўлаётгани нечоғлик маънисиз эканини яна бир бор юракдан ўтказасан киши. Ҳар ҳолда Аввало Аллоҳ олдида, сўнг мана шу авлиёсифат аждодларимизнинг руҳи поклари олдида буқаламун бўлишдан бироз хижолат тартиш, виждон амри ва чин эътиқод билан яшашга нима етсин?! Занги ота зиёратгоҳидан қайтар эканмиз, ўз эътиқодимиз ва виждонимиз олдида сарбаланд турмоқ, фақат тоза қалб билан яшаш бурчимиз экани яна ва яна кўнглимиздан ўтади.



Бобур подшоҳ ижоди болажонлар тилида

Нигора ТУРДИҚУЛОВА,
ўқитувчи.



"Бешиги мустаҳкам эл хор бўлмайди" дейди доно халқимиз. Шу боис ҳам бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи ва тарбияланувчилар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳатто айни шу соҳа билан шуғулланувчи алоҳида Вазирлик ташкил этилгани, жойларда хусусий ва давлат тизимидаги янгидан-янги муассасалар қурилаётгани фикримиз далилидир.


Болажонларнинг тўғри овқатланиши, жисмоний ва ақлий машғулотлар билан шуғулланиши, вақтида дам олиши муҳим, албатта. Энг муҳими эса уларни гўдаклик пайтидаёқ ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бурчимиздир. Шу маънода юртимиз бўйлаб феврал ойида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд саналари муносабати билан мактабгача таълим муассасаларида ҳам тадбирлар бўлиб ўтди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 477-мактабгача таълим муассасасида ҳам ана шундай байрам ташкил этилди. Улар аждодларимиз қиёфасини гавдалантираётган, уларнинг рубоий ва ғазалларини бурро-бурро

айтиб бераётган болакайларга қараб, кўнглингиз ўсади:

Ҳар кимки, вафо қилса вафо топқусидур,
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Миллий либосларимиз ярашиб турган бу жажжи билимдонларнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жасоратию шижоати, шоирлигию подшоҳлиги, улуғ олимлиги ҳақида жўшиб сўзлашлари қалбимизда ғурур уйғотди. Ўзлигини билган, буюк аждодларининг ҳаёт йўлини ўрганган фарзандлар, албатта, уларга муносиб авлод бўлиб вояга етишгуси!



Биз байрам тадбирини томоша қилган болалар гуруҳининг тарбиячиси Хуршида Маматкаримова суҳбатимиз давомида шундай деди:

— Ҳар йили бир ҳафта мобайнида улуғ аждодларимизнинг ҳаёт ва ижоди, бебаҳо мерослари ҳақида машғулотлар ўтказамиз. Энг аввало, болаларимиз буюк ватандошларимизнинг сурати ва исм-шарифларини аниқ билишлари, ҳаёти ва бой меросини тасаввур қилишлари учун кўргазмали қуроллар, замонавий технологиялардан фойдаланаяпмиз. Тўғри, бир ҳафта аждодларимиз ҳақида тўлиқроқ маълумотлар беришга оз фурсат. Лекин биз йил давомида ҳар доим бу мавзуга мурожаат қилаверамизки, болажонларимиз ўз бобокалонлари, шоираю олима момолари билан фахрланиб улғайишсин. Уларга мос инсонлар бўлишсин.



Ҳа, ватанпарварлик аслида гўдакликдан бошланади. Киндик қони тўкилган юртга муҳаббат, шу заминда туғилиб вояга етган улуғ инсонларга муносиблик масъулияти ва шарафи болалар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.



Маълумки, тарихда ҳар бир давлатчилик шаклининг ўз муҳри бўлган. Мисол учун, хонликларда ҳам ўзига хос муҳрлар бўлган. Қўқон хонлигида улар, асосан, бодом шаклида экан. Бодом - барака рамзи. Худоёрхон муҳрида иккита бодом тасвирланган.



Худоёрхон муҳри

Лобар МИРЗО,
журналист.



— Тарих кўзгуси бўлган бу масканни давлатимиз раҳбарининг таклифи билан "Буюк алломалар музейи" деб номладик, — дейди Фарғонада жойлашган музей директори Р.Зияев. — Музейда ўрта асрлар, Темурийлар даври, Қўқон хонлиги ва мустамлакага қадар яшаб ижод этган аллomаларимизга оид экспонатлар, асарлар, суратлар йиғилмоқда. Бу ерга ташриф буюрувчилар буюк аждодларимиз ҳаёти, босиб ўтган йўллари, ижод маҳсуллари ҳақида тўлақонли маълумот олади. Буюмлар, турли идишлар эса ўша давр турмуш тарзидан дарак беради.

Бундан қарийб 120 йил аввал асос солинган, жами 80 минг донадан ортиқ экспонатларга эга мазкур музей Ўзбекистондаги энг кекса музейлардан бири саналади. Ҳозир бу масканда 5 та (тарих, табиат, санъат, илмий-оқартув ва фонд) бўлим ва 10 та (тасвирий санъат, метал ва сопол, махсус мато буюмлар, ҳужжатлар, газета ва плакатлар, ёғоч буюмлар, археология ва нумизметика, табиат, фотонегатив ва суратлар) захирахоналар фаолият кўрсатиб турибди.

Қўлёзма ва ҳужжатлар коллекциясида Худоёрхоннинг сарой кутубхонасидан келтирилган, муқоваси теридан тайёрланган ва сарғиш тусда қолипланган Қуръони карим эътиборимизни тортади. Бу қўлёзма кўфий хатида санъаткорона кўчирилган бўлиб, 75 жойига Худоёрхоннинг "вақф фисабилуллоҳ" ёзувли муҳри босилган.

Шунингдек, 36 та кичик муҳр бўлиб, унда ҳам "вақф фисабилуллоҳ 1287" деб, унинг ёзилган санаси ҳам кўрсатилган. 36 ўринда ой, ёй, қуёш рамзлари тилло рангда босилган. Бу каби нодир қўлёзма ва ҳужжатлар нафақат вилоятнинг, балки бутун водийнинг узоқ ва яқин ўтмишини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Худоёрхон муҳри тасвирини бугунги кунда ҳунармандларимиз ҳам қизиқиш билан ўрганиб, уни санъат асари даражасида тайёрлашмоқда.

Навоийнинг умр ҳақидаги қарашлари



Анвар БАХРАНОВ,
Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 44-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Ҳазрат Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” куллиёти орқали инсон умрини тўрт фаслга қиёслайди ва шунга мос равишда куллиётдаги девонлар сонини ҳам тўртта қилади: “Ғаройиб ус-сиғар” (Ёшлик ғаройиботлари) девонида болалик даврини умрнинг баҳорига ўхшатса, “Наводир уш-шабоб” (Ёшлик нодирликлари) девонини ўсмирлик, яъни ёзга, “Бадое ул-васат” (Ўрта ёш бадиийликлари) девонини ўрта ёш паллаларига, яъни кузга, “Фавойид ул-кибар” (Кексаликнинг фойдалари) девонини қарилик фурсатларига, яъни қишга менгзайди.

Навоий инсон ёшлик чоғини билим олиш, меҳнат ва касб-ҳунарни эгаллаш билан ўтказишини, бошқа беҳуда ишларга қўл уриб, ўз умрини ҳавога совурмаслигини бот-бот таъкидлайди. Ўспиринлик чоғларида меҳнатга машғул бўлиб, жоҳилликдан, билимсизликдан йироқ юришни уқтиради:

Йигитликда йиғ илмнинг махзани,
Қариликда харж қилғил ани.

Шоир ёшликни беҳуда ўтказмасликка, куч-қувват борида илм олиш пайида бўлишни, қарилик чоғида эса ўша эгалланган билимлар соясида яшашга ундайди.

Навоий инсон комиллик даражасига эришиши зарур деб ҳисоблайди:

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотавон ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Чиндан ҳам, келажакда бахтли бўламан деган инсон ўз умрини бекор ўтказмайди. Унинг ҳар бир онини фойдали машғулотларга сарфлайди.

Туркияда Усмонлилар даври соати

Мирзоҳид МУЗАФФАР



1. Тавҳид
2. Илм
3. Ирфон
4. Ақл
5. Ҳикмат
6. Инсон
7. Амал
8. Адолат
9. Ахлоқ
10. Маданият
11. Ислом
12. Ҳақ.

Қизиқ-а, ўша даврда тахминан шундай суҳбатлар бўлгандир:

— Дўстим, соат неччи бўлди?

— Ирфон вақти бўлди.

Ёки:

— Айтолмайсизми, соат неччи?

— Ҳикмат вақти.

“ОРЗУ ҚИЛИШ ҲАМ ...”

УСТОЗГА ЎХШАШ ШОГИРДЛАР

Устоз шогирдларига:

— Мавлонолар, ичимизда энг доно ким эрур? — деб сўради.

Шунда шогирдлардан бири шартта ўрнидан туриб:

— Доноларнинг доноси, ўзингиз-да, устоз! — деди ҳозиржавоблик билан.

Шунда устоз ҳайрат билан:

— Қойил, тўғри айтдингиз. Ҳозирги ёшларнинг бу қадар доно эканини ҳеч ўйламаган эдим, — деса, ҳозиржавоб шогирд:

— Сизга ўхшаймиз-да, устоз! — дермиш.

ОРЗУ ҚИЛИШ ҲАМ ҚИЙИН

Афанди уйида хаёлан қўй гўшти солиб пиширилган шўрва ичишни орзу қилиб ўтирарди. Қўшнисининг ўғли коса кўтариб чиқиб қолди ва деди:

— Амаки, агар шўрва қиладиган бўлсангиз, дадамга ҳам бир коса бераркансиз. Мазалари йўқ.

Шунда Афанди ўзича ғудраниб деди:

— Тавба, бу уйда орзу қилиб ҳам бўлмайди-я!

ЗИНДОН ҚАЕРДА?

Бир подшоҳ шеър ёзиб сарой аҳлига ўқиб берибди. Ҳамма мақтабди. Фақат Афанди жим турганмиш. Подшоҳ:

— Сен нима дейсан? – деса, Афанди:

— Бунақа расво шеърни эшитмаганман, — дебди.

Подшоҳнинг жаҳли чиқиб, уни зиндонга ташлабди. Бир ҳафтадан кейин Афандини шоҳни ёнига олиб боришибди. Подшоҳ янги шеърини ўқиб бериб, “Қалай чиқибди?” — деса, Афанди индамасдан ўгирилиб кета бошлабди.

Подшоҳ:

— Қаёққа? - деса, Афанди:

— Зиндонга, — дермиш.

КЎЗГУ

Бир одам донишмандга савол бериб-ди:

— Нимага камбағал одамдан ёрдам сўрасанг, қўлидан келганча кўмак беради-ю, бой ва мансабдордан ёрдам сўрасанг пинагини ҳам бузмайди?

Донишманд жавоб берди:

— Деразага қара! Нимани кўряпсан?

— Кўчани, одамларни, ...

— Энди, кўзгуга қара!

— Ўзимни кўряпман фақат.

— Ана кўрдингми! Ойнага озгина кумуш қўшилган эди, фақатгина ўзингни кўрсатадиган бўлиб қолди. Ҳудди шу каби инсонларга салгина бойлик берилса, ўзидан бошқа ҳеч кимни кўрмайдиган бўлиб қолади.

БИР ПУЛЛИК БАЙТЛАР

Бир куни ҳаваскор шоирлардан бири мақтанибди:

— Тун бўйи шеър ёзиш билан машғул бўляпман. Масалан, ўтган кеча икки пулга олинган шам ёниб битгунча, икки юз жуфт байт ёздим.

Шунда фаросатли мунаққидлардан бири лутф қилибди:

— Ундоқ бўлса, ҳар юз жуфт байтингизнинг баҳоси бир пул экан-да...



Азизбек САЛИМ ўғли тайёрлади.

Summary

The first edition of the magazine begins with a speech of our President Shavkat Mirziyoyev in a solemn meeting dedicated to the International Women's day. He mentioned: "If we want to educate future scientists, first of all we must educate healthy, highly educated and spiritually healthy mothers".

In his article entitled "Legislative code of the Baburid State" Abdulhakim Juzjoniy analyzed the legal system in the Baburid Empire. As We know, the large legal complex "Fatavoi Olamgiri" was written on behalf of Avrangzeb Olamgir. The article provides information about this set and other sources.

The article "Babur"s ability to draw in words" by Sitora Tajiddinova is about Zakhiriddin Muhammad Babur and how he skillfully created a portrait of historical figures in "Baburname".

The article "A History seen in coins" provides detailed information about the coins that were minted by Emperor Babur. These coins are historical materials, reflecting the social, trade, financial and monetary policy, economic and international relations of the state of Z.M.Babur.

The interview "My love for a talented king and a charming poet leads me to Uzbekistan" is an interview with the great poet Syed Naqi Abbas (Kaifiy). He describes why he loves to come to Uzbekistan every year.

The magazine shares also some depth analytical articles and stories as well as interesting informations.

МУАССИС:
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши таъсисчилигидаги «Zaytun bog`lari» МЧЖ.

Бош муҳаррир ўринбосари Ситора ТОЖИДДИНОВА

Таҳрир ҳайъати:

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, геология-минерология фанлари номзоди.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Эйжи МАНО,
профессор (Япония).

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Боқижон МАТБОБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.

Сйед Нақи АББАС,
Рампур-Ризо кутубхонаси Вице-Президенти, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди Ҳиндистон бўлими раҳбари, шоир (Ҳиндистон).

Мирза КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, шоир, таржимон.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари доктори.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
журналист.

Навбатчи муҳаррир: Яшнар МЎМИНОВА

Саҳифаловчи-диз@йнер: Ғафуржон МАДАЛОВ

Мусаҳҳиҳ: Жавоҳирхон СОБИРОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Матнлардаги маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъул. Таҳририят барча ижодий ишларни белгиланган тартибда таҳрир этишга ҳақли. Журналдан кўчириб босилганда манба номи кўрсатилиши шарт.
e-mail: boburvadunyo@mail.ru

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 26 мартда 0954-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган. Журнал уч ойда бир марта чоп этилади.

Босмахонага топширилди: 2020 йил 25 март соат 11:00 да.
Босишга рухсат этилди: 2020 йил 25 март соат 16:00 да.
Бичими 60x84/8. Офсет усулида, 80 грамм офсет қоғозида босилди.
Шартли босма табоғи 9.
400 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Буюртма №20-414.
Журнал «O`zbekiston» НМИУ босмахонасида нашр этилди.

Таҳририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (0-371) 241-18-67, факс: 241-09-21.
Нашр индекси: 2543

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА